

**НЎ'МОН РАҲИМЖОНОВ**

***НУР – БОҚИЙЛИКДУР***

**эссе**

**Тошкент  
«Адолат»**

**2004**

**Масъул мұхаррір:** **Зоҳир Аълам**

**Тақризчилар:**

**Фаффор Мўминов,** филология  
фанлари доктори, профессор.

**Анвар Жўраев,** техника фанлари  
доктори, профессор.

Таникли адабиётшунос олим Нўймон Раҳимжонов эссесида академик Ҳалим Усмонхўжаевнинг ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти ҳакида ҳикоя қилинади. Янги илмий СЎЗ шаклида намоён бўлган назарий ғояларнинг фан тараққиётидаги ўрни, фозил ва файзли фикрнинг шахс маънавий-интеллектуал камолотидаги аҳамияти асосида олимнинг ижодий қиёфаси яратилади. Назарий фикрнинг салоҳияти ва олим шахсияти, табиат ва жамият ҳодисаларини англаш, тушуниш ҳамда ўзликни билиш, олам ва одамни тушунтириш билан боғлик жараёнлар хусусида мулоҳаза-муҳокамалар юритилади.

XX асрнинг 20-30 йиллари адабий ҳаётда салмоқли ўрин тутган, қатогон даври курбони - адаб, таржимон, адабиётшунос, публицист Санжар Сиддиқнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳамда бадиий-эстетик изланишларининг ўзига хос хусусиятларига оид маълумотлар, кузатишлар илк бор илмий истифодага олиб кирилмоқда.

Тога-жиян Санжар Сиддиқ билан Ҳалим Усмонхўжаев ўртасидаги юксак инсоний муносабатларга, ижодий таъсир ва рағбат маданиятига доир фикрлар ҳам алоҳида бобни ташкил этади.

Рисола Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси академиги Ҳалим Усмонхўжаев таваллудининг 85 йиллигига бағишиланади

Н 1201000000 - 022 -2004  
(04) - 2004

© Ўзбекистон Республикаси Адлик вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2004 йил.



академик  
**Ҳалим Ҳайдарович**  
**Усмонхўжаев**  
**(1919 - 1993 й. й.)**

## **Академик Ҳалим Усмонхўжаев ҳаёти ва фаолиятининг асосий саналари**

**Ҳалим Ҳайдарович Усмонхўжаев 1919 йил 20 ноябрида Тошкент шаҳрида туғилди.**

**1937 йил. Енгил саноат билим юртининг ишчи факултетини тугаллади.**

**1942 йил. Тошкент самолётсозлик заводи ишчиси.**

**1942-1946 й.й. Тошкент шаҳар савдо бўлимида, Енгил саноат вазирлигига қарашли Тошкент вилоят савдо ташкилотларида электромонтёр, нозир ва катта нозир. Тошкент вилояти пахта тайёрлов трести қошидаги савдо бошкармаси бошқарувчисининг ўринбосари.**

**1946-1949 й.й. Ўзбекистон Республикаси маориф вазирлигининг Ўзбек маориф таъминот гурӯҳи раҳбари.**

**1950 йил. Тошкент Тўқимачилик институтини тугаллади.**

**1950-1952 й.й. Тошкент Тўқимачилик институти «Машиналар ва механизmlар назарияси, тўқимачилик машиналарини лойиҳалаш» кафедрасининг асистенти; илмий текшириш секторининг бошлиги.**

**1952-1954 й.й. СССР ФА (Хозирги Россия Фанлар академияси) машинашунослик институтининг аспиранти.**

**1954 йил. «Автоматик тўқув дастгоҳлари кинематикаси ва динамикасининг баъзи масалалари» мавзууда техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.**

**1954-1961 й.й. Тошкент Тўқимачилик институти «Машина ва механизmlар назарияси, тўқимачилик машиналарини лойиҳалаш» кафедрасининг асистенти, катта ўқитувчisi, декан муовини, декан, доценти.**

**1954-1977 й.й. Машина ва механизmlар назарияси муаммоларига багишланган Бутуниттифоқ йигинлар иштирокчisi.**

**1961 йил. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси механика (Хозирги М.Т.Ўрзобоев номидаги механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги) институти «Машина ва механизmlар назарияси» лабораториясининг мудири.**

**1965 йил.** «Машина ва механизмлар назарияси» мавзуда техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ёқлади.

**1967 йил.** Профессор илмий унвонига эга бўлди.

**1968 йил.** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди.

**1968-1974 йй.** Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўриндошлик бўйича кафедра бошлиги вазифасини бажарди.

**1969 йил.** СССР (Хозирги Россия) Фанлар академияси «Машиналар системаси-тизими ва назарияси» Илмий кенгашининг аъзоси.

**1969 йил.** СССР (Хозирги Россия) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги «Машина ва механизмлар назарияси» илмий-методик кенгашининг аъзоси.

**1970-1978 йй.** Тошкент шаҳар партия қўмитаси қошидаги халқ университетлари Кенгашининг раиси.

**1972 йил.** Машиналар назарияси халқаро уюшмасининг миллний қўмита аъзоси.

**1972-1987 йй.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигига қарашли машина-механизмлар назарияси ва машинасозлик жараёнлари секциясининг раиси.

**1973 йил.** «Ўзбекистон энциклопедияси» катта редакция кенгашининг ҳайъати аъзолигига сайланди.

**1974 йил.** Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалири кенгашининг фахрий китобига номи киритилди.

**1976 йил.** «Хурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди.

**1976 йил.** Ўзбекистон Республикаси Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг II даражали дипломи билан тақдирланди.

**1976 йил.** Ўрта Осиё ва Қозогистон республикалари олий ўқув юртларининг машина ва механизмлар назарияси кафедралари мудирлари, муаллимлари иштирокидаги жумҳуриятлараро минтақавий семинар-кенгаш ташкилотчиси ва раис муовини (Олма-Ота шахри).

**1977 йил.** Машина ва механизмлар назариясига бағишланган Биринчи съезд ташкилий қўмитаси аъзоси (Олма-Ота шахри).

**1977 йил.** Руминияда бўлиб ўтган машина ва механизмлар назариясига оид Халқаро симпозиум иштирокчиси.

**1978 йил.** «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ахбороти» журналинг техника фанлари бўйича редколлегияси аъзолигига сайланди.

**1979 йил.** Ўрта Осиё ва Қозогистон республикалари олий ўқув юртларининг машина ва механизмлар назарияси кафедралари мудирлари ва муаллимлари иштирокидаги жумхуриятлар аро иккинчи семинар-кенгаш ташкилотчиси ва ташкилий қўмита раиси (Тошкент шаҳри).

**1979 йил.** Ўзбекистон Республикаси Олий ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Фахрий Ёрлиги билан мукофотланди.

**1982 йил.** «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони билан тақдирланди.

**1982 йил.** «Фахрли ихтирочи» кўкрак нишони берилди.

**1983-1987 й.й.** Машина ва механизмлар назариясига бағишланган Халқаро конгреслар иштирокчиси (Нью-Дели – Ҳиндистон, Севилья – Испания).

**1984 йил.** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди.

**1972-1985 й.й.** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механизмлар назарияси ва пахта териш машиналари бўйича илмий кенгаш раиси.

**1984 йил.** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси механика ва жараёнларни бошқариш бўлимининг бюро аъзоси.

**1985 йил.** «Пахта комплекси ва машиналар назарияси» бўйича илмий кенгаш раисининг ўринбосари.

**1985 йил.** Ўзбекистон Республикаси Абу Райхон Беруний номидаги Давлат Мукофотлари қўмитасининг фан ва техника бўйича аъзоси.

**1986 йил.** СССР (ҳозирги Россия) ФА механика ва технология жараёнлар муаммолари бўйича Илмий кенгаш аъзоси.

**1986 йил.** Назарий ва амалий механика бўйича Бутуниттифоқ VI съезд ташкилий қўмитасининг аъзоси.

## **МУАЛЛИФДАН**

ХХ аср ўзбек илм-фани тараққиёти тарихи ҳақида гап кетгудек бўлса, аввало, Республика миз Фанлар академияси, университетлар, олий ўқув юртларининг ташкил этилиши, геология, хусусан нефт ва газ, олтин, рангли ва қимматбаҳо металлар конларини аниқлаш, математика, ядро ва қаттиқ жисмлар физикаси, астрономия, микробиология, органик ва ноорганик ўсимлик моддалари кимёси, сейсмология, тарих ва археология, фалсафа ва шарқшунослик каби фан соҳаларида яратилган улкан қашфиётлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Янги-янги фан тармоқларининг, илмий йўналишларнинг вужудга келиши, энг муҳими, Ҳабиб Абдуллаев, Тошмуҳаммад Қори Ниёзий, Собир Юнусов, Обид Содиқов, Тошмуҳаммад Сәримсоқов, Саъди Сирожиддинов, Содик Азимов, Муҳаммад Ўрозбоев, Ҳалим Усмонхўжаев, Ҳоди Зариф, Порсо Шамсиев, Ёлқин Тўракулов, Пўлат Ҳабибуллаев, Сайдкарим Зиёдуллаев, Абдумубди Султонхўжаев сингари ўнлаб олимларнинг муборак номлари, улар яратган илмий мактаблар, улкан самаралар, кутлуғ изланишлар бор бўй-басти билан намоён бўлади.

Фан тарихи ҳақида сўз очилса, у гўзал гоялар, илмий ҳақиқатлар силсиласи, бетакрор шахсиятларнинг юзага чиқиши тарихи ҳамdir, дегинг келади. Олим мантиқий тафаккур воситасида ўзлигини, мушоҳада-кечинмаларини ифодалабгина қолмайди. Шу билан баробар, дунёни англашга, очун гўзалликларини идрок ва ифода этишга, барру баҳрлар ҳақиқатини тушунишга ҳамда тушунтиришга интилади. Шу маънода, назарий гоялар, илмий ҳақиқатлар ҳам беназир ва бетакрор гўзаллик ҳодисаси. Алалхусус, фан тарихи бу - гўзалликлар тарихи ҳамdir.

Илмий-назарий гоялар, ҳақиқатлар, қашфиётлар бу-факт ва маълумотларга, далилларга, таҳайюлларга, таҳлил ва тасдиқларга таянган реал дунёнинг акси жилоси. Шу босдан ҳам у нурдек азиз ва мубориз. Ушбу гўзалликлар моҳиятини англашга интилиш бизни ҳамиша маънан юксалтиради. Шу маънода, дунёнинг боқийлиги, ҳаётнинг гўзаллиги, тириклиknинг зэгулиги учун бош меъзон бир-

гина офтоб нурлари, десак камлик қиларкан. Яна кўнтил нури, қалб қўри ҳам керак экан. Ёлгиз инсон зурриёдидинг муттасил комилликка интилишида авлодлар ўртасидаги нурли робиталарни, ижтимоий адолатнинг синмаслигини кўрамиз.

Илм-фанда назарий ғоялар устозлар ҳаётининг умрзоклигини белгилайди. Шогирдлару ворислар асарларида устозлар умрининг давомини кўрамиз. Бу - умрларнинг ёруғ саодати, демакдир.

Академик Ҳалим Усмонхўжаевнинг шахсияти ва илмий-ижодий фаолияти ушбу ҳақиқатни яна бир карратасдиқлайди. Устознинг кўнгил нурлари бугунги кунда ворислари ва шогирдлари изланишларида давом этмоқда. Илмий мактабнинг фан тармоқларию сўқмоқларидан, булоқларию ирмоқларидан бошланган йўлларини чароғон этмоқда.

Ушбу рисоланинг юзага келишида қимматли маслаҳатлари, тансиқ хотиралари, ҳужжатлар билан сидқидилдан ёрдам кўрсатган исломшунос олим, давлат ва жамоат арбоби Шамсуддинхон Бобохоновга (худо ўз раҳматига олган бўлсин), Абдуҳаким Усмонхўжаевга, тарих фанлари номзоди, доцент Козим Умаровга, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Баҳодир Сиддиковга, дўстим Амирсаид Усмонхўжаевга ташаккурлар билдираман.

## **ФИКР – КЎНГИЛ НУРИ (муқаддима)**

*Оллоҳ осмонлар ва Ернинг нуридир (яъни уларнинг барчасини ёритиб, кўзга кўрсатиб - йўқдан бор қилиб тургувчи-дир). У зот нурининг (мўмин банда қалбидаги) мисоли худди бир токча, унинг устиди бир чироқ, бу чироқ бир шиша ичиди, у шиша гўё бир дур юлдузга ўхшайди... Оллоҳ Ўзининг (бу) нурига Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур.*

**Куръони Карим. Нур сураси, 34 оят.**

Маънавий камолот ҳадлари бўлмаганидек, хоҳ илмий ёки бадиийми, хоҳ назарий ёки публицистикми, тафаккурнинг ҳам андазаси йўқ. Рассом фикрлари билан кечинмаларини ранглар, бўёқлар воситасида ифодалайди. Ҳайкалтарош гилтупроқ, созанда оҳанглар, шоир-ёзувчи сўзлар оркали ўзлигини намоён этади. Табиий фанлар мутахассиси - механик олимлар ҳам муайян формуулалар, қонуниятлар асосида иш юритса-да, илмий-мантикий фикрларга бадиий тафаккур қанот бахш этади. Назариётчининг юзага чиқарган формуласидан беҳад севинган ҳамкасби, "қойил мунчалар гўзал", дея дўпписини осмонга отади.

Эътибор берайлик-а, оддий ракамлар ҳам фикрлаган аснода беҳад чиройли бўлиб кетади. Кўзларни, дилларни қувончга тўлдириб, лов-лов ёна бошлайди. Олимнинг юрагию шуури рақамга кўчган пайтда улар беихтиёр равища куйлашга тутинади. Бу - ракамлар ҳам сеҳрли салоҳият касб эта бошлаганидан, туйгуларга, тафаккурга айланганидан, аслида.

Тўғри, аниқ формулаларда мужассамлашган гўзаллик Ўрол Тансиқбоевнинг манзара картиналаридан ёки Чингиз Аҳмаровнинг Шарқ гўзлалари акс эттирилган миниатюра-суратларидан, ёхуд мусиқадаги, айтайлик Турғун Алиматов танбур ва сатода ижро этган куйлар тароватидан фарқ килади, албатта. Қадим-қадимдан илми нужум - астрономия фани нафис санъат турларига киритилганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, ой ва юлдузлар, офтоб жамоли

гўзаллик тимсоллари сифатида шеър ва достонларни, байроқлару мухташам бинолар пештоқини безаб келаётир.

Булар бежиз эмас, албатта. Негаки, графика чизиқларию аниқ рақамли формулалар, назарий ғоялару муайян конун-қоидалар – хом хаёллар меваси эмас, йўқ. Улар, маълум шакл-шамоил касб этган туйгулар сурати, тафаккур мевалари. Негаки, улар ҳаётнинг ўзидан олинганилиги боисидан ҳам, одамлар тириклигини гўзаллаштиришга қартилганлиги учун ҳам азиз ва қадрли. Агар, улар, ҳаётнинг инкишофи бўлмаганида эди, ҳеч қандай маъно-моҳият касб этмаган бўлурди.

Дарҳақиқат, илмий ижод, хусусан, назарий ғояларнинг юзага келиши, амалиётда восил бўлиши кўп жиҳатдан бадиий ижодга уйқаш. Биргина механик олимлар, хусусан, академик Ҳалим Усмонхўжаевнинг илмий-ижодий изланышлари билан танишган ҳар бир ихлосманд мароқли бу уйқашликни кузатиши мумкин. Механиклар ўз назарияларини ҳаётдан, реал воқелигимиздаги уйғун жиҳатлардан олиб, ўрганишади. Шу боис, назарий ғоялари гўзаллик конуниятлари асосида юзага чиқганидан завқланади. ҳайратга чўмади. Гўзаллик ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар асрлар оша ўзгариб, тусланиб, товланиб келаётир. Илмий-назарий ғоялар ҳам шунга монанд; ҳаётдагидек кўркам ва рангин. Одамлар, давр ва жамиятнинг диди-савиясини маълум миқёсларда акс эттиради.

Назарий ғояларнинг ривожланиш хусусиятлари, аслида, илмий ҳақиқатлар нақадар гўзаллигини англаш, идрок ва ифода этиш силсиласи ҳамдир. Ҳар бир ақл эгаси маънавий-интеллектуал салоҳиятининг кўзгуси; сажия-имкониятларининг жилоси, дегинг келади. Теша тегмаган ҳар бир фикр, у бадиий ижодга мансуб бўладими ёки илмий изланышларгами, барибир, тафаккурнинг ёруғ тонглари, демакдир. Ҳаётимизнинг ҳар бир қуни тонг билан бошланади. Баҳор ёки ёзми, куз ёки қиши тонглари бўладими, ҳеч бири айнан такрорланмайди. Бир-биридан файзли ва шукухли. Зоро, гул-гул очилиб, чараклаб келган баҳорий тонгларнинг севинчлари, ранглари, маънолари офтоб зарралари мисол бекарон.

Тонгнинг бош аломати, устивор хусусияти - офтоб жамоли билан. Йил ўн икки ой - ҳар бир кунни офтобсиз тасаввур қилиш мумкинми, асло! Мабодо, офтоб кўк токидан кулиб боқмаса, қут-барака, рисқ-рўз уруғлари - нур зарраларини ер юзига йўлламаса тириклигимиз барҳам топади. Шу боисдан бўлса керак, азал-азалдан мўйсафидлар: “Худонинг берган куни, шукр қил”, дейишади. Шу боисдан бандай мўминнинг Фикр-Шукр-Зикр этиши унга насиб қилган, пешонасига битилган ёруғ саодат.

Табиат мўъжизакор, олманинг ириши уруғига тушган куртдан бошланади. Дараҳтнинг қуриши илдизига заҳа етишидан. Одамзот ҳаёти ҳам табиат ҳодисаларининг ўзламчи кўринишидек, бошқача йўсингдаги давомидек туъюлади. Тириклидаги ҳар бир унсурнинг заволию иқболи ўз табиатида яшар экан. Тун оғушида кун, ёруғлик қўйнида қора соялар яширингани мисоли. Ёхуд, тулкининг териси - ўзининг душмани.

Нурнинг чехрасини ҳаммамиз кўрганмиз, ва лекин босган қадамларини, ибтидосию интиҳосини қузатганлар бормикан?! Бу очунда ёруғликнинг ҳам рақиби бормикан? Ҳайратланарли мўъжиза шуки, ёлғиз Нурнинг кушандаси йўқ. Ёруғлик завол билмас.

Илк баҳор тонги. Осмон кўнгли тўлиқиб кетади. Ер ҳаприқиб, суюнчи ичига сифмай, энтиқиб-энтиқиб нафас олади. Дов-дараҳтларнинг совук, жунжиккан вужудида, сершоҳ томирларида ҳаёт суви югуради. Қиёқ майсалар, барра ўт-ўланлар киприкдек таранг қадди-бастини кўтариб, ўзини офтобга танитишга ошиқади. Қалдирғочлар вижир-вижир, чумчуқларнинг турфа овозлари гулларнинг анвойи ат-рига, тонг нафасига, офтоб зарраларига қўшилиб кетади.

Бўгунги тонг шомга бориб хотирага айланади. Кимdir ўтган дамлар шукронасадан кўнглига қўр олади; яна кимлардир ўтган асиолар қадридан самаралар орттиради. Ўтган ҳар бир лахза эслашга арзигулик, тотли тарихга айланади. Илло, кунларимизнинг ҳар бир саҳифаси бизга эшигини ёлади.

Хотиралар шиша гулдоннинг сочилиб кетган парча-парча синикларини эслатади. Уни ўтган кунлар гирдобидан,

воқеа-ҳодисалар қуюнidan биттама-битта ажратиб, жойжойига қўйиб, асл ҳолида тиклаб, анвойи гуллар тақдим этиш юят мушкул вазифа.

Шу боисми, хотиралар - умр зийнати, дейишади. У хәёлдан кўтарилган воқеа ҳодисаларни, сухбату мулоқотларни, ўзаро муносабату кечинмаларни хотирага жам қилишдан иборат эсдаликлар тизими эмас. Шу маънода, бошдан кечган ҳамма ўтмиш дамлари хотира ҳуқуқига эга эмас экан. Бошдан нималар кечмайди, тушга нималар кирмайди.

Йиллар ўтган сайин одам ортига қараб-қараб олишга эҳтиёж сезаркан. Не бахтки, ўша олис воқеалар оғушига қайтар экансан, бетакрор лаҳзаларни яна бошингдан кечирасан. Туйгулар, кечинмалар, мушоҳидалар қайтадан жонланади. Бир неча ўн йиллар бурун ўтган ҳодисалар кўз ўнгингда қайталанади; қаддини ростлайди. Не саодатки, хотираларнинг сехри-салоҳияти боис олис кечмиш бирмабир кўз ўнгингда суратлана боради. Қайтадан ўша воқелик бағрида яшагандек бўласан.

Хотиралар бу - олис йиллар бағридан ловуллаб ўтиб келиб, қалбимизни ёритаётган шуълалар мұждаси. Утган аждодлар, қадрдонлар, ҳешу ақраболар бир сўз билан айтганда, нурли чехралар ёди. Шу боисдан ҳар қандай воқеа-ҳодиса одамлар билан тирик, одамлар ёди билан нурли.

Одамларни эсласанг олис йиллар пучмогидан кечмиш ёғдуси кўнглингга оқиб кела бошлайди. Ўтган йилларни кўз ўнгингда тиклар экансан, йўллар, йўлдошлар, тақдирлар ёруғ қиёфаси билан бугунги ҳаётимизни бойитади. Хотиралар ўтган йиллар нурини бугунги кунимизга олиб келиб боғлади. Ва шу жараёнда бугунги насллар кўнглида ёнган чироқларнинг пилигини кўтаради. Келгуси насллар ҳаётига йиллар мағзи сифатида янги маъно, янги тўлқин олиб киради.

Хотиралар бу - халқ тақдирин, миллат иқболи билан боғлиқ маънавий мерос. У маданиятимиз тарихига, тарихий ҳақиқатга даҳлдорлиги боис ҳам ардоқли.

Шу жумладан, Ҳалим Усмонхўжаевнинг илмий-назарий юялари, тадқиқотлари халқимиз юмушига камарбас-

та. Ҳар кимнинг фикр юритиш тарзидаги сўнгти нуқта тирикликнинг оҳиратини англатмайди, албатта. Зеро, асл олимнинг ҳаёти, бу - тафаккур гуллари. Фикр эса, асло қаримайди, туйғулар сўлмайди. Гулнинг ўзи қовжирасада, таровати гул-гул ловуллаб тураверади. Олимнинг назарий ғоялари ҳам маънавиятимизни безаб, яшнаб қолаверади. Сийрати гўзал - туси яхшидан тугилма, дейишгани бежиз эмас.

## НУР – ЁРУГЛИКНИНГ УРУФИ

Бу ёруг дунёда қанчадан-қанча фан тармоқлари, илм шаҳобчалари бўлмасин, табиат, жамият ва инсон уларнинг қизиқиши, ўрганиш асосидир. Илмда эришилган самаралар жамиятни янада гўзаллаштиришга, инсонни эса комиллик мақомига кўтаришга хизмат қиласди. Зеро, гўзалликнинг моҳияти асл ҳақиқатдир.

Ғоялар, тақдирлар тарихи - фанлар тарихини ҳам ташкил қиласди. “Олимнинг ҳаёти”, “Олимнинг умр йўллари”, “Олимнинг қисмати” деганда, асосан, одатдаги тириклик шеваларига ўжшамаган, одамлар шуурини, зикрини банд этган ўйлари, кечинмалари бирма-бир вараклана боради.

Катта шахслар босган изларнинг ҳаммасидан ҳам гуллар унавермаган Ва лекин, уларда ёругликнинг умрини узайтирадиган нур бор. Илм-фан тармоқларини олга силжитадиган кўнгил таянчлари бор. Миллатнинг илмий салоҳиятини оширадиган, назарий тафаккур равнақини белгилайдиган, онг-шуурини бойтадиган фикр чўялари бор. Илмий ғояларнинг пўканак босишига йўл қўймайдиган тафаккур уруғлари бор.

Илмий ҳақиқатлар дастлаб олимлар онгини ёритганлиги боисидан тақдирини шараф шуълаларига буркаб келади. Шу боис катта кашфиётларгина эмас, уннинг урвогичалик самаралар ҳам маънавий гўзаллик меваларидир.

Ҳалим Ҳайдар ўғли етмиш тўрт йил умргузаронлик қилди. 1919 йил 20 ноябрь куни Тошкент шаҳрининг Чакичмон маҳалласидаги Ҳайдархўжа aka хонадонида дунёга келди. Шу куни осмон тўла юлдузлар каҳкашонига митти шуъла келиб қўшилди. Бу - Ҳалим Ҳайдар ўғлининг юлдузи эди. У ёритқичлар силсиласидан ўз ўрнини

топди. Бугун ҳам зурриёдларию илми толиблар ҳаётига ёғду сочиб турибди. Мәхр шуълалари илиа йўлларини ёритиб келаётир.

Ёмғир томчилари - сувнинг уруғи. Ўша, салқин куз куни ёқкан ёмғир томчилари, бу - солих фарзандни кутлаб сочилаётган табиатнинг севинч сочқилари эди, аслида. Ҳалим Ҳайдар ўғли 1993 йил баҳорида фоний дунёдан бокий дунёга риҳлат этди. Фалакнинг күшойишини қарангки, ўшанда ҳам худди туғилган кунидагига ўхшаш ҳаво намхуш эди. Шивалаб ёмғир ёғиб турди. Бу факат, юлдузлар бағридан силқиган осмоннинг кўз ёшлари эди.

Ҳалим Ҳайдар ўғлининг танглайини илм билан кўтаришгани экан. Бешикдан тобутгача илм излади.

\* \* \*

Дарахтларни силкитгандек бекарон коинотни ҳам вақти-вақти билан силкитиб турадиган қудратли куч бор экан. Шу боис сайёralар, юлдузлар, буржлар икки кўздек бирбирига боғланиб қолди. Қарангки, ёруғ бир шуъла юлдузлар буржидан узилиб, тўппа-тўғри ерга учиб кела бошлиди. Турфа-турфа сайёralар чақирди; бироқ боқмади, ўз йўлидан қолмади. Шода-шода юлдузлар имлади ва лёкин қарамади, ўз йўлидан адашмади.

Ер меҳри уни ўз оғушига чорлаётган эди. Шуъла ерга қараб учиб келаверди. Шамоллар девори дуч келганда симирди; булутлар тошга айланиб йўлини тўсганида кемирди. Охири ернинг бағрига етишганда кўзлари қувончдан ёниб чараклади. Чўғ мисоли ловуллаб тупроқ оғушига стилди, сингиб кетди.

Мўъжиза-да. Шуъла қадрдан муҳитга тушган эди. Шу тупроқда у ўзлигини топди. Баҳор келди. Бу олам ижодкори япроқлару майсалар, жилғалару дарёлар, гуллару дарахтлар, паррандаю даррандалар, сокин кўллару уммонлар, тог-тошлару вулқонлар, шамоллару бўронлар...тилида сехрли сўзлай бошлади. Беқиёс таровати билан жилваланди. Ана шундай хуш айёmdа тупроқса сингиб кетган чўғ шуъла дарахти бўлиб униб чиқди. Тупроқ шарофати, офтоб саҳовати, оби-ҳаёт инояти билан бўй-бастини кўтарди, қаддини ростлади.

Ибтидосиз ва интиҳосиз ҳаёт қўшиғини ўзига хос сирли тилда куйлай бошлади. Қийғос гуллади, гунча тугди, ҳосил берди. Қалб қўзи бўлиб қадр топди. Одамлар кўнглига шуъла бўлиб кириб борди. Кулбаларга, хонадонларга, дастурхонларга ёруғлик бўлиб тўкилди.

Шуъла ёруғлик тимсолида ўзининг иккинчи умрини, завол топмас ҳаётини бошлади. Мачитнинг сўфиси тахлит овози маҳалласидан ташқарига чиқмайдиган тор қобигга ўралган олим нусхалар, отасидан қолган бир бурда шапарак айвонни бепоён бошпанам деб билганлар, гадой тўрвасидек хувуллаган уй-жойларидан остона хатлаб кўчага чиқолмайдиган, икки қадам нарини кўролмайдиган, занжирига боғланган кимсалар...

Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил, деганинди шу бўлса керак-да. Ёруғлик дарахти шуъланинг бир умр талпинган, таянган ва ўзлигини таниган ватани бўлиб қолди.

Ҳалим Усмонхўжаевнинг ҳаётига, илмий-ижодий фаолиятига назар ташлагандага беихтиёр ўша шуъланинг бошидан кечган баҳтли қисмати кўз ўнгингда гавдаланади.

Ҳалим Ҳайдар ўғли илм-фанда ўз ўрнини топгунга қадар тирикчилик кўчаларини кўрди. Дастлаб, 1942-46 йиллар самолётсоэлик заводида электромонтёр бўлиб ишлади. Сўнгра Тошкент шаҳар савдо бўлимида катта нозир сифатида фаолиятини давом эттириди. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати вазирлигига карашли пахта тайёрлаш трести қошидаги Тошкент вилояти савдо бошқармаси бошқарувчисининг ўринбосари, Республика маориф вазирлигининг "Ўзбекснабпрос" гурухи бошлиги бўлиб ишлади. 1950 йили Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битиргач, тақдирни илм-фан билан чамбарчас боғлиқлигини чуқур ҳис этди. У ўзлигини, умрининг маъносини илм-фандан топди. Механика илми, механизм ва машиналар назарияси соҳаси Ҳалим Усмонхўжаевнинг бир умрлик эътиқодига айланди. Маънавий таянчи бўлиб қолди.

Излаганга толе ёр, деб бежиз айтишмайди. Ҳалим Усмонхўжаев қаламига мансуб учта монография, "Механизм ва машиналар назарияси" (Олий ўқув юртлари учун дарслик 1962, 1970, 1981-йилларда нашр этилди), "Механизм-

лар динамикаси”, “Ўзгарувчан структуралар механизми”, “Механика ва техника инсон хизматида”, “Пахта сирлари ва сеърли механизмлар” сингари рисолалар, беш юздан зиёд илмий-назарий ҳамда оммабоп мақолалар яратилди. Саксондан ортиқ ихтирога муаллифлик гувоҳномалари олинди. Киркқа яқин фан номзодлари, ўндан зиёд фан докторлари Ҳалим Усмонхўжаев раҳбарлигига диссертацияларини ёқлашди. Устоздан оқ фотоҳа олишди. Ҳалим Усмонхўжаев шогирдлари орасида илмий муассасалар, олий ўқув юртларининг раҳбарлари, лаборатория ва бўлим мудирлари, деканлар фан ва техника соҳасида, халқ хўжалигининг ўнлаб тармоқларида фаолият кўрсатишмоқда. Улар устоз ёқсан илм чирогининг ёғдуларини кўнгилларга тарататган, келажак наслларга етказаётган олимлар.

Умр оқар сув, деганларича бор. Йиллар елдек келиб, селдек ўтаверар экан. Кимдир бир чимдим умри бадалида боғ-роғлар бунёд этади. Шаҳарлар барпо қиласи, чўлу биёбонларга сув чиқаради. Асов дарёлар белига камар боғлаб нурхоналарни юзага келтиради; кўпrikлар солади. Китоблар ёзиб ёруғ умридан ловуллаган алангалар ҳосил қиласи. Бир бурда умрини гулханларга айлантиради.

Шоир Масрур таъкидлагандек:

*Асрлар кетидан ўтар асрлар,  
Одамлар изини босаркан инсон.  
Сочилар тожу таҳт, синар қасрлар,  
Не боқий, авлодми ёки шуҳрат-шон?  
Ўчмасдан, чўжмасдан, кул бўлмай фақат  
Нур мисол дунёда қолар барҳаёт,  
Пешонага битилган ҳақ-ёзуқдир,  
Бу ҳам асли насиб этган бир тақдир.*

Бу очунда салтанатлар, сулолалар, мафкуралар бир-бири билан ўрин алмашиниб келади. Ҳайратланарлиси шундаки, гўзаллик, эзгулик,adolat foялари асрлардан-асрларга, замонлардан-замонларга, кўнгиллардан-кўнгилларга ўтиб, боқий яшаб келаётir.

Не тонгки, одамлар ўтади, авлодлар ўтади ва лекин, улар эъзозлаган умумбашарий қадриятлар боқий яшаб қолади. Одам кексайиши, жисми қартайиши мумкин. Ва лекин, маъ-

навий қадриятларни улуғлашга қаратилган фикр қаримайди. Ҳалқимизнинг маънавий-аҳлоқий бойлигини кўз-кўз этувчи илмий-назарий гоялари йиллар тўзонига дош бераб, бардам яшаб қолаверади. Академик Ҳалим Усмонхўжаевнинг илмий гоялари ҳам шунга монанд. Улар қаримайди, юз-кўзлари салқимайди.

Тафаккур - бамисоли нур. Ёруғликнинг сўнмас шуъласи Ҳалим Ҳайдар ўғлиниң юрагига чўғ соглан, дилига жойланган экан. 1950 йили Тошкент тўқимачилик институтини тугаллагандан кейин келажаги илм-фан билан омухтагини чуқур ҳис этди. Шу илмгоҳ таркибидаги илмий тадқиқот секторига етакчилик қила бошлади. Сўнгра “Механизм ва машиналар назарияси” кафедрасининг ассистенти сифатида фаолиятини давом эттиради. Кўпдан бери кўнглида туғилиб келган орзулари аста секин ушала бошлади. Россия (собиқ СССР) Фанлар академияси Машинасоалик институтида академик И.И.Артоболевский билан М.Т.Ўрзобоевлар раҳбарлигида аспирантура таҳсилини давом эттиради. Бекарон илм уммонидан ўзининг жавоҳир сўзини топишга, ўз йўлини очишга жазм этди. Ҳар ким ўз уйида яшагани сингари ҳар бир олим ўз гоялари оғушида камол топади. Имаратнинг қадди-басти, умрзоқлиги тамал тошига, пойдеворнинг мустаҳкамлигига боғлиқ. Ҳалим Ҳайдар ўғли механизм ва машиналар назарияси илми асосларини эгаллашга киришди.

Астойдил чекилган заҳмат ўз самараларини бера бошлади. 1954 йили “Автоматик тўқув дастгоҳлари кинематикиси ва динамикасининг баъзи масалалари” мавзууда техника фанлари номзоди диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Тошкент Тўқимачилик институтининг “Механизм ва машиналар назарияси ҳамда тўқув машиналарини лойиҳалаш” кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида фаолиятини давом эттиради. Декан ўринбосари, декан вазифаларида эса илм-фан ташкилотчисидек тансик салоҳиятини намоён эта борди.

Жаҳон миқёсида механизм ва машиналар назариясининг долзарб масалалали бўйича ўtkazilgan қатор анжуманларда, конференцияларда маъruzalari билан иштирок

этди. Атоқли фан намоёндаларининг назарига тушди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика институти (ҳозирги М.Т.Ўрзобоев номидаги механика ва иншоатлар сейсмик мустаҳкамлиги институти) "Механизм ва машиналар назарияси" лабораторияси мудири (1961 йилдан) ва умрининг охиригача ўзи ташкил этган "Пахтачилик машиналари назарияси" йўналишига раҳбар сифатидаги фаолияти олимнинг қизиқишлигини бир ўзангага солди. Бир қатор ёш истеъдодларни ўз атрофига бирлаштириди.

1965 йили "Машина ва механизмлар назарияси" мавзуда техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. Орадан бир йил ўтиб профессор увонига сазовор бўлди. 1968 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мужбир аъзоси, 1984 йили эса академик этиб сайланди. Илмий-педагогик фаолиятининг кўп йиллик самаралари сифатида 1962 йили ўзбек тилида "Механизм ва машиналар назарияси" номли дарслик яратди. Тўлдирилган, қайта ишланган, мукаммаллаштирилган тарзда уч марта нашр этилди. У муҳандис мутахассисларни камол топдиришда асосий қўлланма бўлиб қолди.

Эл-юрт назарига тушиш ҳар кимнинг кўнглига жойланган нурнинг салоҳиятига, муттасил ўқиб ўрганишга, тинмай изланишлар олиб боришига боғлиқ экан. Йўқса, олий ўқув юртида ўқиб, олий маълумотлик дипломини олганларнинг барчаси профессор ёки академик бўлиб кетаверади. Ваҳоланки, илм-фаннынг баланд маснади худо ёрлақаган, эли алқаган, пешонаси чараклаган шахсларгагина насиб этар экан.

Жовдар жойига тушса буғдой бўлади, деганларича бор. Илми толиб табиатидаги ёруғ интилишни юзага чиқарган омиллар бу - катта истеъдод, оиласвий ҳамда илмий-маърифий шароит бўлди. Мазкур муҳит Ҳалим Ҳайдар ўғли кўнглидаги куртакни ўстирди, шигил мевалари ларzon илм дарахтига айлантириди.

Ўзбекистонда механизм ва машиналар назарияси бўйича мактаб яратган олимнинг маънавий мероси нафақат мамлакатимизда, шу билан бирга хорижда ҳам эл-юрт хизама-

тида. Булар олимнинг илмий парвозини таъминлаган нурли қанотлари.

Олим ҳаёти файзли кечди. Илмий маъruzalari, мақолалари, рисолалари монографиялари, тадқиқотлари фанда айтилган янги сўз бўлди. Механизм илми пахта саноати комплексининг пахтани териш, чигитидан толасини ажратиш, ип йигириш, газлама тўкиш ва тикув соҳалари машиналарининг унумдорлигини оширишга қаратилди. Мазкур йўналишлар Ҳалим Усмонхўжаев ва шогирдлари изланишларининг моҳиятини ташкил этди. Устоз авлодлар кўнглига илмий сўздан даражат экишга мушарраф бўлди. Бу имон, эътиқод, ҳалоллик, бокиралик заминида қад кўтарган илм чинори. У гўзалликка, маънавий комилликка, ҳаёт ҳақиқатларини кашф этишга қаратилган меҳр бўлиб гуллаяпти, ифори бўйлар таратаяпти.

Ҳалим Усмонхўжаевнинг машиналар назарияси халқаро федерацияси Миллий Комитетининг аъзоси, Механизм ва машиналар назарияси(ММН) ташкилий қўмитасининг аъзоси, Руминияда ўтган халқаро симпозиум иштирокчisi, ММН бўйича Халқаро конгресслар қатнашчиси (Нью-Деҳли-Хиндистон, Севилья-Испания), фан-техника бўйича Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти қўмитасининг аъзоси ва ҳ.к. фаолияти қирраларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбек илм-фани назарий тафаккури миқёсларини кўз кўз этишдаги хизматлари ҳам эътиборга молик. Ҳалим Усмонхўжаев қардош ҳамдўстлик давлатларида, чет элларда ўтган халқаро конференция ва конгресслар қатнашчиси сифатида теран маъruzalari билан ўзбек механик олимлари мактабининг салоҳиятини намойиш эта олди. Ўзга миллатларда катта иззат-хурмат туйғуларини уйғота билди. Маънавий комиллик ҳадлари бекаронлигини, ҳар бир илмий мактаб унинг янги жиҳатларини намойиш этишини, чинакам закий олим фаолияти нурга етишишга интилишдан иборатлигини тасдиқлади.

Устознинг шогирдлари билан ҳамкорликдаги тадқиқотлари ММНга бағишиланган мажмуаларда (1967, 1969, 1973, 1983 ва ҳ.к.) чоп этилди. Назарий ва амалий механика бўйи-

ча бутуниттифоқ съезди (Киев 1976, Олмаота 1981, Тошкент 1986) материаллари мундаражасини ташкил этди. ММН бўйича Халқаро Конгрессларда, хусусан, 1975 йили Англия, 1977 йили Руминия, 1983 йили Ҳиндистон, 1987 йили Испания ва ҳ.к. мамлакатлардаги анжуманларда ўзбек илмининг довруғига довруғ қўшди. Жаҳон миқёсидаги оламгир шуҳратини белгилади.

Илм-фан тарғиботчиси ва ташкилотчиси сифатидаги олим фаолияти ҳам серқиррадир. Хусусан, машиналар назарияси халқаро федерацияси миллий комитетининг аъзоси, ЎзФА М.Т. Ўрзобеев номидаги Механика ва иншоатларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳузуридаги фан доктори ва фан номзоди илмий даражалари бериладиган ихтинослашган Илмий Кенгашнинг аъзоси, Қозогистон Давлат Университети қошидаги фан доктори илмий даражасини беришга ихтинослашган илмий кенгаш аъзоси сифатидаги фаолияти ҳам таъкидланишга муносаб.

Сермиқес ижтимоий фаслияти, ёш олимларни камол топдиришдаги, илм-фан тараққиётидаги хизматлари учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвонига сазовор бўлди. Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Янтоқ яйдоқда, гул богда илдиз отади, гуркирайди, деганларича бор. Ҳалим Усмонхўжаев Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат инситутида униб ўси, камол топди. ЎзРФА Механика ва иншоатларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтида туп кўйиб палак ёзди; илмда ўз богини бунёд этди.

Ҳалим Усмонхўжаев механизмлар назарияси ва машиншунослик соҳасидагина эмас, шунингдек маънавий мадданият борасида ҳам катта мактаб яратди. Эйнштейн айтганидек, олимлар кашфиётлари билан очун ривожига нечоғлик таъсир кўрсатсалар, ўзларининг маънавий-ахлоқий қиёфалари билан ундан ортиқ таъсир кўрсатадилар, деган ажойиб фикрига исбот тариқасида Ҳ.Усмонхўжаев ҳаёти мисол бўла олади. Дўстлару шогирдларга, фарзандлару қариндош уруғларга, қўни-қўшниларга муомала муносабатда - у юксак инсонийлик фазилатларини ўзида мухлас-

самлаштирган эди. Ҳамиша ибрат намунасини кўрсатарди. Бу ҳақда сунскли шогирди, техника фанлари доктори, профессор, Ҳалқаро муҳандислик академиясининг муҳбир аъзоси, Тошкент Давлат Тўқимачилик ва енгил саноат институти "Механизмлар назарияси ва машина деталлари" кафедрасининг мудири Айвар Жўраев шундай ҳикоя қилади:

- Бешинчими-олтинчи синфда ўқиб юрган пайтимдан бери кундалик дафтар тутаман. Эшигтан, кўрган, билган воқеа-ҳодисалар тўғрисида мўъжаз қайдларни ёзиб кела-ман. Шу жумладан, анчагина саҳифаларни устоз билан кечган бетакрор дамлар, дақиқалар энлаган. Устоз шогирдларига "ўғлим", деб меҳр кўргизар эди.

- Курбинг етгунча одамларга яхшилик қилинглар, - дерди устоз. Эзгулик одамнинг юзини ёруг, умрини узоқ қилади...

Институт илмий кенгашининг йигилишларими, ихтисослашган илмий кенгаш мажлислари бўладими, устознинг иштироки давраларга файз бағишларди; самимий, дилкаш муҳит юзага келарди.

Ҳалим Усмонхўжаевда Оллоҳ таоло юқтирган фазилатлар кўп эди. Ҳусусан, ҳаёт билан илм-фанни ҳамиша во-баста, бир олманинг икки палласи сифатида яхлит ва бус-бутиң кўришга, ўрганишга, назарий хулосалар чиқаришга ҳаракат қиласарди. Кўнглида куртак туккан фикрларни ҳамиша ўзи яхши билган воқеликнинг у ёки бу ҳодисалари, холатларига чоғишириарди ва кузатишларини шогирдлари билан бўлишарди. Дастурхонидек кўнгли ҳам очик эди.

- 1975 йил куз ойлари эди, - деб эслайди Айвар Жўраев.  
- Тошкент Тўқимачилик институти тўқув кафедрасининг мудири Моил Самархўжаев билан бирга Ҳалим аканинг уйларига ўтдик. Устознинг умр йўлдошларини "холапошша" дердик. Оиласа ободлик, хонадонга қут-барака тилаб фотиҳа ўқилгач, у киши чой билан бирга духовкада димлаб пиширилган олма олиб кирди. Устоз олмани мактади: "Қани дастурхонга қаранглар, таъмини тотиб кўринглар, одамнинг губорини олади."

**Сұхбат ўзани маънавият масалаларига күчди.**

- Икки хил тоифа инсон, айниқса, пок ҳисобланади, - деди устоз. - Биринчиси, Оллоҳнинг йўлини туттган, диний эътиқоди мустаҳкам, дин ажномларини тарғиб этувчи олимлар; иккинчиси, дунёвий илм билан машғул бўлганлар. Илмфан магзини тафаккур тарбияси ташкил этади. Бу эса, ёруғлик, поклик, демакдир. Илмда из қолдирман, деган одам ниҳоятда покдомон бўлиши керак. Ҳавои кибр, ёлғон ва ҳийла аралашган илмнинг умри кисқа бўлади. Ҳақ йўли найрангни ҳазм қилолмайди.

Энди, асл муддаога кўчсак.

- Билармидинг, - деди устоз менга юзланиб, қадимда ота-боболаримизда савағич бўларди. Гилос, тут новдасидан тайёрланган бу савағичда ишлов берилган пахта ипакдек майнинлашади. Шу усулни машиналарга кўллаш мумкин эмасмикан?

Орадан кўп ўтмай, иккита ихтиро яратилди. Ушбу йўналиш янада такомиллаштирилди. Изланишлар самараси ўлароқ дунё фанида айланувчан ва тезлиги ўзгарадиган механизмлар силсиласи яратилди. Мазкур тармоқ кафедрамиз илмий салоҳиятининг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолди. Ўттиздан ортиқ тишли механизмларга ихтиро патентлари олинди. Ўндан зиёд шогирдлар шу йўналиш бўйича номзодлик диссертацияларини ёқлади. Тўрт шогирди фан доктори илмий даражасига эришди. Улар устознинг невара шогирдлари дир. Демак, унинг ғоялари ҳаёт...

Устоз табиатидаги меҳр-оқибатлилик ҳам ибратли эди. У киши инсонийлик маданиятининг ҳам академиги эди. 1983 йил куз ойлари, “Яланғочдаги қариндошимизникига бориб келсак, худойи қилишаётган экан”, -деб қолди Ҳалим ака. Машинада эдим, бирга бордик. Ҳозирги “Лимончилик” жамоа хўжалиги худудида. Икки киши бизни кутиб олди. Бири ёшроқ йигит; иккинчиси, соч-соқолига моштуруч оқ оралаган киши. Орадан ҳийла фурсат ўттач, ўзини боғбон, деб таништирган киши ташқарига чиқиб кетди; ҳаял-ламай қовун кўтариб кирди.

- Кани, марҳамат, татиб мазаси қанақалигини кейин айтасиз.

Таъми ҳали-ҳануз оғзимда. Шираси тилни ёргудек. Боф-  
бон қовунни таърифлашга тутинди:

- Бу қўйбош нави. Селитра кўрмаган. Етти йилдан бери  
экиб келаяпман Уруғининг таркибидаги дорилар ҳам шу  
орада бутунлай йўқолди.

Ҳалим ака тўлқинланиб кетди: Шу кунларда бир фикр  
 билан бандман, - дей сўз бошлади. - Шажара хусусида.  
Дарҳақиқат, ҳар ким ўзининг етти пуштини билиши шарт  
 экан. Бу, биринчидан, зурриёднинг покдомонлигини таъ-  
 минлайди. Иккинчидан, ўзликни таниш ва билиш асосла-  
 рини яратади. Учинчидан, миллий фурур туйғуларини тар-  
 биялайди, шакллантиради.

Исломий маданиятда қуда-анда бўлишдан олдин “па-  
 лагини” суриштириш одати бор. Бу нарса авлоднинг со-  
 гломлигини таъминлайди. Турли хил кемтикли фарзанд-  
 ларнинг дунёга келиш олди олинади. Асрлар оша яшаб  
 келаётган ибратли урф-одатларимизда тиббий, ахлоқий,  
 ижтимоий маъно мужассамлашган...

Янги-янги илмий ғоялар Ҳалим аканинг буткул борлиги,  
 руҳоний интеллектуал дунёси эди. Шу хусусда ибратли  
 бир воқеа эсимга тушади. 1975 йил сентябр ойининг ўрта-  
 лари эди. Машина механизмлари назарияси бўйича ҳал-  
 қаро жамиятнинг бутун дунё конгресси (ИФТОММ)га Ўзбе-  
 кистондан биргина Ҳалим ака аъзо эди. Уч киши - устоз,  
 мен ва Шавкат Раҳматқориев ҳамкорликда тайёрлаган  
 маъруза матни маъқул топилибди. Англияда ўтажак ҳалқа-  
 ро конгресс дастурига киритилибди. Маърузалар яна ало-  
 ҳида китоб ҳолида ҳам чоп этиладиган бўлибди.

Ўзбек илми эришаётган самаралар билан жаҳон фан  
 аҳлини таништиришдек масъулият бизга қанот бағишли-  
 ган эди. Шўро замонида остона ҳатлаб четга чиқиши учун  
 жудаям кўп идсралар ижозати тақозо этиларди. Бош уриб  
 борилмаган маҳкамалар, тақиллатиб кирилмаган эшиклар  
 қолмади. Охири, “пул йўқ”, деган важ билан сафаримиз  
 қолдирилди. Ҳафсалалар пир бўлиб бўшашиб қолган  
 бўлсак керак-да, Ҳалим ака кўнглимиизни кўтарди.

- Ўғилларим, тушқунликка асло ўрин йўқ. Ахир, маъ-  
 руза матнлари чоп этилади-ку. Шундай экан, дунё илм

аҳли иэланишларимиздан ҳабар топади. Фикрларимиз жаҳонга ёйилади. Бетакрор назарий ғоялар ҳеч қачон дөврлар кавагида қолган эмас.

Энди, устознинг илм-фан тарғиботчиси сифатидаги фидойи фаолиятларидан бир шингил. 1978 йил октябр ойида Польша Фанлар академиясининг президенти Паршевский институтимизга келадиган бўлиб қолди. Лаборатория жиҳозларини ёғ томса ялагудек ярақлатиб қўйдик. Диққат-эътибор барча ускуналарнинг ишчи ҳолатига қаратилди. Мен аналогли ҳисоблаш машинасида ишлар эдим. Устоз билан Паршевский хонага кириб келишди. Савол-жавоблар бўлди; ёнимга яқин келишгач, ишланаётган масала моҳиятини тушунтиридим. Оцсиллограммалардан ҳаракат конунларини кўрсатиб, гапириб бердим. Чиқиб кетишашётганда Ҳалим ака елкамта меҳр билан қўлинни қўйди. Буни, "лабораториямиз пилигини кўтариб бердинг", деган маънода англадим.

Орадан кўп ўтмай Польша Фанлар академиясидан лабораториямиз ходимларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида таклифномалар олди. Барча сарф-ҳаражатлар улар зими масида бўлиб, бизни ҳамкорликда илмий изланишлар олиб боришга чақиришган эди...

Устознинг ёруғ фазилатларидан яна бири бу - шогирдларини ҳамиша янги-янги самараларга рағбатлантиришда, ўйналтиришда намоён бўлади. 1980 йил апрел ойида "ЎзРФА Докладлари" журналига мўлжаллаб мақола ёздим. Фикр-мулоҳазаларини билиш ниятида ўқишига бердим.

- Илмий ишларинг нечта бўлди, - деб сўраб қолди Ҳалим ака.

Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганимга эндигина икки йил бўлганди. - Эълон қилинган мақолаларим ўттиз саккизтага етди, - дедим.

- Мақолалар саноғи олим савиясини белгиламайди. Илмий салоҳият қаймоги монографияларда намоён бўлади. Юзлаб мақолалар эълон қилиш мумкин. Ва лекин, ечими ни топмаган масалага ойдинлик киритган фундаментал тадқиқот олимнинг илм-фандаги ўрнини белгилаб беради. Китоб кўнгил кўзи, одамнинг юзи.

Устознинг рағбати шарофати билан беш юздан ортиқ мақолалар эълон қилдим. Ўн битта китобим чиқди. Шулардан саккизтаси индивидуал монография.

1977 йил октябр ойининг охирлари эди. Устознинг беш шогирди тадқиқотларимизни бирлаштириб, Ўзбекистон гашлар Иттифоқи мукофотига тавсия этадиган бўлдик. Биримизники пахта тозалаш машиналари, иккинчимизнинг изланишимиз пахта териш, яна учинчимизники тикувчилик, тўкувчилик машиналари ва ҳ.к. ҳар хил тармоқ механизмлари таркибини такомиллаштиришга бағишлиган эди. Ҳар каллада ҳар хаёл. Бекорга овора бўлмай қўяқолларинг, бешта тармоқнинг бошини қовуштириш пуч гап, деганлар ҳам бўлди. Муддаомизни кўтариб, устоз ҳузурига йўл олдик. Ҳалим аканинг кўнгли тоғдек кўтарилиб кетди:

- Бу, ахир, пахта саноатига тегишли технологик жараёнларни бирлаштирган комплекс-ку. Барака топинглар, пахта териш, дефолляция қилиш, тўкув машинасию жинлаш, ҳамма-ҳаммаси қамраб олинибди, - дедилар.

Эътиборлиси шундаки, устоз лафзида таърифланган пахта саноати комплекси илк бор шу таҳлит илмга кириб келди. Илмий матбуотда муқобил термин сифатида кенг кўлланнила бошланди. Беш ёш олим тақдим этган тадқиқот мукофот билан таҳдирланди. Устоз қувончининг чеки йўқ эди, ҳар биримизни бағрига босиб қутлади:

- Мукофотнинг энг катта ютуғи нимада, биласизларми?

Биз бир-биримизга қараб тараддулландик.

- Ана шу илм туфайли топган дўстликларингда. Бу - бебаҳо маънавий бойлик; унинг қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Олим фаолиятига тушов бўлган иллатларни кўриб келаяпман. Илмдаги энг катта қусур, бир-бирининг ютуқларини кўролмаслик. Файирлик қилиб, тан олмасликдир. Бу - тубан ҳалокатли чоҳ. Ундан йирок юрган одам фақат камол топади. Олимнинг камоли бир-бирининг шахсини, илмини журмат қилишдан бошланади. Ўзбек илмининг келажаги сиз ёшларнинг ихтиёргизда. Беш бармоқ бирлашса гурзидек муштга айланади. У эса, тогларни талқон қилгудек қудратли кучга эга.

Улкан олимлар бошини пайғамбарлар силаган бўлади. Ҳар икки елкасида фаришталар ўтиради, дейишгани рост экан. Ҳалим аканинг меҳрга йўғрилган башоратлари тўлиқ ушалди. Дўстликнинг ёруғлиги шунда бўлдики, у илмга меҳр-муҳаббат тариқасида шаклланди. Елкадош беш дўстнинг бир-бирига иззат-хурмати, илмга садоқати йиллар ўтган сайин тобланиб, мустаҳкамланиб бораюпти. Бугун техника фанлари докторлари, профессор бўлиши. Устоз асос солган илмий мактаб йўналишларига қанот бағишлишаётир.

Ҳалим аканинг ихтирочиликдаги зукко фаолияти ҳам ибратлидир. Қалдирғоч баҳорни бошлаб келгани сингари, устоз яратган эластик бўғинли винтли шпиндел кейинги ўнлаб ихтиrolарнинг кутлуг дебочаси бўлди. Тезлиги ўзгарувчан пахта титиш механизми ҳам Ҳалим аканинг бевосита йўл-йўриқлари бўйича майдонга келди. Шу асосда домла раҳбарлигидаги бир гуруҳ муаллифларга “ихтирочи”, деган кўкрак нишони берилди. У киши аввало, илмга фидоийлик руҳини кўнглинизга сингдирган, табиатимизда шакллантирган эди.

Ҳалим Усмонхўжаев асос солган илмий мактабнинг салоҳияти ва йўналишларини уч қисмга бўлиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, Усмонхўжаев мактаби дунё машинашунослик илмiga нималар қўшди ва яна қандай хисса қўшиб келмоқда? Иккинчидан, уларнинг илмий-назарий ғоялари асосида эришилган натижалар халқ хўжалигига қандай самара бераяпти? Учинчидан, олий ўқув юртларида тала-баларрга билим бериш борасида устоз мероси нималардан иборат. Бу ҳақда унинг шогирди, профессор Анвар Жўраев сўзлари билан жавоб берайлик:

- Ҳалим Усмонхўжаевнинг илмга қўшган зинг биринчи хиссаси пахтачилик комплекси пахта териш машиналари ва шпинделлар ёки бошқа соҳада қилган ишлари эмас. Машина механизмлари назарияси фанининг тили билан айтадиган бўлсак, биринчиси, мураккаб ҳаракат қилувчи технологик машиналарнинг механизмлари динамикасини, моделларини яратиш ва уларни таҳлил қилишдир. Эластик бўғинли механизмлар, пахта териш машинасининг шпинделли, эпизиклик механизмлар ҳам шунинг ичига киради.

Ҳалим Усмонхўжаев асос соглан яна бир йўналиш, бу ишчи органлари ўзгарувчан тезлик билан айланувчан механизмларнинг яратилишидир. Бу - қатор тишли узатмалар, тасмали узатмалар, мураккаб ҳаракат қонунлари асосидаги эгилувчан бутикли циклик механизмлардир. Устоз асос соглан мухим йўналишлардан яна бири, ана шу технологик машиналарнинг иш унумдорлиги нималарга боғлик эканлигини кўрсатадиган назариялардир.

Шоғирдлари билан биргаликда яратилган эгилувчан бўғинли қатор ричагли механизмларнинг кўринишлари ҳозир жудаям кенгайиб кетди: бу - эгилувчан бўғинли кулисали механизмлардир. Фақат шу механизмларнинг ўзидан Усмонхўжаев мактаби ўттиз бешга яқин ихтиро патентлари олди. Эътиборлиси шундаки, ҳар бир механизмининг ҳам синтези, ҳам лойиҳалаш услублари биргаликда яратилди. Улар аналитик методларни, хисоблаш усуслари билан ечилади. Натижалар салмоқли. Умумий ҳисобда икки юздан ортиқ ихтиrolарга патентлар олинди. Мингга яқин мақолалар чоп этилди.

Ушбу салоҳият Европа мамлакатлари илм аҳли томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда. Биргина мисол:

Профессор Анвар Жўраевни 1997 йили Машина механизмлари назарияси бўйича халқаро жамият (ИФТОММ) нинг Марказий кенгаши аъзолигига қабул қилишди. Академик Ҳалим Усмонхўжаевдан кейин унинг ўрнини мазкур нуфузли халқаро жамиятда шоғирди эгаллади. Бу - Германия, Франция, Англия, Финляндия, Япония, Хитой, Малайзия, Покистон ва ҳ.к. ўнлаб мамлакат механик олимларининг ўзбек илми мактабига кўрсаттан хурмат-эътиборидир.

Машинасозлик, механизмлар назарияси бўйича билимининг кенглиги, теранлиги жиҳатидан Ҳалим ака қомусий олим эди. Машинасозлик бобида шуғулланмаган тармок соҳалари қолмаган эди, дейиш мумкин. Ҳусусан, пахта териш машинасининг ишчи органи таркибли эластик бўғинли шпинделми, дефоляция қилувчи машина дейсизми, пахта тозалаш, чигит ажратиш, уни жинлаш, толани чигитдан ажратиш машиналари бўладими, барчаси бўйича Ҳалим Усмонхўжаевнинг янги фикрлари, ихтиrolари бор. Жинлаш машиналарининг ўзи икки хил: ингичка толали ва ўртача

толали пахта учун алоҳида машиналар яратилди. Яна толанинг ўзини тозаловчи, тўқимачилик станоклари, тўқув ватикув машиналари, чарм технологияси бўйича қатор мосламалар юзага келди. Буларни чегаралаб бўлмайди. Олимнинг пахта ишлаб чиқариш технологияси машиналарига ишчи органларини жорий қилиш бўйича соҳалари ниҳоятда кенг. Улар Ҳалим Усмонхўжаев илмий мактабининг назарий уфқлари нечоғлик беҳадлигидан, амалиётдаги самараларининг салмоқдорлигидан далолат беради.

Нафақат пахтачилик саноатида, балки тўқимачилик, енгил ва оғир саноатда, ҳатто автомобилсозликда ҳам қўлланиладиган соҳалари бор. Хусусан, янги муфталар ва механизmlар яратилганки, улар самолётсозликда ҳам ишлатилган тармоқлари бор. Олимнинг қўл урмаган, янгилик яратмаган, ишлаб чиқаришга жорий этмаган, ижобий самаралар бермаган соҳалари қолмаган, дейиш мумкин.

Ҳалим Усмонхўжаев Ўзбекистондагина эмас, Ўрта Осиёда биринчи бўлиб “Машина механизмлари назарияси”дан дарслик яратди. 1961 йили ЎзРФА Механика ва иншоатларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтида машина механизмлари назарияси бўлимини ташкил этди. Илмий-текшириш ишларини Тошкент Тўқимачилик институти талабаларига сабоқ бериш билан омухталикда олиб борди. Дарслик олим фаолиятининг ана шу икки қанотига вояга етди, камол топди.

Китобнинг ҳар бир нашри янги қарашлар, назарий ғоялар билан тўлдирилган. Янги нуқтаи назарлар билан бойитилган. Бу - дунё илмий тажрибаларидан фойдаланиб, бошقا илмий китоблар таржимасидангина иборат эмас. Йўқ, китобни ўқигандга, айниқса шогирдлари назаридаги, устоzlари бор бўй-басти билан кўз ўнгига намоён бўлади. Содда, равон ифодали услубидан муаллифнинг ўзи юриш-туриси билан кўриниб туради.

Дарсликнинг яна бир фазилати - ундаги юксак илмий-назарий савиядир. Талабами, аспирант-тадқиқотчими, кимда ким қўлига олмасин, илмнинг ёруғ даргоҳига кириб борганигини сезмай қолади. Аксарият дарслклар кўп жиҳатдан бир-бирини такрорлаши мумкин. Лекин, Ҳалим Ус-

монхўжаев дарслиги ўзининг илмий салоҳияти ва янгилиги, назарий фикрларнинг оҳори тўқилмаганлиги билан ажralиб туради. Китоб талабанинг кўнглида илмга интилиш туйғусини уйғотади. Ҳар қандай механизмларни янада такомиллаштиришга йўлловчи назарий ғоялар беради. Ана шу изланиш, тиниб тинчимаслик руҳи, нафақат дарслеклар орқали, балки кирққа яқин фан номзоди, ўнга яқин докторлик увонидаги шогирдлари орқали ҳам минглаб тала-баларга сингдирилган. Бу жараён давом этмоқда. Республикадаги техника олий ўқув юртларининг деярли барчасида, қўшни давлатларнинг илм даргоҳларида устознинг шогирдлари дарс беришмоқда. Бу ҳам Ҳалим Усмонхўжаев асос солган илмий мактабнинг бойлиги.

Ушбу илмий мактаб ҳақида гапирганда "яратди" сўзи-ни қўрқмасдан ба кўп ишлатишга ҳақлидир одам. Жумладан: пахтани машинада теришнинг илмий асоси; пахтани барқарор териш назарияси; терим машиналари унумдорлигини чамалашнинг математик модели; ўзгарувчан структурали эпициклик механизмлар назарияси; пахта териш ишчи жараёнларига тадбиқ этиш технологияси.

Дарҳақиқат, тола билан боғлиқ технологияни яратиш ғоят мушкул. Хусусан, Австралияда қўйлар юнгини роботлар олади. Одамга ўхшаб юриб турадиган, ишлайдиган ана шундай роботларни юзага кетириш учун узоқ йиллик изланишлар ва кўп микдордаги сарф-ҳаражатлар зарур бўлди. Пахта териш машиналарининг ilk намунаси яратилганига ҳам қирқ йилдан ошди. Энди, янги типдаги пахта териш машиналарининг муқаммал намуналарини бунёд этиш учун эса анчагина катта маблағ тақозо этилади.

Яна республикамиизда бир юз йигирмадан ортиқ пахта тозалаш заводлари бор. Улардаги тола ажратиш машиналари ҳам такомиллаштиришга муҳтож. Хусусан, унинг бир камчилиги хануз бартараф этилмаялти. Яъни, машинанинг арасимон тишлари толани қирқади, сифатни бузади. Айни пайтда ўрта тола узунлиги ва бутунлигини таъминловчи тишли машиналар яратишда жуда кўп мутахассислар ма шгул. Яқин келгусида принципиал янгиликлар яратилиши шубҳасиз.

Энди, ингичка тола оладиган валикли жин машиналари

ҳам бор. Лекин уларнинг унумдорлиги жаҳон стандартларидан ўн ҳисса кам. Бу борада Ҳалим Усмонхўжаев шогирдлари билан биргаликда бунёд этган вертикал кўп валикли жин машинаси эътиборга сазовор. Чунончи, улар толанинг сифатли эшилишини таъминлайди; унумдорликни бир неча ҳисса оширади. Мазкур йўналишдаги ихтиrolари учун улар ўн бешдан ортиқ патентлар олишган.


Ҳалим Усмонхўжаев маънавий мероси ишончли қўлларда. У бамисоли бир чироқ. Ҳамиша ёруғлик таратиб, шульла сочиб туради. Садоқатли шогирдлари янги-янги кашфиётлари билан унинг шуҳратини оширмоқда. Ёмби ёдудини янада ёрқин жилолантиришмоқда. Ёш насллар кўнглида илм-фанга меҳр рағбат, ишонч, ихлос уйғотишмоқда. Ёш қалбларда алангалар ҳосил қилишмоқда.

Устоз илмни ақл чироги, тафаккурни маънавият нури, руҳоният офтоби деб билар эди. Шу боисдан ҳам Ҳалим Усмонхўжаевнинг илмий мактаби маънавий-маърифий ҳаётимиизда салмоқли ўрин тутиб келаётир.

Устоз ҳаёти, илмий-ижодий изланишлари ибрат мактаби. Назарий ғоялари эса фикрларга нур мисоли қувват баҳш этаётир. Шу боисдан ҳам улкан олимлар фаолияти ёруғликни боқийлаштирувчи шуълалар муждасидир. Ёруғликнинг умрини узайтириш эса ноёб ва нодир салоҳиятдир.

Одам жисман қартаяди. Ва лекин, унинг янги-янги назарий ғоялари, илмий концепциялари, кашфиётларининг сочига оқ тушмайди. Фикр қаримайди. Тафаккур - бамисоли нур. Ҳалим Усмонхўжаев ҳаётининг, илмий-ижодий фаолиятининг нурпошлиги ҳам ана шунда.

# УСМОНХЎЖА ОТАНИНГ ШАЖАРА ТОМИРЛАРИ



## **ҚАЛБ ҚИРРАЛАРИ - ТАФАККУР ЖИЛОЛАРИ**

Ҳалим Усмонхўжаев ҳар жиҳатдан ибратли инсон эди. Тенгқурларию шогирдлари уни муомила маданиятининг, комил инсоний муносабатларнинг академиги, дейишарди. Падари бузруквори Ҳайдархўжа Усмонхўжаев: “Ўғлим, умрингиздан барака топинг”, дея дуо қилас экан. Дарҳақиқат, ота дуоси - боғ, деганларича бор. Қобил фарзандларни кўкартиради; илдиз отиб палак ёзишида ҳамиша мададкор бўлади.

Ҳалим Усмонхўжаевнинг умр йўлдоши София ая, ўғиллари Амирсаид, Нурисаид, қизлари Сирожия, Гулчехра, Элмирахон ота чирогини ёкиб келишашапти. Гул-гул неваралари, бир-биридан ақлли, чиройли аваралари, чеваралари суюкли бобонинг муносаби ворислари. Улар бобомиз – офтобимиз, дея севинчларини ичтга сифдира олишмас эди. Бугун табаррук бобонинг нафакат жисман, шу билан баробар, маънан ҳаётини ҳам давом эттиришмокда.

Академик Ҳ.Ҳ.Усмонхўжаев хотирасини агадийлаштириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига (1995 йил 24 июл) мувофиқ Собир Раҳимов туманидаги Озод кўчасига унинг номи берилди. Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий кенгаши қарори билан (1999 йил) академик Ҳ.Ҳ.Усмонхўжаев номли стипендия жорий этилди. У энг иктидорли талабалардан бирига танлов асосида насиб этади. Тўқимачилик ва енгил саноат институти фан, таълим ва маориф соҳасида эришган самаралар тарихи музейида академик Ҳ.Ҳ.Усмонхўжаевга бағишланган кўргазма ташкил қилинди.

Амирсаид Ҳалим аканинг тўнгич фарзанди. Феъл-атвори, дўнг пешонаси, бўй-басти, юриш-туриши, ҳатто, ораста кийиниш маданиятигача қуйиб қўйгандек отанинг худди ўзи. Ҳатто, фикрлаш йўсини, сўзлаш тарзи ҳам отага тортган. Кесиб-кесиб гапиради.

Қиблагоҳини эслаганда қайси солиҳ фарзанднинг кўнгли тўлиқиб кетмайди, гужон хотиралари қайнамайди, дейсиз. Амирсаид Усмонхўжаев ҳам бундан мустасно змас.

## **Амирсаид Үсмонхўжасев ҳикояси:**

- Аввало бобом Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати асосчиси, муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон<sup>1</sup> ҳазратлари ўғитларидан бир икки шингил: “Болам, ҳаётингда тўғридан қингир қидирувчи бўлма, қингирдан тўғри қидиришга ҳаракат қил”, -дегувчи эдилар. Яна, “Ҳаётда икки тоифа одамлар кўнгли нозик бўлади. Бой бўла туриб камбагаллашган киши ва яна амалдор бўла туриб кўққисдан амалини йўқотган одамнинг кўнгли қилдек ингичкалашиб қолади. Бу тоифадаги одамлар сенга бир иш билан мурожаат қилгудек бўлсалар, дархол юмушларини адо этишга, кўнгилларини олишга ҳаракат қил.” Ҳаётда одамнинг бошидан нималар кечмайди, дейсиз. Бирда, билар-билмай ноўрин сўз айтиб қўйишинг мумкин. Гоҳида тўппа-тўғри йўлда ҳам қокилиб-йиқилишинг ҳеч гап эмас. Яна баъзида янгилишиб хато қилиб қўйганингни пайқамай коласан. Шундай асноларда отам - қиблагоҳим бир нима деб танбех берганларини, койиганларини ёки қаттиқ қараганларини эслай олмайман. Ҳамиша ноўрин сўзингни ёки ҳатти-ҳаракатингни, номақбул ўтириб-туришингни вазминлик илиа тушунтирас эди. Ўшанда кўнглинг кентгайиб, фикринг ёришиб кетгандек, кўзларинг чароғон тортгандек бўларди.

Вояга етганимдан кейин ота-ўғил муносабатлари янада чукурлашиб дўстона рух қасб этди. Отам менга ўз тенгқур дўсти сингари муносабатда бўлар, фикрлашар, кўп ўринларда маслаҳатлашишни эп кўрардилар.

Ота ўғитларининг маъно салмоғини ўлчаш учун тоғлару уммонлар ҳам меъзон бўлолмаса керак. Отам ўз му-

<sup>1</sup> Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон (1857-1957 й.й.) – Ўрта Осиё мусулмонларининг диний идораси 1943 йилда ташкил топган. Бу диний марказкинг асосий ташкилотчиси ва биринчи раиси муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бўлиб, 1957 йилда ул зотнинг вафотларидан сўнг бу ўта масъулиятли ва шарафли лавозимга ўғиллари Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон сайландилар. Эшон Бобохон ҳазратларидан Муборакхон, Оқилхон, Камолхон, Зайнуддинхон, Зиёвуддинхон, Бадридинхон, Носируддинхон исмли 7 ўтил ва Софияхон, Саййидахон отлиғ 2 киз фарзандлар дунёга келган.

Ҳалим Ҳайдар ўғли Софияхон билан турмуш курган Шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхоннинг куёви бўлади. Ҳалим Ҳайдар ўғлининг тўнгич опаси Муҳайёхон ая (1912-1980 й.й.) Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохонинг (1908-1982 й.й.) рафиқалваридир.

лоҳазаларини ибратли мисоллар билан далиллашга, тасдиқлашга мойил эди. “Оловни ўйнасанг этагингни куйдидари; қаловини топсанг ҳам иситади, ҳам атроф-теварагини ёритади”, дерди. Яна, “Оловнинг ҳам бўйи бўлади. Ўтин қалаганинг сайин знигаям-бўйигаям ўсиб-кенгайиб кетаверади. Ҳамма гап меъёрни билишда. Уни сақлай олишда. Одамнинг хоҳиш истаги эмас, қалбдаги чўғнинг қуввати, ҳарорати муҳим.” Отам, одамнинг ўсиб-улғайишини, вояга етигини дов-дарахтлар билан қиёслашни яхши кўрарди. “Навниҳол танасидаги сувдан қувват олади; барглари орқали нафас олади; оламнинг ёруғлигию қаронғулигини кўради. Офтоб билан сўзлашади. Одамнинг куч-қуввати, савия-салоҳияти еб-ичиши билан белгиланмайди. Фикр-такфаккур қудрати фаолиятию ҳатти-ҳаракатини, камолику заволини тайин этади. Одам ўз савия-салоҳиятини, имконият даражасини билса кошки эди...”

Қиблиагоҳимни эсласам, хотираларнинг чеки-чегараси кўринмайди. Ҳудди, нурнинг охири кўринмагани, уммоннинг сувини чўмичлаб тугатиб бўлмагани сингари. Ҳозиргидек шундоққина кўз олдимда. 1954 йили 4-синфда ўқирдим. Отам Москва шаҳрида номзодлик диссертациясини ҳимоя қиласидиган бўлиб қолди. Бу мен учун илк сафарга чиқиш, оламни кўриш, дунёни таниш, ҳайрат кўзининг ловиллаб очилиши билан боғлиқ. Ўша пайтда синфдан-синфга кўчишда маълум фанлардан имтиҳон топшириларди. “Имтиҳонлардан яхши ўтсанг, Москвага борасан”, дейишиди. Жон-жаҳдим билан китобларга шўнгигб кетдим. Имтиҳонларнинг биттасидан “аъло”, иккинчисидан “яхши” баҳо олиб, бешинчи синфга кўчдим.

Қозогистон чўлларидан, Волга дарёсидан, Россия ўрмонларидан ўтиб, беш кеча-кундуз поездда юриб Абдукарим амаким, Шамсаддинхон акам билан Москвага етиб бордик. Шаҳардан ташқарига чиқмаган ўн яшар ўсмир боланинг бепоён, охири кўринмайдиган қум барҳанларини кўргандаги ҳайратини, Эски Шаҳарнинг қоқ белидан оқиб ўтувчи Кайковус ариғи билан бир қирғоғида турсанг иккинчи қирғоғи кўринмайдиган Волга дарёсини қиёслагандаги таажжубларини, сукутга чўмган кўм-кўк Россия ўрмонларининг маҳобатини, завқ-сурурини асло унутиб бўладими.

Уч-тўрт кун шаҳар айландик. Кўримли кўнгил очар сайилгоҳларни, музейларни томоша қилдик. Кейин бобом муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ҳазратлари билан тоғам, шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон Халқаро тинчлик кўмитасининг уч кунлик йиғилишида иштирок этиш учун Уфа шаҳридан Москвага етиб келишди. Орадан бир-икки кун ўтиб, 10 июнь куни отам Грибоедов кўчасида жойлашган Машинасозлик институтида диссертация химоя қилди. Чиройли кийинган салобатли, нотаниш одамлар, кўркам бинонинг ёруғ, шинам хоналари, китоблари гиж-гиж кутубхона кўз олдимда суратланиб қолган. Бобом Эшон Бобохон билан меҳмонхонада бирга яшадим. Шу жойда нимадир бир муносабат билан ривоят сўзлаб берган эдилар. Мана, салкам эллик йил бўляптики, мазмуни хотирам ардогида.

„Олов билан Сув, Эгри билан Тўғри - тўровлон бир ҳовлида тинч-тотув, апоқ-чапоқ яшашар экан. Ораларидан қил ҳам ўтмайдиган, бир-бирларини соясига кўрпача соладиган, иззат-икромини бошига кўтарадиган баҳамжихат аҳил экан. Бир куни омборга бош суқишса, хумда ёғ, сандиқда дон-дун, қопларда ун, кувада сариф ёғ, саватда гўшт тугаб қолибди. Рӯзгорини бутлаш керак-ку. Тўртовлон тоғтошга овга чиқиб кетишибди. Карапса, ўт-ўлан белга урган тоғ сайҳонларида ёвоий олкарлар, кўй-қўзилар, сигирбузоқлар, новвослар гала-гала, уюр-уюр, тўп-тўп бўлиб ўтлаб, семириб юрганмиш. Йилкини тўртга тақсимлаб, ҳайдаб олиб кетишини келишиб олишибди.

Айни сайҳонликка етганда Эгрининг феъли айнибди. Оёқ учida Сувнинг олдига пилдираб келиб, сўз бошлабди:

- Орамизда энг зўр ўзингсан. Куч-куватда сенга бас келадиган ҳеч ким йўқ. Бир симириб Оловни йўқ қилсанг бўлгани. Унга тегишли йилкини иккаламиз тақсимлаб оламиз.

Сув ҳам хом сут эмган-да. Эгрининг макрига лакқа тушиб, кўниб қўяқолибди. Бир ҳимраниб, Оловни ўчирибди.

Эгри яна нималарнидир кўнглига тугиб, Тўгрининг олдига равона бўлибди.

- Ана, Сувнинг шум қилмишини кўрдингми? Оловни

ўчирган Сув бўлади. Гал бизга етиб келмасдан этагимизни йигиштирсак. Яхиси подани тоғлар ортига ҳайдаб кета қолайлик.

Эгри билан Тўғри йилқини хайдаб тоғ ортига ўтиб кетибди. Сув ҳар қанча қувламасин, уларнинг ортидан ба-ланд тоғларга кўтарила олмабди. Шу таҳлит Эгри билан Тўғри Сувдан қочиб қолишибди.

- Эй, нодон, - дебди Эгри Тўғрига тоғдан ошиб бўлишгач, сени ҳам ўз йўриғимга йўргалатиб олдим-ку. Энди, айтганим айтган, деганим деган бўлади. Йилқининг эгаси - мен, чўпони - сен. Тағин, қаршилик кўрсатиб ўтирма. Мени ҳали билмабсан, совунимга кир ювмабсан. Тўғриман, деб кеккаверма, ковишингни нариги дунёга тўғрилаб қўймай, тағин. Ўлигинг ҳўв анови жарликларда қузғунларга ем бўлади.

- Йўқ, дебди Тўғри, - бир марта лақиллатдинг. Алдандим, эгилдиму синмадим. Энди, ошибинг олчи бўлолмайди. Айтганларингни ёқангга ёпиштириб қўяман.

Тўғри шундай дебди-ю, қиличини ялонғочлаб, Эгрига ташланибди. Эгри қочибди, Тўғри қувлабди. Икки ўртадаги ҳаёт мамот олишуви узоқ давом этибди. Юз йиллар, минг йиллар ўтибди. Бир-бирларини маҳв эта олишмабди. Охири, жиққа-мушт олишувни кузатиб турган Офтоб бобога мурожаат қилишибди.

- Эй, саҳоватли, адолатпеша Офтоб бобо, ўзинг ажрим кил, иккимиздан қай биримиз ҳақ?

Офтоб бобо чуқур фикрга чўмибди; ўйлайвериб жиққа терга ботибди. Охири шундай дебди:

- Бу дунёда ҳамма нарсанинг аввалию охири бор. Түғилмоқнинг ўлмоғи, кўкармоқнинг сўлмоғи, тонгларнинг шоми, камолнинг заволи сингари. Ва лекин, Тўғри билан Эгрининг олишуви ниҳоя билмайди. У дунёю бу дунё ҳам тугамайди. Замонлар, авлодлар, салтанатлар ўтаверади, барҳам топаверади. Бироқ, Эгрининг қилмиш-қидирмишларини фош этмаса, қинғирлиги учун додини бериб турмаса, Тўғрининг ҳақлиги ҳеч Тўғри борлиги учун ҳам бу дунё ёруғ Йўқса, икки ўртада бу дунё адо бўларди..”

Илм-фан ҳам адолатга етишишнинг, ҳақ Сўзни айтишнинг шаклларидан бири, деган эдилар бобом ҳикматли ривоятга якун ясаб. Ҳалимхон ўғлимиз танлаган илм ҳақи-

қий йўлдир. Асл олимга ўн саккиз минг олам эшиклари очилади. Шу боис кам бўлмайди. Бу Оллоҳ таолонинг назари тушган нурли йўл. Қодир эгам солиҳ бандаларинигина ўз йўлига бошлади. Яратганинг ўзи назаридан бегона қилмасин, иншооллоҳ...

- Бобом билан баробар отамнинг ҳам ҳикматга йўғрилган сұхбатлари кўнглимдан асло ўчмайди,- ҳикоясини давом этди Амирсаид Усмонхўжаев. - Тил билган одам нафақат элни, яна дилни ҳам билади, - дегувчи эдилар. Олим одам она тилидан бўлак камида битта-иккита чет тилини билиши фарз. Коронғуликдан қутилишнинг чораси чироф бўлгани каби оламни билиш, дунёни тушиниш, одамни англашнинг асоси тил ҳисобланади. Тил билганга минг тилло деб бежиз айтишмаган.

Шу муносабат билан бир воқеани айтиб берган эдилар. 1958 йилнинг куз ойлари. Айни тўкин-сочин, гарқ пишиқчилик пайтлари. Тоғам, шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг ўғли Шамсаддинхон<sup>2</sup> акам билан Эски шаҳар бозорига тушушибди. Сап-сарик олтиндек ҳусайнин узум билан нок олаётган харидор ва сотувчи олдига келиб қолишибди. Харидор хорижлик экан, ўзбек тилини мутлақо билмас, рус тилини ҳам чалакам-чутти гаплашаркан. Шамсаддинхон акам Тошкент Давлат чет тиллар инситути инглиз филологияси қуллиётининг талабаси эмасми, икки ўргада тилмочлик қилибди.

<sup>2</sup> Бу ўринда сұхбат давлат ва жамоат арбоби, исломшунос олим Шамсаддинхон Бобохонов (Худои таоло раҳматига олган бўлсин) ҳақида кечачетир. 1959 йили Тошкент Давлат чет тиллар инситутининг инглиз тили факультетини битирди. 1962-1966 йиллар Қоҳирадаги "Ал-азҳар"дорулфунунида таҳсил кўрди. 1973 йили Москвадаги Шарқшунослик инситутидаги враб филологияси бўйича номидолик диссертациясини ёклиди. 1975-1982 йиллар Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислом инситутига ректорлик килди. 1982 йилдан 1989 йилга қадар Ўрта Осиё ва Козогистон мусулмонлари идораси раиси, 1989 йилдан 1994 йилгacha Беруний номидаги Шарқшунослик инситутидаги катта илмий ходим ва диний идора раисининг мувонини лавозимларида ишлади. 1994 йилдан 2001 йилгacha Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони ҳамда ўриндошлик асосида Жазоир, Иордания, Кувайт ва Баҳреин давлатларидаги Фавқулодда ва муҳтор элчи-си бўлиб хизмат килди. У катор илмий, оммабоп китоблар, риссолалар ва мақолалар муаллифиdir. Ш Бобохонов 1985 йилдан Иордания қироллик ақадемиясининг ҳақиқий аъзоси. Жалкаро Ибн Сино мукофоти билан тақдирланган.

Хорижлик харидор муддосини сотувчи боғбонга, сотувчи сўраётган нарҳни эса хорижлик кишига таржима қилиб берибди. "Ўшанда Шамсуддинхон икки кишининг кўнглини олиб, икки баҳя савобга қолган эди", деган эдилар отам.

- Ҳатто, матошунослик мутахассислигини танлашимга ҳам отам сабаб бўлганди. Ўрта мактабни тугаллаган пайтим. "Шу соҳага мойиллигинг қанақа", деб сўраб қолдилар. Кўнглимдаги асл муддаони айтган эдилар-да, "яхшику", дедим.

- Агар билсанг, бу аслида, энг яхши кўрган соҳам. Мабодо, машинашуносликдан кетмаганимда, албатта матошунос (товаршунос) бўлардим.

Бу отамнинг сидқидилдан айтган самимий эътирофи эди.

- Қафасдаги бургутлар кўзига разм согланмисан, -деди отам. - Ҳамиша осмон кенгликларига чоғланган бўлади. Сичқонлар эса, ўла-ўлгунча қопқондаги олқинди илинжида ўтади. Одам ҳамиша катта мақсадлар, ёруғ ниятлар билан яшаши керак. Ҳар ким ўз ниятидан барака топади. Шу боис "яхши ниятинг умрингга йўлдош бўлсин", дейишади.

Отамнинг ҳавас қилгулик, ўрганишга арзигулик хислат-фазилатларидан яна бири, бу - нафақат тенгқурлари, шуннингдек ёни улуғ нуроний кишилардан, ёш навқирон йигитлардан ҳам қадрдонларининг, дўстларининг кўплигида, деб биламан. Тўй-ҳашамларни ёки бирон-бир йигинларни айтмаса ҳам бўлади. Узоқ яқинга боргудек, бозор-ўчарга туштудек бўлсак, отамнинг дилкашлари, таниш-билишлари шунчалик кўп учраардики, улар билан узоқ ҳол-аҳвол сўрашиб қолишарди. Бир-бирларига шунчаки бош иргиб, кўл учida сўрашиб ёки мулозамат кўрсатиб ўтишган асноларини асло билмаганман. Бир неча дақиқалик сухбат сабаб бўлиб, яйраб-яшнаб кулиб олишар, ҳазил-мутойибага ҳам улгuriшар, ўринли латифами, бир шингил ибратли ҳикоями айтиб, кўнгилларини ёзиб олишарди.

Бу тахлит оёқ устидаги шингил сухбатларда адоксиз маънавий-ахлоқий маданиятни англағанман. Одамларга бўлган самимий меҳр-эътибор ва иззат-икромни, том маънодаги инсонийлик туйгулари инкишофини туюман. Отам сиймосида ҳакиқий Зиёни, чинакам зиёлилик хислатларини ўзида мужассамлаштирган катта шахсни кўраман.

Хусусан, отам бирорнинг кўнглини оғритмайдиган, кўзга соя солмайдиган ниҳоятда мароқли ширин суҳбатдош эдилар. Дўстлари, шогирдлари, қариндош-уруғлар ўртасида кечган суҳбатларда ҳеч ким бир-бирини чарчатмас эди. “Бўлди, бас қила қолайлик”, дегандек толиқиши ҳам сезилмасди. Суҳбатларидаги жозиба сеҳри шунда эдики, қуруқдан-куруқ насиҳат қилишини, томдан тараша тушгандек “ундок қил”, “бундай қил”, дея йўл-йўрик кўрсатишни хуш кўрмас эдилар. Ҳаётда бошдан кечирган, ўқиган ва уққан, кўрган-билган, эшитган ва англаган сабоқларидан келиб чиқардилар. Тириклик “кўчаларидан” юришга, тириклик шеваларида яшашга чоғлар эдилар.

“Одам борки, ҳом сут эмган банда. Ҳеч ким осмондан оёгини узатиб тушмайди, дер эдилар. Яшаш - бир умр ҳаётни билишга, одамни тушунишга интилиш демакдир. Ўз билимларини одамлар билан бўлишмаган, бирга баҳам кўрмаган, ичимдагини топ, қабилидаги кимсалар бамисоли кўлан-канинг товуши, деганлари эсимда. Сувдан баҳра олиб ер юзи кўкаргани, яшнагани сингари одам одамдан баҳра олиши керак. Кўмагими, ширин сўзларими, далласими, нимагаки курби етса, одамлардан аямаслиги лозим. Ҳаводан ҳолва ясад бўлмайди. Нонни кўриб “нанна” деган билан қорнинг тўйиб қолмайди. Таъмини тутгандан кейингина баҳраманд бўласан...”

Булар, отамнинг мен учун олтинга тенг ўгитларидир...

Хизматим юзасидан Москва шахрига тез-тез боришга тўғри келарди. Отам: “устозим, Иван Иванович Артоболевскийга оиласиз саломини албатта етказ”, дея тайинлар эди. Бир гал борганимда, Артоболевскийнинг умр йўлдоши Ольга Николаевна сўраб қолди: “Амирсаид, сиз ҳам дадангизни изидан бориб, машина ва механизмлар назарияси соҳасини танладингизми?”. Мени ўрнимга Иван Иванович жавоб берди: ‘Йўқ, Оленка, у отасининг биринчи касбини танлаган, товаршунос. У турли хил газмолларни қўлга олиб, матосининг турини, сифатини шундоққина айтиб беради-кўяди’.

- Дарҳақиқат, отам тўқимачилик комбинатида ҳам ишлаганди. Тўкув ускуналари мутахассиси эди. Ип йигириш,

газлама матоларнинг таркиби, тўқилиши, бир квадрат сантиметрдаги зичлиги, унга ранг бериш, гул босиш ва ҳ. к. барча жараёнларни беш қўлдек биларди. Газламанинг юзага келиши билан боғлиқ ана шу хил ўзига хос нозик холатларни, хусусиятларни тушунтирган биринчи устозим ҳам отам бўлади.

Отам "Қуроъни Карим"даги қўйидаги оятни кўп бор такрорлардилар: "Садақаллохул азим, ман амила солиҳан фалинафсихи ва мин асоа фаалайҳо", яъни "Улуғ Тангри тўғри айтган: ҳар ким яхши иш қилса ўзи учун, ёмон амал қилса ҳам ўзига қайтади". Шу боис, қўлингдан келганча одамларнинг кўнглини ол, дегувчи эдилар. Яна, қўлдан бўлмаса ҳам йўлдан ёрдам кўрсатувчи бўл, дея уқтирадилар. Мабодо одамлар мушкулини осон қилишга қурбинг етмаса, тўғри йўл-йўриқ кўрсат. Кўнгилларни обод этиш икки дунё саодати билан баробар.

Отам ибратли фикр-мулоҳазаларини ҳикоят ёки ривоятлардаги ҳикматли муҳокамалар билан тасдиқлашни хуш кўрардилар.

"Қадимги Шарқ ривоятларида ҳикоя қилинишича, катта бир боғда турфа қушлар тинч-тотув, инок яшаркан. Саваю булбул, загизғону сўфитўргай, қалдирғочу мусича, чумчиғу қарқиноқ. Бир куни она қарқиноқ учирма боласига тайинлабди:

- Одамларнинг сирти бир хил - боши қораю тиши оқ. Ниятининг яхши ёмонлигини билолмайсан. Одам боласи ерга энгашган заҳоти, бошини кўтармасиданоқ учиб кетишга ошиқ, ундан узоқлаш. Қўлидаги тош озор етказади.

- Қуш оласи сиртида, одам оласи ичиди, деганлари шумикан, дебди темир қанот қарқиноқ. - Яххиси, одам ерга энгашмасидан олдин учиб кета қолсам-чи? Макрини кўрмайман ҳам, куймайман ҳам..."

Отам, туси яхшидан тугилма, деган ҳикматни тез-тез такрорлаб турардилар. Шу маънода, кўз - кўнгил кўзгуси, дердилар. Кўзи маъноли одамнинг фикри теран, ҳофизаси кенг бўлади. Худа-бехудага кўкрагига ургудек чиранадиган мақтанчоқ одамдан йироқ юрган маъқул. Унинг кучи оғзига етади. Кўхна Шарқ ривоятларидан бирида шундоқ ҳикоя

қилинади: “Турфа жонзотлар, ҳашоратлар, судралиб юрувчилар мамлакати бўлмиш ўрмонда Қовоқ ари эрта-кеч гўнғиллаб учиб қолибди.

- Қани, куч қувватда менга бас келадиганинг борми, чиқавер, ер-парчин қилиб ташлайман.

Оғир пинакка кетган Арслон боши узра гўнғир-ғўнғир ҳарҳаша қилаётган Қовоқ арига ғаши келибди:

- Уйқумни бузма, бор, йўлингдан қолма, - дебди Арслон шапаланг қулоқларини силкитиб.

- Арслон бўлсанг ўзингга, ўдағайлабди Қовоқ ари. Қани, уришасанми, тур ўрнингдан! •

Арслон пинагини бузмай, оғир уйқуга чўмибди. Бунақа беписандликдан иззат-нафси оғринган Қовоқ ари Арслоннинг боши узра пайт пойлаб гир-гир учаверибди. Охири шалпант қулогининг ичига учиб кириб ниш урибдию “зув” этиб ортига қочиб чиқибди. Арслоннинг қулогидан тириқираб қон отилибди. Арслон уйқудан кўз очмай ўлиб қолибди.

Арслоннинг ўлими Қовоқ арининг байрамига айланибди. Янаям босар тусарини билмай қолибди. “Тирноқдай бўлатуриб тоғдай Арслонни қулатдим”, дея жала ерга жар солибди. Қани, бу ўрмонда менга тенг келадиган зўр борми, ўзи??!

Қовоқ ари гўнғиллаб ўрмон оралаб учиб кетибди. Учаверибди, учаверибди, дўқ-пўписа, ўдағайлашда давом эта верибди. Охири ўргимчак тўрига илиниб қолибди: қанотию қўл оёқларини қимирлата олмабди. Ўзидан анча кичик, кучсиз, оқиз ўргимчакка емиш бўлибди...

Амирсаид Усмонхўжаев таъкидлагандек, Ҳалим аканинг фикр-мулоҳазалари шунақа теша тегмаган, тахи бузилмаган, оҳорлик бўларди. Фалсафий маънодорлиги билан маърифий-тарбиявий аҳамияти кучли эди. Илоннинг сёғи, ёлғоннинг илдизи бўлмас экан, дерди устоз. Ёлғоннинг умри кисқа, дейишади. Ва лекин, бир бурда тириклигига жудаям кўп жонларни жизғанак қилишга, қовжиратиб қутишга улгуради. Балки, тили тезнинг ақли қалта бўлади, деганлари шумикан?! Ҳар қалай, ҳаёт- буюк муаллим. Қайроқ тош ишқаланиб, учқун олов чиқаргани мисоли, одамлар ҳам бир-биридан ибрат олиб, укиб, ўрганиб камол топади.

Булар устоз сұхбатларидан күнглиминг сингиб қолган оловнинг чүғлари. Ҳаётдан, сұхбату мулокотлардан, ижодий изланишлардан жамланған фикр-мушоҳадаларнинг қаймоги. Улар, инсон шағынини баланд тутишга, ҳамиша яшашга ўргатади. Ҳаёт, одам ва одамийлик ҳақида, тириклик масъулияты түғрисида, дунё шеваларию сир-синоатлари хусусида сидқидилдан фикрлашиш, сұхбатлашиш у кишининг жони-дили эди. Фалсафий мушоҳадакорлик, мажозлар билан сўзлаш, ҳар бир гапида ҳикматли иборалар қўллаш сұхбатларининг бош фазилати эди. Оддий, жўн нарсалар хусусидаги муҳокамалар ҳам ҳаётий кузатиш ва хулосалар билан тўйинганлиги боис чуқур маънодорлик касб этарди.

“Шарқ ривоятлари ҳикмат ҳазинаси-да,- дея ҳикоя қилғанлари ҳамон ёдимда. Олов билан Сув дўст тутинибди. Новвос боқиб, мол-ҳолни кўпайтирадиган, ҳамкорликда тирикчилигини йўлга кўядиган бўлишибди. Энди оғзи оқарган пайтда новвосларини бир кечада ўғирлаб кетишибди. Олов билан Сув каттиқ ҳафа бўлишибди. Дири ҳуфтон, фифонидан тутун чикиб, дарди-дунёси қаронғу тортибди.

- Ўзинг биласан-ку, - дебди Олов Сувга караб, - сендан бўлак ҳеч кимдан қўрқмайман. Ер юзидаги жамики нарсаларни элак-элак қилиб ташлайман, ғалвирдан ўтказаман. Омборлару ертўлаларни, жарликлару хандакларни, ҳатто дараҳтларнинг кавагини кўздан ўтказаман. Гарам уюмлару бостирмалар ҳам олов нигоҳимдан четда қолмайди. Бир чеккадан ёндираман, куйдираман, кул қиласман. Токи, ўғрилар “дод” деб айбини бўйнига олмагунча, бош эгиб новвосларимни қайтармагунча шаҳдимдан қайтмайман.

- Бу жаҳлингдан воз кеч, -дебди Сув, синчиклаб пойласак бас, ўғрилар ўз оёғидан илинади. Сўйиб егудек бўлса иккимизнинг қўлимизга тушади. Гўштини қовуриб ейман, деса сенга иши тушади. Қонли пичоғиу гўштини юваман, деса менга.

Чиндан, ҳаммаси Сув айтгандек бўлишибди. Ўғри новвоснинг калла почасини юваман, дея дарё бўйига бориб, Сувнинг домига илинибди. Жигар кабоб қиласман, деган ўғрининг шериги зса Оловнинг қўлига тушибди...”

Хоҳ илмда, хоҳ бошқа соҳада бўлсин, қайси ишга қўл урмагин, аҳилликда, ҳамжиҳатликда гап кўп, деган эди фик-

рини якунлаб Ҳалим Ҳайдар ўғли. Дўстлар куч-қувватини жамласа, ҳатто, тоғларни ҳам ўрнидан силжитиб, талқон қилиб юборади. Дўст орттиринглар. Оғайниларинг қанча кўп бўлса шунча оз. Душманинг эса, битта бўлсаям кўп...

Ҳалим Усмонхўжаев сұхбатлари шу тахлит ибратли ҳикматларга йўғрилган бўларди. Кўнглингта қўрошиндек қуиилиб, ўйилиб қоларди. Бир умр ўчмасди. Мана, ҳикматли ҳикояларидан яна бири:

“.. Шарқ эртакларидан бирида ҳикоя қилишларича, подшоҳнинг ҳусн малоҳатдаю тантиқликда яккаю ягона қизи бор экан. Жамалак соchlарини селкиллатиб сарой bogига чиқсан заҳоти атроф-теварагидаги кўзи тушган жамики нарса яхши кўринар, бир кур ушламагунча таскин топмас, ҳарҳашаси тинмас экан.

Бир куни, “шамолни тутиб беринглар, бирга ўйнаймиз. Богимииздан кетмасин”, деб оёқ тираб туриб олибди. Подшоҳ мулоғимлари зир титраб елиб югуришибди; чорасини ўйлайвериб бошлари тарс ёрилгудек бўлибди. Сира иложини топиша олмабди. Оппоқ капалакни тутиб келтиришибди.

- Йўқ, - дебди малика, мени лақиллатмоқчи бўлаяпсизми?! Бекорларни ўйлабсиз. Капалаклар билан ҳар куни ўйнайман. Шамолларни ҳам чақирган эдик. Этагини тутқазмай учиб кетди. Кушлар менинг дугоналарим, орамиздан қил ўтмайди.

Подшоҳнинг яккаю ягона ишонган дўсти, оқилу доно вазирига маслаҳат солишибди. Унинг йўриғи бўйича иш юритадиган, шиша идишга булоқ сувидан тўлдириб, малика ҳузурига киритадиган бўлишибди.

- Бу, суюқ шамол. Қуюғи булутларга айланиб, осмонларга учиб кетди. Қуюқ шамолга кўлимиз етмади...

Ёш малика рўпарасида айбсингандек, бош эгиб мўлтираб туришибди. Алдагани, барибир бола осон-да. Малика кўна қолибди, ортиқ ҳарҳаша қилмабди.

Орадан ой-йил ўтиб, маликанинг ҳайратига ҳайрат уланибди. Бир куни боғга чиқса, ён-вери кушларнинг чуғирчугирига тўлиб кетибди, донг қотиб қолибди. Ҳайрати соумасдан кушлар гуррос-гуррос учиб кета бошлабди.

- Айтинг, қушлар товушини ташлаб кетсин. Бирга ўйнагим келаяпти.

Подшоҳ мулозимлари яна қийин аҳволда қолибди. Қийчув кўтариб қушларни тутмоқчи бўлишибди. Аксига олиб ҳуркиган қушлар баландга кўтарила бориб осмонлар оғушига сингиб кетибди. Малика инжиқлашиб, саройни бошига кўтариб ҳархаша қилибди:

Кушларнинг товушини тутиб беринглар. Кушларнинг овозини олиб келинглар.

Сарой аёнлари чора тополмай, оқилу доно вазир ҳузурига бош эгиб боришибди. Маслаҳатни бир жойга жамлаб, маликани олис тоғ томон етаклаб кетишибди. Оқил вазир маликани овутиш ниятида сўз бошлабди:

- Мана, ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз, шу тоғ-тошлар қушларнинг товуши бўлади. Ажабланманг, осмонлардан йиқилиб тушиб, карч қояларга, ўнгир-дованларга айланниб қолган.

Малика ёш эмасми, кўнибди, ортиқ ҳархаша қилмабди. Орадан кўп кунлар, ойлар ўтибди. Яна сўлим, ойдин бир кечада малика деразасидан ташқарига қараса, осмондаги тўлин ой кўк тоқидан пастга тушиб, шундокқина боғидаги теракнинг учига илингандек экан. Қувончдан кўзлари чараклаб ёниб кетибди. Қачондан бери орзиқиб кутарди-я. Энди орзузи ушаладиган бўлибди. Қандоқ яхши. Ой ҳам маликани хуш кўрар экан-да. Йўқса, ҳув, хаёл етмас осмонлар пештоқидан ерга тушарми...

Малика саройни бошига кўтариб, ҳархашасини бошлабди:

- Анови ойни олиб беринглар. Ўзи ҳам боғчамга келибди. Ой билан бирга ухлайман, бирга ўйнайман.

Подшоҳ гарант. Нима қилиши керак?! Ноиложлиқдан аёнларнинг ҳам боши қотибди. Малика эса, бир сўзни қаттиқ ушлаб, сёқ тираб туриб олибди.

- Ана, ойни ушланглар, боғчамдан кетиб қолаяпти.

Шу маҳал ой терак учидан кўтарилиб, тоғ чўққилари сари сузиб борарди. Подшоҳ яккаю ягона дўсти, доно вазирини чакиртирибди. Бўлган гапни тушунтирибди:

- Иложини топамиз, - дебди оқил вазир. Бу дунёда чо-

расиз нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма нарса ўз имкони билан юзага келади. Фақат банда ожиз, бечора...

Олтин ҳалқани малика хонасининг деразаси раҳига илиб қўядиган, уни эса, қора кўзойнак орқали кўрсатадиган бўлишибди.

- Кўз кўргани, қулоқ эшитгани билан қорин тўйиб қолмайди, маликам. Ойни ўз кўлингиз билан тутиб олганга нима етсин. Манави, сехрли кўзойнак. Уни кўзингизга тақинг. У ойни ҳам, офтобни ҳам олдингизга олиб келади. Бирга сұхбатдош қилиб қўяди...

Малика қараса, ой шундокқина деразага илиниб турган эмиш. Бир сакраб қўлига олибди. Билагига тақиб қўйибди.

Шундай қилиб дeng, подшоҳнинг яккаю ягона ишонган дўсти, оқилу доно вазир биргина қора кўзойнак билан маликанинг кўнгил кўзини жиловлаб, ҳайратларини тақалаб ташлабди. Кундузию кечаларини бирдек қорага белаб, зимишонга кийинтириб қўйибди...

Дўстингдан топ, деганлари шумикан..."

Устоз оғир тин оларкан, ҳар ким салоҳиятига, ўзининг сажия имкониятига ишониши, қурбидан ортиқ нарсага ружу қўймаслиги керак экан, деган эди. Ҳусусан, илм кишилари бир-бирининг қадрига етиши, қобилиятини эъзозлаши керак. Ҳайрат ҳам Қодир Эгамнинг инояти. Унинг сўниши ёки ҳиралашиши ҳаётга бўлган қизиқишиларнинг, яшаш иштиёқларининг қовжираб қуриши демакдир. Ҳар қалай, янтоқдан гулдаста ясаб бўлмас экан...

Ҳалим Усмонхўжаев нималар хусусида фикр юритмасиг, масала можиятини англашга, унинг илдизини билишга, мағзини чақишга интиларди. Бу борада теран фалсафий мушоҳадакорлик фикрлаш тарзининг асосий хислатига айланарди. Феълига мос ҳар бир кишида ўзига яраша салоҳият яширинган, дегувчи эди устоз. Фақат, ҳамма гап, ана шу қобилияtnинг маъносини билишда, йўналишини, мақсадини тўғри белгилашда. Деҳқондан чилангарликни, сувчидан учувчиликни, косибдан юлдузлар илмини талаб қила олмаймиз. Сиртида йўл-йўл беқасам тўни бор, дея тарвуз билан бодрингни фарқламаслик, янгилишиш истеъдод-

нинг кўзига кул сепади. Биз ёшлардан “ўқи, ўқисанг замон сенини бўлади. Замон зўравонники эмас”, дея талаб қилиб келдик. “Ҳамма ўқийверса подани ким бокади”, дегувчилар ҳам бўлди. Ўқиш, ҳаётни уқиш, бу очунда борлигингни билиш дегани, бу бирорлар ёзиб берган нарсани сўзма-сўз хижжалаб ёдлаш эмас. Аксинча, табиат ва жамият воқеа-ҳодисаларини, инсоннинг сир-синоатларини, феъл-авторини билиш малакаси, англаш маданияти демакдир.

Ўқиш, билим олиш бу - дунёнинг моҳиятини тушунишга интилиш, тириклик билан тирикчиликнинг паст-баланд томонларини фаҳмлаш, ҳаётнинг ўнқир чўнқирларию, аччик-чучугини ажратса олиш, яшаш маданиятини эгаллаш санъатидир. Ҳеч бир нарсага биқиқ ва синиқ ёндошмаслик, бир ёқламаликка йўл қўймаслик лозим. Феъли кенг одамга олам ҳам ададсиз, бепоён. Ҳар ким бир чимдим умри бадалида борлигию йўқлигининг маъноси нимада эканлигига жавоб излаши керак экан. Ҳаёт қизиқ, бир мири кам дунё, деймиз. Бу, нима дегани ўзи? Уларнинг моҳияти нимада? Товуқлар совуқ котса, ўзини дарахтларнинг шохига ураркан, қўндокларга кўтариларкан. Ўрдаклар совуқ еса, ўзини сувга ташларкан. Ўрдак мижоз, товуқ мижоз одамлар йўқ, дейсизми?! Ҳовлиқмалар лопиллаб, жала ерга жар солганда, оқиллар мум тишлайди... Шамол кўтарилганда олов ёқсан кишининг этаги куяди... Уй қурган одам пешонасими кесагига уриб олмаслик учун бўйига мослаб эшик ўрнатади... Жим турган одамнинг оғзига пашша тутул чивин ҳам яқин йўламайди. Ҳамманинг гапига лакқа тушиб ишонавериш - бармоқларини ёзиб ҳовучини сувга тўлдириш билан баробар.

Булар, Ҳалим Усмонхўжаевнинг ҳаётдан уқсан фалсафий мушоҳада муҳокамалари. Қайроқи гаплар. Табиат ҳоссалари билан одамнинг феъл-авторини қиёслашга, фарқли ва уйқаш жиҳатларини кўра олишга ундар эди. Улардан сабоқлар чиқаришга, маънолар уқишга даъват этарди.

Бир куни, Момақалдироқнинг ўғил-қизлари ҳақидаги эртакни эшитганмисиз, деб сўраб қолдидар. Йўқ, дедим.

- Ибратли маъноси чукур. Одамдаги одамийликнинг илдизларига ишора бор унда.

“Тоғ-тошларга Кўланка оралаб қолибди.

- Ҳой, кимнинг соясисан, - сўрабди Майса

- Мен кўланка эмасман, - жавоб берибди шарпа. Даражатлар уйқусиман...

Кейин Майсага танбех бергандек сўзлабди:

- Намунча оёқларинг остига тикилмасанг? Бошингни кўтартсанг-чи!

Майса кўзини уқалаб осмонга қарабди. Эҳ-хе, осмон ҳам, ер ҳам, дов-даражатлар ҳам сукунат беланчагида эланиб зланиб чайқаларди. Салқин шабада хаёлларини опичлаб олибди. Кўнгир кояларда қотиб қолган сокинлик, ирмоқларнинг қиқир-қиқир кулгуси, сергулув шаршаранинг инжу зарралари, булатларнинг оппок ўйлари, энтикан чўққиларнинг қанотли оразулари барча-барчаси сукунат беланчагида ором олаётгандек. Даражатлар ҳам олис-олисларга қанот боғлаб учиб кетгуси келгандек талпинади. Факат...фақат... ердан оёқларини узолмайди.

- Ажабо, дебди ҳайратга чўмган Майса. Биздан ҳам бўйдор гиёҳлар бор экан-да...

Майсаларнинг бир-бирига шивирлаб айтишларича, Чимён тоғлари ўрнида бир пайтлар бекарон уммон бўлган экан. Ер юзида ёлғиз офтоб, тупроқ, сув ва ҳаво бўлган ўша олис замонларда уммон бўйида боши булатларга етган бир мўйсафид яшаган экан. уни Чимён бобо дейишаркан. У бир кўлини чўзса Кунчиқарга, иккинчисини узатса, Кунботарга етаркан. Одимлари ҳам шунчалик улкан, шунчалик залворли эканки, юрганда ер сатхи тарс-тарс ёрилиб кетаркан. Теварак-атрофдаги тоғ-тошлар тутдек тўкила бошларкан.

Айтишларича, Чимён бобо экин-тикинларини сугораётган айни баҳор палласи экан. Еру кўкни ларзага солиб мамоқалдироқ гулдирабди. Чакин чақиб, шаррос ёмғир куя бошлабди. Чимён бобо пешонасини қийиқчаси билан танг-иб, баркашдай кетмони билан пайкал оралаб сув тараща давом этаверибди. Чор-атрофни қоп-қора булат қоплабди. Янаям шиддатли чақин чақибди. Қўққисдан момақалдироқдан олов узилиб тушибди. Бир зум Чимён бобонинг

кўзларини қамаштириб ловуллаб тургач, чақмоқдай йигитта айланиб қолибди.

Чимён бобо момақалдироқнинг ўғлини кучоқ очиб кутуб олибди: "Заминга хуш келибсан осмон ўғлони!"

- Отам Чимён бобонинг юмушларига кўмак бер, оғирини енгил қил, деб тайинлади, жавоб берибди Олов йигит. Кейин қип-қизил шафакдан ушатиб олингандек ловуллаган ҳовуҷ-ҳовуҷ олов ерга узилиб тушаверибди. Зумда ловуллаган йигитларга, чўғдек куйдирувчи қизларга айланиб қолишибди. .

Юрагимизнинг кўрини ерга тўkkани келдик, дейишибди баравар улар. Кейин Олов йигитлар, Олов қизлар қўйнидан тўкилган чўғларни Чотқол тоғи этакларига экиб чиқишибди. Шаррос ёмғирда чўғ-уруғлар дараҳт бўлиб гуркираб кўкарибди.

Чотқол ёнбагирларидағи ёнғоқзору ўрикзорлар, пистазору бодомзорлар, олмазору шафтозорлар, анорзору олчазорлар, тоқзору хурмозорлар момақалдироқнинг олов фарзандлари. Ўша, оқ сочли олис замонлардан бери момақалдироқнинг ўғил-қизлари тоғ-тошлар ўрнида боғ-роғлар барпо этишибди. Одамлар кўнглидан инсоф, диёнат, мурувват, шавқат кўтарилса, боғлар, аслимизга қайтамиз, оловга айланиб қоламиз, дермиш..."

Оловнинг табиатида одамга ҳос жудаям кўп хислату фазилатлар, иллату қусурлар яширинган эмасми?! Ёхуд одамлар ўзидаги жудаям кўп қусуру фазилатларни оловга тақлид қилиб, ўзлаштириб олмаганмикан?!

Устоз шу тахлит муҳокама-мушоҳадалар юритишни яхши кўрарди.

- Одам ҳам оловга ўхшамайдими? Ўхшаганда қандоқ. Худди ўзи-ку. Гётенинг "Фауст"ини ўқигансиз-а? Адипнинг ёзишича, Фаустнинг иккита юраги бўлган экан. Платон эса, руҳлар ҳақидаги асарида таъкидлашича, учта юракли одамлар ҳам бўлган экан. Галатилиги шундаки, юраклар одам танасининг турлі қисмларида жойлашган экан. Эгасининг юмушларини адо этишда бир-бирига кўмаклашиш ўрнига, аксинча, ҳалақит бераркан. Бир-бирларининг фаолиятига монелик кўрсатиш ҳам баҳаннави. Ақл бовар

қилмайдиган қилиқларини айтмайсизми. Юракларнинг ортиқалиги одам вужудига зарар етказаркан. Хусусан, тана аъзоларининг иш русумини созлашга эмас, бузишга хизмат қиласкан. Хуллас, бир вужуддаги уч юрак бир-бирига карши қурашишдан, бир-бирини кемиришдан бўлак ишга ярамай қолибди.

Қадимги ажоддларимиз вужудидаги учта юрак, олов табиатидаги уч хусусият давр эврилиши окибатида одамлар руҳониятида ҳис-идрок қилиш, фикрлаш ва сўзлаш сингари белгиларга айланиб, зоҳир бўлаётган эса не ажаб. Бир-бирига мададкор уч хислат касб этган бўлса не ажаб.

Ҳалим Усмонхўжаев қайси бир масала хусусида сўзламасин, муаммонинг илдизига етиш учун теран мушоҳада юритарди. Бу нарса олим тафаккур маданиятининг устивор фазилати эди.

- Сизга айтсам, инсоннинг онги-шуурида туғилажак тоялар ҳам шунга ўхшайди, - дея мухокама юритишда давом этган эди устоз ўзаро сұхбатларимиздан бирида. Бир тоя бир неча матьнода, бир неча кўринишида юзага келади. Худди, уч-тўрт бошли жонзотлар, икки-уч юракли одамлар мисоли.

Муайян масала моҳиятини ойдинлаштирувчи ҳолис, ҳақ тоя битта бўлар экан-да. Хусусан, Маккай Мукаррама билан Мадинаи Мунаввара яккаю ягона бўлгани сингари. Ва лекин, унга элтадиган турфа хил йўллар кўп. У ёки бу муаммога ойдинлик киритувчи, илмий ҳақиқатни юзага чиқарувчи ёндошувлар, муносабатлар ниҳоятда ранг-баранг. Олим кўнглига жойланган ҳақ тояни юзага чиқаришда худо юқтирган салоҳияти, закоси илмда тоят мухим. У ўзлигини намоён этиш асосидир.

Кўлни кўрмаган киши кўлмакнинг бўйида ҳам салқинланиб кетавераркан.. Тилдан узилган ҳар бир калима сўз - бамисоли тухумни ёриб чиққан бургутнинг полапони. Темир қанотлари чиққунга қадар парвозга чоғлаш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Кўнглидаги нур қанчалик олисларни, юксакларни илғай олса, Сўзининг парвози ҳам шунчалар баланд бўлади. Шунчалар ёруғликка тезроқ элтади...

## **Козим Умаров<sup>3</sup> ҳикоясидан:**

- Ҳалим ака адабиёт ва санъатнинг, театр ва кино маданиятининг катта шинавандаси эди, - деда ҳикоя қилади Козим Умаров, кўнгил дафтарини варақлар экан. Буни бир канча мисолларда изоҳлаш мумкин. Ўйғун билан Иzzат Султоннинг “Алишер Навоий” пьесасидаги Навоий монологини бошдан-ёк ёддан биларди. Ҳали-ҳануз шундоқкина кўз ўнгимда. 1950 йиллар эди. “Алишер Навоий” пьесасини ҳалқимиз симириб томоша қилаётган пайтлар. Ҳалим аканинг андижонлик Шермат исмли дўсти бўларди. У киши Ҳусайн Бойқаро монологларини сув қилиб ичиб юборган эди. Биз Ҳалим ака билан девор-дармиён қўшни яшардик. Бир куни уйларига чиқсан, Шермат ака билан иккови суплада ўтиришибди. Ҳалим ака Навоий бўлиб, Шермат ака эса Бойқаро бўлиб, монологларни шунчалик завқ-шавқ, сўнмас муҳаббат билан ижро этишарди. Ҳайрат ва ҳавасдан турган жойимда михланиб қолдим. Яна, “сиз фалон жойда оҳангни буздингиз”, “бояги ўринда фикр оқимини пасайтирдингиз”, деб бир-бирларининг нутқига тузатишлар ҳам киритишарди.

“Алишер Навоий”дек гўзал романтик асарни тўла-тўқис ёд билиш, у кишининг адабиётга муҳаббати нечоғлиқ бекиёс бўлганлигини тасдиқлайди. Маҳсуд Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди” трагедияси 1945 йили Ҳамза театрида сахналаштирилди. Ҳалим аканинг бу асарга муҳаббати чексиз эди. Асаддаги кўплаб саҳифаларни, хусусан, Жалолиддин билан унинг куёви Амир Бадриддин монологларини ёддан биларди. Жалолиддин монологларини тўлиб тошиб, тўлқинланиб, оловли нафас билан ёддан айтарди:

*Киши түешилмайди бошда тож билан,  
Түешилар эрқлилка эҳтиёж билан,  
Бошимнинг тожидир онамга қасам!  
Эл ўлка сое бўлсин, тож келиб кетар!*

Ушбу сатрларни эслаяпману, Ҳалим ака кўркам қиёфаси билан кўз ўнгимда тикланаяпти. Гоҳ қўлларини кўкси-

<sup>3</sup> Козим Умаров – тарих фанлари номзоди, доцент. Кекса журналист. Ҳалим Усмонхўжаевнинг қарибдоши.

га босиб, гоҳо силкитиб, гоҳида оғир тин олиб образли ҳолатларни тиклаши худди кечагидай кўз олдимда.

Миллий ғуур туйғуларини тарбиялашда катта ўрин тутиб келаётган “Жалолиддин Мангуберди” пьесаси 1946 йилга келиб, тӯсатдан саҳнадан олинди. “Ҳалим ака, бунинг сабаби нимада экан, мабодо билмайсизми?”, деб сўрадим. Кўп куттирмасдан дарров жавоб бердилар: “Бунинг иккита сабаби бўр. Биринчиси, асарда феодал ўтмиш идеаллаштирилган, деган айб қўйишибди. Иккинчиси, грузиялик бир тарихчи олим Сталинга хат ёзибди. Мозийда яшаб ўтган золим подшоҳни ўзбеклар миллий қаҳрамон қилиб кўтаришибди, деган мазмунда. Ўша мактуб “халқлар отасига” етиб борганми, йўқми, билмайман. Ҳар ҳолда ВКП(б) Марказий Комитетидагилар уни бефарқ қолдиришмаган. Саҳнадан олинишига сабабчи бўлган”.

Биз у пайтда ёш эдик. Ҳалим ака биздан беш-олти кўйлакни ортиқ йиртган акамиз қатори; тушунмаган жойларни сўрардик-да. “Жалолиддин Мангуберди” пьесасида Мақсад Шайхзода дин кишисининг қиёфасини - Шайхул Ислом образини яратган эди. Бунга журъат этиш тенгиз жасорат ҳисобланарди. Дин таъқиб этилган бир пайтда шоир қўрқиасдан шундай образни яратишига сабаб нимада экан, деб Ҳалим акадан сўраганим эсимда. Шунда, Ҳалим ака “Бу, тарихий шахс, Шайх Нажмиддин Кубронинг сиймоси”, деб жавоб берган эди. У пайтда, очигини айтиш керак, олис тарихимизда шундай буюк Шайх яшаб ўтганлигини кўпчилик қатори мен ҳам билмасдим.

Вақт тақозоси билан “Ўқитувчилар газетаси” (ҳозирги “Маърифат”) редакциясида ишлаб юрган кезларим. 1955 йили Мақсад Шайхзода “халқлар отаси”нинг қамоқхонасидан қутулиб келди. Бинобарин, қамоқдан озод бўлгандан кейин ҳам Мақсад Шайхзода асарларини газета-журналлар босиб чиқаришга ботинмас эди. 1955 йил январ ойида Ленин вафоти кунида Мақсад Шайхзоданинг шеърини “Ўқитувчилар газетаси” биринчи бўлиб босган эди. Шундан кейин Мақсад Шайхзода билан кўплаб мулоқотда бўлишга тўғри келди. У кишидан жуда кўп нарсалар ўргандим. Суҳбатларимизнинг бирида Шайх акадан “Жалолид-

дин Мангуберди" драмасидаги Шайхул Ислом образининг прототипи борми? У ким, деб сўраганимда, "У - Нажмиддин Кубро, тасаввуф илмининг сultonи", деб жавоб берган эди.

Шундан кўриниб турибдики, Ҳалим ака 1945 йилдаёк Нажмиддин Кубро ким эканини билган. Бадиий адабиётни нозик тушуниб, ҳис этиб, мушоҳада юритувчи тансиқ дид соҳиби бўлган. У киши оламдан ўтиб кетди. Нажмиддин Кубро шахси ва фаолиятини қайси манбалар орқали билган? "Жалолиддин Мангуберди" асари қай йўсинда бадиий талқин этилган? Булар, Ҳалим аканинг нечоғлик кенг ва чуқур билим эгаси бўлганидан, ҳофиза кўламининг тेранлигидан далолат беради.

Яна бир эътиборли нарса. 1949-1950 йиллар Ўзбекистон Ёзувлар Уюшмасида Парда Турсуннинг "Ҳақ йўл" повести (кейинчалик «Ўқитувчи» романига айлантирилди) ҳамда Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўшчинор чироқлари» романни муҳокама қилинди. Бу муҳокамалар, таҳминан, икки ойга яқин давом этди. Ҳар гал Ёзувлар Уюшмасига борганимда Ҳалим ака Сайд Аҳмад ёки Мирмуҳсин, Шуҳрат ёки Шукрулло билан судбатлашиб ўтирганини кўйардим. Бугун адабиётимизнинг оқсоқоллари бўлган улкан адабиётар билан Ҳалим ака ҳамсуҳбат ёки тенгкур бўлганликлари учунгина эмас, адабиётни чин дилдан севгани боис бу йигинларда қатнашар эди. Кейин уйга қайтгач, Ҳалим акадан муҳокаманинг кечиш тарзини сўраганимда, кимларнинг фикри ҳолис ва ҳақ, кимларники субъектив, ноҳак бўлганлигини ўз фикрларини баён қилиш орқали исботлаб берарди.

Яна дикқатга молиж томони шундаки, Ҳалим ака умрининг охиригача "Шарқ юлдузи" журналининг доимий обучачиси эди. Журналда чоп этилган янги шеърлар ва дostonларни, қисса ва романларни, публицистик мақолаларгача биттасини қолдирмай ўқиб бораради. Адабий ҳаётдаги янгиликлардан биринчи бўлиб воказиф бўларди. Кейин, "Фалон повест ёки романни ўқидингми, фикринг қалай", деб биздан сўрарди. Шунингдек, шоир Эркин Воҳидов редактор бўлиб нашр этила бошлаган "Ёшлик" журналининг биринчи йилидан эътиборан муштарийиси эди.

Бу далиллар Ҳалим акада адабиёт ва санъатга катта меҳр-муҳаббат бўлганлигини кўрсатади. У киши санъаткорлар билан ҳам қадрдан сұхбатдош эди. Бунга асос бўлган омил бигта. Ҳусусан, Ҳалим аканинг тогаси Муҳсит Сиддиқов (Санжар Сиддиқнинг укаси) Ўзбекистон театрлари бош бошкармасининг бошлиғи эди. Атоқли санъат аҳлларининг қадами уйидан узилмасди. Тота-жиян табиатида санъатни ингичка, ўта фасоҳат ила тушуниш хусусияти мужассам эди. Шу боисмикан, улар санъатга, санъаткорларга анча яқин эди. Ҳалим аканинг хонадонида ҳам таниқли санъат намоёндаларини кўп бор кўрадим. Акакука Шукур ва Убай Бурхоновлар, Наби Раҳимов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Қаҳрамон Дадаев ва ҳ.к. санъаткорлар Ҳалим ака оиласига жудаям яқин эди.

У кишида санъатга бўлган меҳр-муҳаббатнинг яна бошқа кўринишлари ҳам бор эди. Яхшигина дутор чертарди. Одамни сел қилиб юборадиган қуйлар ижро этарди. Ундан ташқари адабиёт, санъат, маданият аҳлларига катта эҳтироми бор эди. Бадиий баркамол асар одамни фақат маънан гўзаллаштиради, олижаноб ва жўмард қилиб камол топтиради. Маънан чиройли одамлар эса, ҳеч қачон бирорвга ёмонликни раво кўрмайди. Боғбон ҳадсиз ададсиз боғ-роғлар соҳиби бўлгани сингари ёзувчи ҳам бебаҳо маънавият хазинасининг эгаси. У билан қанчалик дилдан ҳам-сұхбат бўлсанг шунчалик кўнглингу фикринг ёришади. Ўзингни янайам улуғвор ҳис этасан, деганларини кўп бор эшитганман.

Ҳалим ака табиат ва жамият фалсафасини, ҳусусан, ислом дини тарихи ва фалсафасини фасоҳат ила тушунадиган етук Шахс эди. Ҳусусан, Қуръони Каримнинг жуда кўп оятларини, сураларини ёддан билар эди. Қуръони Каримнинг русча А.Ю.Крачковский таржимасидаги айрим кемтиклар, ғализликлар тўғрисида Ҳалим аканинг бир канча мулоҳазалари ҳам бор эди. Туркий халқлар ўтмишигагина эмас, умуман, Юонон, Турон тарихига тегишли бадиий, солнома асарларни ҳамда илмий адабиётларни мутолаа қилишдан толмас эди. Мозийни, ҳусусан, туркий халқлар ўтмишини ниҳоятда улуғлар, мароқли ҳикоялари тугамас, соатлаб эшитсанг ҳам тўйимас эдинг. Тарихчи бўлишга интилганим учунми, китоб расталарида, газета-журнал дўконла-

рида тарихий асарлар ёҳуд ҳалқимиз ўтмишига оид ада-биётлар учраб қолгудек бўлса, сотиб олиб менга тортиқ қиласар эдилар. Энг муҳими, миллат ва ватан тарихи, олис ўтмиш воқелиги, йирик шахслар тақдири хусусида фикрлаш маданиятида ниҳоятда теран билимга эга эканликларининг гувоҳи бўлардим.

Мисол учун, Россия босқинидан олдинги хонликлар даври тўғрисида кўп баҳслашганмиз. Бухоро амирлиги, Кўқон хонлиги, Хева хонлигининг юзага келиши, яхлит Туркистон ўлкасининг парчаланиб кетиши ҳақида Ҳалим ака билан соатлаб суҳбатлашганим эсимда. Ягона Туркистоннинг уч хонликка бўлинниб кетишини милллий бирликнинг йўқотилиши, деб тушунар эди. Милллий иттифоқнинг, бирликнинг парчаланиши ҳар қандай миллат учун яхшиликка олиб келмайди, деб билар эди. У пайтда, яъни Ҳалим ака билан баҳслашган дамларимизда қайси хонлик урушқоқ эди, қайси бири начор қўрқоқ эди, қайси бири Россиядан қурол олиб, куч-кудрати зўрроқ эди, қайсиниси Россияга кўпроқ суюнар эди, шулар хусусида фикрлашган баҳсларимиз адогига етмасди.

Эътиборлиси шундаки, Россиянинг Туркистонни босиб олиши билан боғлиқ мулоҳазалари тарихий манбаларга та-янишига кўра ҳамиша қизиқарли ва мароқли бўларди. Милллий истиқлолга қадар шўро давридаги тарихий-сиёсий адабиётларда Туркистон ўлкаси ўз ихтиёри билан Россияга қўшилган, деган нуқтаи назар ҳукмронлик қиласарди. Ҳалим ака бу хил қарашларга мутлақо қўшилмас эди. Буни бир канча мисоллар билан исботлаб, таъкидлар эди. Мисол учун, ҳозирги Бешёючдан кириб бораверишдаги Ҳўжа Аъламбардор қабрисонининг номланиш тарихини олайлик. Чор Россияси қўшинлари шу даҳадаги Камолон дарвозаси орқали ҳам бостириб келган. Чор қўшинларининг шум қадамини даф қилишга қаратилган жанг тафсилотларини Ҳалим ака гапириб берганди. Қайси тарихий манбалар орқали хабардор бўлганлигидан, қайси закий мўйса-фидлар суҳбатидан баҳра олганлигидан бехабарман, албатта.

Суҳбатларимиздан бирида, “ўша қабристон нима сабабдан Ҳўжа Аъламбардор номини олган, биласанми”, деб сўраб

қолдилар. “Йўқ”, дедим. Бунинг тафсилотини Ҳалим ака шундай ҳикоя қилиб берган эди:

- Хонлик байробини кўтариб юрадиган хос сипоҳлар бўлган. Ҳўжа исмли йигит Кўқон хонлиги байробини кўтариб, мусулмон сипоҳийларни рус кўшинларига қарши жангга олиб кирган. Чор аскарлари биринчи бўлиб шу йигитни нишонга олиб ўққа тутган. Йиқилиб, ўлаётган асноларда ҳам у байроқни қўлидан қўймаган экан. Ҳўжанинг темирдек чангалидан байроқни сугуриб олиши ниҳоятда машиққат туғдирган экан. Бу одам авлиё сифатида дафн этилганлиги боис халқ ўртасида ўша хилхона Ҳўжа Аъламбардор қабристсни номини олган. “Ҳўжа” сўзи у кишининг исми; Аълам, арабча байроқ маъносида, “бардор” байроқни кўтарувчи, дегани. Яъни, байроқни кўтарган ҳўжа қабристони, деган маънони англишишини Ҳалим ақадан эшигтанман. Ушбу жангда чор кўшинлари катта талофат кўрганлиги, кўплаб зобитлари, сипоҳийлари ўлганлигини ҳам аниқ мисоллар ёрдамида гапириб берар эди. Ҳусусан, шу қабристоннинг атроф теварагида “фalon офицернинг...”, деган қабр ёзувларини ҳозир ҳам учратиш мумкин..

Биргина шу мисоллар билан Туркистон Россияга ўз ихтиёри билан қўшилди, деган гаплар уйдирма эканлигини ишботлаган эди.

Ҳалим ака жуғрофияни ҳам яхши биларди. Дунё жуғрофиясига оид билимлари кучли эди. Ҳатто, Африка қитъасининг олис бир чеккасидаги оролни сўрасангиз ҳам айтиб берарди. У ердаги ахолининг турмуш тарзи, ирки, иқтисодий ҳаётида нималар устунлик қилишигача билар эди. Дунёнинг табиий ва иқтисодий жуғрофияси билан боғлик бирон-бир савол туғилиб қолгудек бўлса, у кишига тортин-масдан мурожаат қиласдик. Ҳалим ака билганларини миридан-сиригача тушуниришга интиларди. Ҳусусан, биргал Хоразмийнинг “География” асарида кўрсатилган тоғлар ва кўллар, дарёлар номланиши, тоғ жинслари, тупрок таркиби, ер ости бойликлари ва ҳ.к. ҳақидаги ҳикоясини соатлаб, қилт этиб киприк узмасдан тинглаганларимиз яхши эсимда.

Ана шу жуғрофий билимларга беҳад ташналиктан бўлса керак, сайёҳликни ҳам жон-дилидан севарди. Дунё кезиши-

ни, оламни таниш, одамларни билишнинг аржуманди эди.  
Шу боис сайёхлик Ҳалим аканинг жони-дили эди.

Сталин вафотидан кейин Хрущёв даврида хорижий ўлкаларга, жумладан Европа мамлакатларига сафар қилиш имкониятлари пайдо бўлди. Ҳалим ака Европанинг ўн тўрт мамлакатига туристик кема сафарига чиқадиган бўлиб қолди. Салкам бир ой мобайнида Европа марказидаги ўн тўрт давлат ҳалқлари ҳаёти билан танишиб, олам-жаҳон таассуротлар билан қайтиб келди. Франция, Германия, Италия, Португалия, Болгария, Венгрия ва ҳ.к. мамлакат ҳалқларига хос урф-одатлар, кийиниш, юриш-туриш, турмуш тарзи, маънавий-иқтисодий ҳаёти, хуллас, ҳар бир тўхтаб ўтилган жойдаги шаҳарлар, одамлар тўғрисида соатлаб гапириб берар эди. Олис Европа ҳалқларининг маънавий-маданий ҳаёти бизда ҳам адоксиз ҳайратлар уйғотарди.

Афсуски, ўша пайтда Европа бўйлаб сафар таассуротлари оғиздан-оғизга кўчдию лекин қофозга тушмади, матбуот юзини кўрмади. Яъни, кўпчиликнинг маънавий сабобига айланмади. Кейинроқ, донгдор олим бўлиб танилганларидан сўнг ҳам Шарқу Farb мамлакатлари бўйлаб кўплаб саёҳатга чиқди. Кўрган-кечирганлари таассуротлар тарзida қофозга тушиб, матбуот саҳифаларига кўчмади. Ҳалим аканинг дил-дилига чўкиб кетди. Боиси, ўша пайтда шўро мафкураси хорижий мамлакатлар ҳаётини мақташни, улардан ибрат олиш маъносидаги таассуротларни радио-телевидения ёки газета журнал саҳифалари орқали ёритишни маън этган эди. Шўро мафкурасининг ёзилмаган, ва лекин, ҳар доим талаб этиладиган кўрсатмаларидан бири, бу хорижий ҳаёт тарзининг юзига қора чаплаш, шўро ҳаёти билан коммунистик мафкуруни кўкларга кўтариб олқаш тако佐 этиларди. Мабодо, ижобий маънодаги фикр-мулоҳазаларни билдиришга ботинган киши зимдан тегишли идораларнинг кўз остига олинарди. Шу боисмикан ёки бошқа сабабданми, Ҳалим аканинг кўплаб хорижий мамлакатлардан ортирган сабоқ таассуротлари маданий ҳаётимизда ўз изини қолдирмади. Ваҳоланки, у киши ҳамиша жугрофий билимларини кенгайтириб борган, сайёхликнинг чан-коқ муҳлиси эди.

Ҳалим ака юксак маданиятли инсон эди. У кишида хушмуомалалик, кўнгил маърифати бағоят кучли эди. Каттадан кичиккача, ҳатто, ёш болаларни ҳам "сизлаб" гапиришни яхши кўрарди. Тарабаларни "сизлаш" керакми ёки "сенлаш" лозимми, деган масалада Ҳалим ака билан тортишган эдик. У киши талабани "сизлаш" зарур, деганди. Мен эса, "сенлаш" маъқул, деган фикрда бўлдим. Лекин, у киши баҳсада ютиб чиқди. Боиси, Ҳалим акада "сизлаш" маданиятининг аҳамияти хусусида жуда катта билим бор эди. Шу маънода, бир мулоҳазаларини сира унита олмайман. Хусусан, ҳатто руслар орасида ҳам "сизлаб" сўзлашиш борасида икки хиллик, тафовут бор, дерди Ҳалим ака. Ўз тенгқурлари қатори ота-онасини, ўзидан ёши улуғларни сенсирайдиганлари бор. Энди, "сизлаб" муомала қиласиганлари эса, асли Петербурглик зиёлилардир, деб тушунтирган эди. Русларнинг ўзида ҳам илгари "сизлаб" гапириш одати русм бўлган экан. Ўзаро муомалада "сиз" билан "сен"нинг аҳамияти жуда катта. У кишидаги билимнинг кенглигига қарангки, Европа ва Шарқ халқларининг одатларидан мисоллар келтириб ўз нуқтаи назарини, мулоҳазаларини тасдиқлар эди.

Дадам раҳматлик "сен" ҳам, "сиз" ҳам битта тилдан чиқади. "Сиз" деган Оллоҳга ёқибди, болам, "сизлаб" сўзлаганга нима етсин, дер эдилар. Шу боис невараларини ҳам, қариндош-уруғларининг фарзандларини ҳам "сизлаб" гапираварди.

Шажара илдизларини, ота-она авлодлари силсиласини тикилаш борасида Ҳалим ака кўп жонкуярлик кўрсатганларни ҳали-ҳануз эсимда. Тарихчи бўлганим боисмикан, "ўзингни еттита бувангни биласанми, қани, санагинчи", деб доимо таъкидлаб турарди. Киши ота-онаси зурриёдларидан етти бўғинни таниши, бу - ўз қадрини, башарий қадриятларни эъзозлай олиши демакдир.

У кишининг фикрлаш тарзи учун хос бир хусусият бор эди. Илмий ёки ҳаётий бўладими, қайси масала хусусида гап кетмасин, ривоятми, ҳикоятми, мақол ёки матал биланми осон, содда йўсинда тушунтириб берарди. Бу Ҳалим аканинг олимлик даражаси эди. Одамларнинг феъл-атворини биламан, десанг шажарасини ўрган, дегувчи эди Ҳалим

ака. Шундан кейин одамлар мучали билан боғлик бир ри-воятни айтиб берганди:

- Қадим қадимда, Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатдан кувилиб, ер юзида одамлар кўпаяётган, туб қўйиб палак ёзаётган замонлар экан. Ўша олис мозийдаги воқеа-ҳодисалар ўзимизнинг Чимёнми, Қурамами, ишқилиб шу якин тоғ этакларида кечган бўлса ажабмас.

Тоғлар орасидаги қишлоқлардан бирида эртаю кеч тоат-ибодатта берилган авлиё сифат бир одам яшар экан. Унинг булоқ сувидек покиза, боди-сабодек бегидир ёлгиз қизи бор экан. Кўзининг оку кораси ўн олти ёшга тўлиб, новдадек қадди-басти йигитларнинг кўзида ўтлар чатнатадиган бўлибди. Ен қўшнисининг тоғни урса талқон қилгудек қирчиллама ўғли ҳам етилган экан. Қадамидан ўтлар чатнайдиган ўғли учун совчи бўлиб чиқибди: “Кўп йиллик қадр-доммиз, кариндош бўлсак”.

Ён кўшни - жон қўшни эмасми, рози бўлибди. Тўй куни ҳам белгиланибди. Орадан ҳийла фурсат ўтар-ўтмас, ёшлигидан бирга ўсиб катта бўлишган дўсти зшикдан кириб келибди.

- Орамиздан қил ўтмас кўп йиллик оғайнимиз. Жондош, кариндош бўлсак. Кизингни келин қилсак, девдим. Ўғлимга сўраб келдим.

Бирорнинг дилига озор беришга одатланмаган, ипакдек ювош эмасми, бу оғайнисига ҳам йўқ дейолмабди. “Худоим, ўзинг кечиргин, мадад бергин”, деб дўстининг раъйига рози бўлибди.

Орадан кўп ҳам фурсат ўтар-ўтмас, чекка қишлоқда яшайдиган тоғаси зшигидан кириб келибди.

- Жиян, - дебди у, - ўн йилдан ошиб қолди, кизингни ўғлимга муносиб кўриб, кўнгиллаб юрадим. Йўқ демасанг, куда-анда бўлсак.

Ипакдек ювош одам бу гал тоғасининг кўнглини қайтара олмабди. “Ўзинг мадад бер, мушкулимни осон қил”, дея дил-дилидан Худога илтижо килибди. Сўнг рози бўлибди.

Хуллас, шомгача ўн икки киши қизини фарзандликка сўраб келибди. Юз иссик, дийдор ғанимат эмасми, ҳеч бирининг дилини огрита олмабди, ҳаммасига рози бўлибди.

Тўй куни ҳам бөлгиланибди. Эртаси тўй бўладиган куни энг баланд тоғ чўққисига чиқиб, Оллоҳ таолога нола чекиб, илтижо қилибди: “Эй, парвардигор, ўзинг суйиб, биттаю битта солиҳа фарзанд ато этдинг. Шунча ёшга етиб, марҳаматинг билан қадрдонларим бош уриб келишди. Ҳаммаси кўзимнинг оқу қўраси, “йўқ” дегудек бўлсам, дили оғрийди. Шу боис барчасига “хўп”, деб юбордим. Энди, мушкулотларга ўзинг даво топгувчисан. Оғиримни енгил қил.”

Эртаси саҳарда бомдод намозини ўкиб бўлгач, ҳовлиси га чиқса, ўн икки қизи уй юмушлари билан машғул эмиш. Кейин, Қодир Эгамга шукроналар айтибди, тўй ҳам бўлибди. Орадан кирқ кун ўтиб, чилласи чиққан кундан бошлаб кўп йиллар мобайнида қизларининг туриш-турмушидан хабар олиб турибди.

Энди, ўн икки қиз қаёқдан келиб қолди, яккаю ёлғиз тирноғи қай йўсинда ўн икки санамга айланди, дерсиз. Худонинг иродасини қарангки, уйидаги барча жонзоту паррандалар: мушукдан тортиб сичқонгача, эчкидан тортиб, кўй-сигиргача, мусичадан то чумчукқача, ҳатто заҳ кавакда биқинган илон ҳам барча-барчаси ҳурилиқо қизларга айлантириб қўйилган экан.

Ипакдек ювош одам бир қизиникига борибди. Зулукдек қошларига бураб ўсма тортилган, бели симирилган гўзал бир жувон қўлида супирги, эшилиб буралиб ҳовли супураёттан экан. “Бу, ўша, девор кавагидаги илоним бўлса керак”, дебди-ю, изига қайтиб, йўлида давом этибди.

Узок йўл юриб, яна бошқа бир қизининг хонадонига кириб борибди. Остона ҳатлаб, ичкарига қадам қўяр-қўймас, шанғиллаган тасир-тусур овоз эшитилибди. “Э, ҳа, бу чамаси итим-ку, овози ҳам таниш, деган ўй кўнглидан кечибди. Ўша занғар, ҳар гал эшикдан қораси кўринган одамни вовуллаб қарши оларди”.

Товуш чиқармай ортига қайтибдию бошқа қизининг уйига равона бўлибди. Кўп юрибди, кўп юрса ҳам мўл юрибди. Тоғ ортидаги қишлоққа тушган қизининг уйига етиб келибди. Эшикни очиб қораса, қўаллари ярим юмук бир аёл баланд сутпада ўзини офтобга солиб ҳурпайиб ўтирган экан.

- Э, ҳа, бу мушук қизим-ку, - дебди ипакдек ювош киши. Кейин ортига қайтиб, кўшни овулга тушган қизининг уйига йўл тортибди. Қараса, ўчоқ бошида бир қўлида чўмич, бир қўлида кафгир туттан бир жувон бир этак жўжабирдай болачақаларини атрофига тизиб, овқат сузид бераётган экан. “Бу, ўша, товуқ қизим”, дебди ювош киши ҳеч иккиланмай.

Кейин ён қишлоқдаги қизиникига бирров бош сукіб ўтибди. Худди оёқлари учиде юргандек бир жувон қарши олибди. “Дарров танидим, бу сичқон қизим”, дебди чол.

Яна йўлида давом этибди. Охири Булоқбоши қишлоғидаги қизининг хонадонига борибди. Қараса, кўзларидан нур ёғилган, гул-гул яшнаган бир жувон очилиб-сочилиб пешвоз чиқибди. Қўлларига сув қўйиб, сочиқ тутибди. Кенг ҳовлига сув сепиб, салқинлатибди. Бир зумда супага қалин кўрпачалар ташлаб, дастурхон ёзибди. Кўз очиб юмгунча дастурхонни ноз-неъматлар билан тўлдириб ташлабди. Чолнинг ёнбошига болишлар қўйиб, хушбўй чой тутибди. “Бу, ўша, асл Барно қизим”, деган ўй кўнглидан кечибди мўйсафиднинг.

- Бу, шунчаки эрмак тариқасида айтилган ривоят эмас. У бир жиҳатдан ҳикмат. Қолаверса, одамларнинг феъл-авторига яраша мучалига ҳам бир ишора. Зоро, ҳеч бир сўз бежиз айтилмагай. Қушлар ҳам эшитган садоларга, кўзи кўрган нарсаларга жавоб тариқасида кўкка кўтарилади.

Ҳалим аканинг қариндош-уруғларига нисбатан меҳроқибати ниҳоятда баланд эди. Ҳар жума куни қариндош-уруғларини уйига йўқлаб борар, дийдор кўришиб қайтар эди. Бунинг учун вақт ҳам, имконият ҳам, рағбату майл ҳам топа биларди.

У кишидаги яна бир фазилат, бу саҳийлиги, қўли очиқлиги эди. У киши, аслида, мил-мил бадавлат эмасди. Валекин, давр хотамтойи, деса бўларди. Ўзига хос бағри кенглиги бор эди. Агар ўзининг курби етмаса, моддий ёрдам кўрсатишни ташкил қиласади, бош-қош бўларди.

Махалламиизда Акромхон исмли самолётсозлик заводида ишлайдиган бир йигит бор эди. Онаси билан укаларини бокишида бир нав рўзгор тебратардию, лекин уйланишига курби етмасди. Шу йигитни уйлаб, оиласлик қилишда Ҳалим

ака бош-қош бўлганди. Тўйнинг катта ҳаражатларини ўз зиммасига олиб, майда ҳаражатларни қариндош-уруғларига бўлиб берганди. “Сен унисини кўтарасан”, “сен бунисини ўз зимманга ол, қарашиб юбор”, деб тақсимлаб чиқди. Ҳозирда Акромхон бола-чақали, неварали. Ҳар гал Ҳалим акани эслаганда кўзлари ловуллаб кетади.

Камсукум химмат кўрсатиш Ҳалим аканинг олижаноб хислатларидан яна бири эди. Бунинг тасдигини ўз бошимдан кечган бир воқеа мисолида айтиб ўтмоқчиман. “Ўқитувчилар газетаси”даги журналистлик фаолиятимни илмий-педагогик йўналиш билан алмаштиришга эҳтиёж сездим. Ўн йил Тошкент Давлат Педагогика институтида ишладим. Кейин, фалакнинг гардиши билан Тошкент Давлат Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кўп нусхали “Тўқимачилик овози” газетасида хизматни давом эттирадиган бўлдим. Шу орада уч ой ишсиз қолдим. Жўёжабирдай жон, бир товукка ҳам сув, ҳам дон дегандек, кўп харж оиласиз. Маош қуриган. Қўшимча даромаднинг ҳам келадиган жойи йўқ. Шу ҳолатимдан Ҳалим ака хабар топиб қолибди. Ҳол-аҳвол сўраб уйга кириб келди. Рўзғоринг нима кечяпти? Ишинг нима бўляяпти, нимадан қиси-либ қолдинг, қанақа кам-кўстларинг бор? Келди-кетдилик хонадон, қўйналиб қолмагин, деб кўнгиллаган моддий ёрдамларини қўярда-қўймай чўнтағимга солиб қўйди. Бироз чой ичган бўлиб, ўрнидан қўзғалди...

Ҳалим аканинг табиат, жамият ва тириклик фалсафасини билишга меҳр ихлоси баланд эди. Фалсафа барча фанларнинг қаймоги, илмларнинг кўнгил калити, дерди. Суҳбатларимизнинг бирида у киши ёқимли бир маълумотни мисол тариқасида айтиб ўтган эди. Ҳусусан, буюк файла-суф Гегель ишлаган, Маркс докторлик диссертациясини ёқлаган Берлин университетининг Фанлар тарихи кафедрасида Германияга ўқишга кетган ўзбеклардан бири аёл киши фалсафа профессори сифатида фаолият юритаётганлигини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олган эди. “Қойил қолмай бўладими, буюк Гегель етакчилик қилган кафедра-да бугун ўзбек аёли фалсафа профессори бўлиб ишляяпти”, деганлари ҳамон қулогимда.

Шу билан баробар, фанлар тарихини билингта, ўрганишга Ҳалим аканинг майли, рағбат ва ихлоси ниҳоятда кучли эди. Ана шу иштиёқ у кишини миллат ва ватан тарихининг, буюк аждодларимиз ҳаёти ва тақдирининг фасоҳатли билимдона нига айлантирган эди. Туркий халқлар тарихига оид кўпдан кўп сұхбатларимизда, у кишидан кўпроқ фикр олиш ниятида, баъзи нарсаларни бошқача, яъни у кишининг нуктаи назарига зид йўсинда айтар эдим. Ҳалим ака унақа эмас, дегандай ёзғириб, тушунтириб кетарди. Ҳиссиётлари мулоҳазалар билан омухта қуилиб келарди. Ҳусусан, XX аср боши, 30-йиллардаги коллективлаштириш сиёсати Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини тубдан издан чикарди, десам, у киши: "йўқ, ушбу жараён анча илгари бошланган эди, дерди. Ерсув ислоҳати республикамиз қишлоқ хўжалигини ҳароб қилган эди. Ер-сувнинг эгасиз қолдирилиши, бойлардан, заминдорлардан, деҳқонлардан тортиб олиниши ва шўро ҳукумати ихтиёрига ўтказилишидаёқ хўжасизлик, бошбошдоқлик бошланган эди. Қишлоқ хўжалиги ўшандаёқ тубсиз чоҳга жарликка юз туттан эди".

У кишининг сұхбатдошлари аксар ўзидан анча катта ёшдагилар бўларди. Тафаккурнинг серқирралигидан, билим сажиянинг теранлигидан бўлса керак, академик Тошмуҳаммад Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, Убай Орипов, Обид Содиков, Саъди Сирожиддинов, Содик Азимов, Ёлқин Тўракулов, Обид Акрамхўжаев, Сайдкарим Зиёдуллаев сингари закий олимлар Ҳалим аканинг ардоқли сұхбатдошлари, фикрдошлари эди. Республикамиз олий ўқув юртларида, фанлар академиясида узоқ йиллар самарали ишлаган, кўплаб шогирдларни камол топдирган, кейинчалик Москва Давлат Университетига ишга ўтган академик Ҳалил Рахматуллин ҳам Ҳалим аканинг ҳам устози, ҳам қадрдон фикрдоши эди.

Ҳалим акадан ва кейинчалик тарихчи археолог олим Яхё Фуломовдан ҳам бир-бирини тўлдирувчи уйқаш фикрни эшитган эдим. Ҳусусан, олимлик мақомининг энг юксак даражаси, кашфиётчилиги билан белгиланади, деган эди. Ундан бир баҳя кейинги поғонада тадқиқотчи, ундан қуйироқда ташвиқотчи, энг орқада эса кўчирмакаш бўлади.

Афсуски, кўчирмачилик илмда bemaza қовуннинг уруғидек ниҳоятда кўп, болалаб кетган.

Демак, илм-фандада чукур из колдирган йирик олимлар ўз мавқеини, илм таги ўрнини, даражасини ботинан чукур ҳис этишар экан да. Ҳалим ака ҳам кашфиётчи олим экан-лигини яхши биларди. Ва лекин, Ҳалим ака ҳеч қачон кашфиётчи олимман, дея кўкрагига урмасди. Ўзбек илм-фанинг бетакрор ва камтар заҳматкаши эди.

## **САНЖАР СИДДИҚ - ЖИЯНИ ТАҚДИРИДА**

Аввало, Санжар Сиддиқ ҳақида икки оғиз сўз. Санжар Сиддиқ Ҳалим Усмонхўжаевнинг катта тоғаси бўлади. Ҳалим ака суюкли тоғаси ҳақида кўп ибратли сабокларни ҳикоя қилиб берарди. Санжар Сиддиқ адиб, таржимон, би-ринчи таржимашунос олим, публицист эди. Ҳалим ака Санжар Сиддиқ ҳақидаги хотираларида: “тоғам, республиканинг энг яхши таржимони деган фахрли Ёрлиқни бир йўла уч марта олган экан. Яна, кувонарлиси шундаки, Акмал Икромовниң ўзи бу ғрлиқларни топширган экан”, деб ички фурур билан сўзлаган эди.

1929 йилдан бошлаб, ҳар йили “Кизил Ўзбекистон” (хозирги “Ўзбекистон овози”) газетаси қошида таржимонлар конкурсси ўтказилиб турилган. Конкурсда республиканизмнинг етакчи, пешқадам таржимонлари иштирок этган. Ана шу кўрикда Санжар Сиддиқ ўзининг камёб таржимонлик салоҳиятини кўрсатиб, мукофотларга сазовор бўлганлигини қариндоши, доцент Козим Умаров ҳам алоҳида таъкидлайди. Ҳар гал Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг биринчи секретари Акмал Икромовнинг қўлидан мукофотни қабул қилиб олганлиги, айникса, эътиборлидир.

### **Козим Умаров ҳикоясидан:**

- Бир куни Ҳалим ака: “1938-39 йилларда босилган 5-синф “Адабиёт дарслиги”ни топиб берсанг”, деб илтимос қилиб қолди. Ўзимда йўқ экан, яқинлардан суриштириб топдик. Ўша нашрга Убайд Законийнинг “Мушук билан сичқон” эртак-қиссаси Санжар Сиддиқ таржимасида киритилган экан. Дарслик 1937 йилда чоп этилган, ҳали кўп

нусҳалари одамлар қўлидан йигиштириб олинмаган пайтлар.

Санжар Сиддик ушбу эртак-қиссага ёзган сўзбошисида асар форс афсоналари асосида яратилганлигини таъкидлайди. Ҳалим ака тоғаси Санжар Сиддик таржимасини шу тахлит топдириб, сақлаб қўйгани ёдимда. Тағин, Санжар Сиддиқнинг таржимонликдан ташқари моҳир публицистлик, адабиётшунос олим сифатидаги фаолияти, адабий таҳаллуслари ҳақида ҳам мароқ билан ҳикоя қиласарди..

Кейин, яна муҳими, Санжар Сиддиқнинг шахс ва ижодкор сифатида оқланишида ҳам Ҳалим ака катта ҳисса қўшганди. 1950 йилнинг иккинчи ярмидан эътиборан, шўро қатоғонида ноҳақ қамалган жуда кўплаб ижодкорлар оқланади бошлади. Лекин Санжар Сиддиққа келганда муз тоғлар силжимай турарди.

Ҳалим ака шу ҳайрли ишга астойдил киришди. Санжар Сиддик ўғиллари Борий Сиддиқов ҳамда Баҳодир Сиддиқовлар билан биргаликда кўп заҳмат чекишиди. Ваффот этгунларига қадар, бирон-бир кўчага Санжар Сиддиқнинг номини қўйдириш тўғрисида жонқуярлик билан ғамхўрлик кўрсатган здилар.

XX асрнинг 20-30-йилларида ўзбек адабиёти ва санъати, матбуоти ривожига катта меҳнати сингган ёркин истеъоддэ эгаси Босит Султонхўжа ўғли Сиддиқовнинг Республика маданий ҳаётида событ ўрни, ижодий меросининг салмоқли аҳамияти бор. “Санжар Сиддик” унинг адабий таҳаллуси. Асл исми-шарифи Босит Султонхўжа ўғли Сиддиқовдир. У - Санжар Сиддик “С.С.”, “Тошкентлик”, “Китобхон”, “Газетчи”, “Бир киши”, “С”, “Қўзқулоқ”, “Калтадум”, “Сиддик”, “Б.С.”, “Тилчи”, “Санжар” сингари ўндан ортиқ таҳаллусларда баракали ижод этди. Икки юздан ортиқ адабий, танқидий, публицистик мақолалар, тақризлар эълон қилди.

Аввало Санжар Сиддиқнинг ўзбек таржимачилик маданиятини камол топдиришдаги фаолияти нуфузлидир. Адаб испан драматурги Лопе де Веганинг “Қўзибулоқ қишлоғи” пьесасини, ҳинд ёзувчиси Ас-Ҳабиб Вафонинг “Бомбей”, П.Фурманский ва Н.Погодиннинг “Менинг дўстим”

асарларини, Гоголинг "Ревизор" (асари дастлаб "Терговчи" номи билан таржима қилинган ва саҳналаштирилган эди) комедиясини, Лев Толстойнинг "Кавказ асири" қисасини, Ф.Шиллернинг "Макр ва мұхаббат" драмасини, форс адиби Убайд Законийнинг "Мушук ва сичқон қиссаси" ва ҳ.к. жағон классикасининг күркам асарларини маҳорат билан ўзбек тилида сўзлатди.

Шунингдек, Санжар Сиддиқ П.А.Павлеконинг "Шарқда" романини, Пушкин ва Лермонтовнинг айрим асарларини рус тилидан ўзбекчага завқ билан ўғирди. К.Маркс ва Ф.Энгельснинг "Коммунистик партия манифести", академик Н.И.-Маррнинг "Тил ва тафаккур" сингари мураккаб асарларни ҳам гўзал тилда, пухта ва равон услубда ўзбекча сўзлатишга муваффақ бўлди. Зиё Сайд билан Назир Сафаровнинг "Тарих тилга кирди" пьесасини эса ўзбекчадан русчага ўтириди. Санжар Сиддиқнинг немис, форс, рус тилларини ўз она тилидек пухта билиши бадиий, илмий асарлар таржимасининг мукаммал ва кўркамлигини таъминлади. Инглиз тилини мустакил равишда ўрганиб, Америка шоири Лингстон Хьюзнинг шеърлар китобини ўзбеклаштириди; ва у алоҳида китоб бўлиб босилиб чиқди. Адабининг "Адабий таржима санъати" (1936 йил) китоби илмий кузатишлари, назарий хуносалалари билан бугунги кунда ҳам таржимашунослик учун муҳим қўлланмалардан биридир.

Ўн саккиз ёшга тўлар-тўлмас меҳнат ва ижодий фаолиятини бошлаган Санжар Сиддиқ дастлаб Эски шаҳардаги 12-мактабда ўқитувчилик қилди. "РосТА" (Россия Телеграф Агентлиги)нинг Тошкент шаҳар бўлимида таржимонлик вазифасини бажарди. (Кейинчалик бу ташкилот Ўзбекистон Телеграф Агентлигига айлантирилди). Сўнгра "Иштирокиён" ("Қизил Ўзбекистон", айни пайтда "Ўзбекистон овози") газетасида котиб, "Қизил байроқ" газетасида адабий котиб, "Инқилоб", "Ер юзи", "Гулистан" журналларида ходим ва масъул котиб вазифаларида ишлади. "Озод Бухоро" газетасида эса ахборот бўлимини бошқарди. "Китоб ва инқилоб" журналининг масъул котиби бўлди.

1902 йили Тошкентнинг Сақиҷмон маҳалласида таваллуд топган Санжар Сиддиқ 1938 йили, айни куч-кувватга

тўлган, ижоди гуллаб яшнаётган навқирон ёшида шўро қатагонининг ноҳақ қурбони бўлди. Сталин даврининг миллионлаб жабирдийдалари сингари Санжар Сиддиқнинг ҳам катл этилган жойи ва дафн этилган қабри номаълумлиги-ча қолмоқда.

Санжар Сиддиқнинг ўғли Баҳодир Сиддиков пушти чарм муқовали папкада бир даста хужжатларни қўлимга тутди. Улар Санжар Сиддиқнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий, илмий ва педагогик, ижодий фаолияти нақадар жўшқин, тўлқинли ва сергулув кечганлигидан далолат беради.

Хужжатлар шаҳодатлигига кўра Санжар Сиддиқ қайнок ижтимоий-сиёсий ҳаётининг кузатувчиси, шарҳловчиси эмас, бевосита иштирокчисига айланган эди.

...Эски Шаҳар ҳалқ маорифи бўлимининг 1920 йил 20 апрелида берган гувоҳномасига кўра Абдул Босит Сиддиков меҳнат фаолиятини Эски шаҳардаги 12-мактабда муаллимликдан бошлади.

Туркистон шўро Федератив Республикаси Ҳалқ маорифи комисариатининг 1921 йил 30 июндаги 3488-сонли буйруги билан ўзбек болалар жариdasининг вактинчалик муҳаррири, сўнгроқ котиби этиб тайинланади.

“РосТА”нинг Эски шаҳар бўлими “МуроСТА”да таржимон, котиб, муҳаррир сифатида назарга тушган Санжар Сиддиқ республика адабий-маданий ҳаётининг жўшқин оқимида кўшилади. Эски шаҳар кенгаши ҳалқ маорифи бўлимининг 1921 йил 31 августдаги 17-сонли қарорига мувофиқ у шўъбанинг бадиий бўлимида театр репертуари комиссияси мудири этиб тасдиқланади.

Республика театрлари репертуарини бадиий баркамол, жаҳон драматургиясининг бадиий-эстетик савияси баланд асарлари билан бойитиш ишига муносиб ҳиссасини қўша бошлади. Инглиз, францууз, немис, испан, рус ва ҳ.к. жаҳон ҳалқлари драматургиясининг нодир намуналарини тавсия этиш билан баробар ўзи ҳам саҳна асарлари таржимаси билан жиiddий шугилланди. Лопе де Веганинг “Кўзибулоқ қишлоғи”, Гоголнинг “Ревизор”, Фридрих Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” пьесалари таржималари ана шу йиллардаги меҳнатининг самараси эди.

“Қизил Байроқ” газетасининг котиби, “РосТА” ўзбек газетасининг масъул муҳаррири сифатидаги фаолияти Сан-

жар Сиддиқни адабий ташкилотчилик ҳамда қалами тифдор журналистлик маҳоратини эл-юрга танитди. Маориф ходимлари иттифоқи қошидаги журналистлар шўъбасининг 1922 йил 17 январ 4-сонли гувоҳномаси шаҳодатлигига кўра, Москва шахрига матбуот ходимлари съездига делегат қилиб юборилади.

Санжар Сиддиқ республика адабий-маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаётини тарғиб-ташвик этувчи, матбуотда ёритувчи бир қаламкаш даражасидан кўтарилиб, мазкур қайнок жараённинг бевосита иштирокчиларидан бирига айланган эди. Туркистон Республикаси Марказий ижроия кенгаши котиби ҳамда Ишлар Бошқармаси бошлиги томонидан берилган 1922 йил 19 июндаги 6472-сонли "Ваколатнома" асосида у ТуркЦИК<sup>4</sup> кенгаши раиси Раҳимбоев билан ҳамкорликда Ўрта Осиё темир йўли йўналиши бўйлаб сафарга юборилади. ТуркЦИК кенгаши раисининг бевосита ихтиёрида бўлади. Гувоҳномада кўрсатилишича, барча шўро ташкилотларига уларнинг сафари давомида тегишли ёрдам кўрсатишлари сўралади

Орадан тўрт-беш ой ўтар-ўтмас Санжар Сиддиқ 1922 йил 10 декабрида "Туркистон" газетаси редакцияси томонидан Бутунrossия шўролар съездининг ишини ёритиш учун Москва сафарига юборилади. Шу билан баробар, у съезднинг кундалик иш жараёнини акс эттирувчи ахборотлар, репортажлар, умумлаштирувчи мақолалар ёзиб туради. Москвадаги марказий газета редакциялари, етакчи нашрлар билан республикамиз вактли матбуоти органдари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, республикамиз меҳнаткашларининг турфа жабҳалардаги ҳаёти қирраларини Россияда тўғри ва ҳолис ёритилишига эришиш, шунингдек Москва шахридаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбек йигит-қизларининг яшаш шароити, таъминоти кўнгилдагидек эмас, деган узунқулоқ гапларга аниқлик киритиш ҳамда Шарқ халқлари ҳаётига оид адабиётларни сотиб олиб келтириш сингари вазифаларни адо этади.

Санжар Сиддиқ қалами ўткир ва фикри чақинлиги, ҳофиза кўламининг кенг ва теранлиги, маънавий-интеллектуал са-

<sup>4</sup> ТуркЦИК – Туркистон Марказий Ижроий Кўмитаси.

виясининг юқорилиги, бадий-эстетик малакасининг юксаклиги боис маданий ҳаётнинг барча жабҳаларига жалб этила боради. Ҳужжатлари орасида 453-сонли йўлланма мактуб ҳам сақланади. Унга кўра СССР Давлат архив фонди бошқармасининг бошлиғи, профессор Некшиңдан маҳаллий аҳоли мактаблари учун тузилаётган хрестоматияларни тайёрлангига жалб этилган Санжар Сиддиққа тегищли ёрдам кўрсатиш сўралади.

Худди шу 1923 йили матбуот тарғиботи бўлими мудири томонидан 22 июлда берилган 343-сонли маълумотномада қайд этилишича, Санжар Сиддиқ тарғибот ва ташвиқот “Агитпром” нашриётига қарашли “Инқилоб” журнали редакциясида масъул котиб бўлиб хизмат қиласди. Журналнинг халқ маънавий ҳаётидаги юксак мавқеини белгилашда муносиб ҳиссасини кўшади. Шу йил 30 августда “Туркистон” газетасининг бўлим мудири F.Юнусов имзо чеккан 887-сонли гувоҳномада шундай дейилади: “Ушбу хужжатни тақдим этувчи С.Сиддиқов “Туркистон” газетасининг Москва шаҳридаги мухбири ҳисобланади.

С.Сиддиқовга Москва шаҳри муассаса ва ташкилотларининг шарқ халқлари билан боғлик фаолиятини матбуот саҳифаларида ёритиш учун ахборот жамлаш, материаллар ташкил этиш вазифаси юклатилади. Москвадаги барча ташкилот ва муассасалар маъмуриятидан С.Сиддиқовга ўз зиммасидаги вазифаларини бажаришда зарур ёрдам кўрсатишларини сўраймиз.”

Кўринадики, моҳир таржимон, ношир ва журналист Санжар Сиддиқ Республикамиз матбуотининг ишонган кўзига, сўйлар сўзига айланган эди. Москвадаги журналистлик фаолияти салқам бир йилча давом этади. Сўнгра 1924 йил 14-19 октябр кунлари Фарғонада ташкил этилган маданий-маърифий ҳаётини ёритувчи кўргазма материалларини акс эттириш учун Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг ишлар бошқармаси, Халқ Комиссарлар кенгаши раёсати томонидан сафарга юборилади.

1924 йили ўтказилган ишчи, қизил аскар ва деҳқон депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 14-чакириқ сес-

сиясида С.Сиддик кенгашга аъзоликка сайланади. Туркистон Республикаси кенгашининг 10-Бутунтуркистон съезди мажлисларида иштирок этади. Унга, Ўзбекистон Компартиясининг умумўзбек съездларида катнашиш хуқуки берилади. Зоро, эндиликда у Ўзбекистон Республикаси Халқ комисарлар кенгашининг ишлар бошқармасида Марказий ахборот бюроси мудири вазифасида хизмат кўрсатаётган эди. Ўзбекистон Республикаси Марказий ижроия комитетининг 1925 йил октябр ойи бошларида Андижон шаҳрида бўлиб ўтган 3-сессияси ишида ҳам катнашади.

1925 йил 18 февралда берилган гувоҳномага биноан (Ўзбекистон Республикаси Марказий ижроия комитети томонидан) Шўроларнинг биринчи умумўзбек съездига Тошкент вилоятидан делегат бўлиб иштирок этади.

“Ер юзи” журналининг масъул муҳаррири Шермуҳамедов, масъул котиб Зиё Сайдовлар имзо чеккан гувоҳнома шаҳодатлигига қараганда, Маориф ходимларининг 1 съездига катнашади. Шунингдек, Санжар Сиддик 1926 йили “Ер юзи” журналидан, штатлар қисқариши муносабати билан бўшагандан кейин Ўзбекистон Давлат нашриётининг Тошкент бўлимида илмий ходим вазифасида ишлай бошлади (1926 йил 17 август). 1927 йил 2 январда берилган гувоҳномага кўра эса, у энди нашр секторининг адабий ходими бўлиб фаолиятини давом эттиради. 1928 йил 17 апрелда берилган кўчирмага биноан, у “Озод Бухоро” газета редакциясининг ахборот бўлими бошлиги вазифасидан озод этилган.

Санжар Сиддик Тошкентга қайтиб, Ўзбекистон Давлат нашриётининг Тошкент бўлимида редактор вазифасида хизматини давом эттиради (1929 йил 2 июль). 1933 йил 28 ноябргача эса мазкур нашриёт ихтиёридаги “Китоб ва инқи́лоб” журналининг масъул котиби бўлиб фаолият юргизади. 1937 йил 20 изолда эса вазифасидан бўшатилади. Лекин хизматдан четлатиш сабаблари 17-сонли буйруқдан олинган кўчирмада келтирилмайди. Фақат, масъул муҳаррир Ж.Шарипов буйругига биноан, вазифасидан озод этилди, дейилади, холос.

Кўринадики, Санжар Сиддикнинг бошида қора булутлар қуюқлаша бошлаган эди. 1937 йил 29 октябрда ноҳак

ҳибсга олинади. 1938 йил 8 октябрда эса ёпиқ суд ҳукми билан отишга ҳукм қилинади.

...Геология минерология фанлари доктори, профессор Баҳодир Сиддиқов Санжар Сиддиқнинг ўғли, Султонхўжа Сиддиқхўжаевнинг невераси бўлади. У отаси, онаси, оиласлари бошига тушган кечмишлар, аччиқ кўргуликлар ҳақида шундай ҳикоя қиласди.

### **Баҳодир Сиддиқов ҳикояси:**

- 1929 йили Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Шоҳимардонда қатл этилгандан кейин шўро ҳукумати ислом дини пешволоварини, диний эътиқодга ҳамда тоат-ибодатга берилган кишиларни қатогон эта бошлади. Ҳатто, исм-шарифида "мир", "хўжа", "саид" кўшимчалари бўлган мусулмонлар ҳам шўро зуғумидан четда қолмади. Бувам Султонхўжа Сиддиқхўжаев рус-тузем мактабида таҳсил олганлиги, шўро феълини яхши билганлиги боисми, ҳар қалай, шўро ҳукуматининг қаҳридан, балои-азимдан оиласини, фарзандларини омон сақлаш ниятида "хўжа" сўзини исми-шарифимиздан тушириб қолдирган экан. Шу-шу фамилиямиз Сиддиқов бўлиб қолган.

Бувамнинг партия билетида кўрсатилишича, касби "приказчик" - иш юритувчи бўлган экан. Эски Жувада Табиат музейи бўларди. Шу жойни бунёд этишда, музейни барпо қилишда ҳам бувам бош-қош бўлган экан. Онам Камола Мавлон қизини хотирлашига кўра, Октябр тўнтаришидан олдин московлик чойфуруш бой Қузнецов Тошкентга келиб, кўплаб дўконлар, расталар ташкил этган. Султонхўжа бувам Кузнецов бойнинг чойни тарқатиш ва сотиш ишларида Ўзбекистондаги вакили бўлган экан. Лекин бувамнинг асосий касби-кори боғончилик эди. Оқтепада, ҳозирги Талабалар шаҳарчасидаги санъат саройи биноси (аввалги хоккей саройи)нинг ўрнида катта боғлари бўлган. Асосий тирикчилиги боғонликда кечган. Оиласини боғдан чиқкан даромад ҳисобига тебратган.

Бир куни Ҳалим акам эринмасдан азза-базза Оқтепага бошлаб борган эди, дея ҳикоясида давом этди Баҳодир Сиддиқов. "Эски Богнинг бир чеккасида энкайган пасткам эски уйни кўраяпсанми? Билиб қўй, ана шу бувамиэнинг ший-пони бўлади", дея танитган эди.

Бувамнинг жуда катта олмазор, нокзор, узумзор боғлари бўлган. Ювош оқ отларида дала боғдан Эски Шаҳардаги уйимизга қайтишда иккита хуржунни тўлатиб олма солиб оларкан. Йўл-йўлакай учраган таниш-билишларига, болабакра ва узоқ-яқинларга олма улашиб келар экан. Бу воқеага ҳам анча бўлиб қолди. Институтни тугаллаб, ўша Октепадаги мактабда ишлаб юрган кезларим. Бир тўп мўйса-фидлар чойхонадан чиқиб келишаётган экан. Салом бериб ўтиб кетаётган эдим, тўхтатишиди. Юз қиёфам бувамга тортган шекилли, "Султонхўжа аканинг кимлари бўласиз", деб сўраб қолишиди. "Неварадари бўламан", деб жавоб бердим. "Э, умрингиздан барака топинг, ўғлим, бувангизнинг боғларидан кўп баҳраманд бўлганмиз, меваларидан кўп еганимиз, жойлари жаннатдан бўлсин, Оллоҳ Таоло раҳматига олган бўлсин", дея қуюқ дуо қилишган эди.

Бувам серфарзанд бўлган. Тўнгич боласи Тожихон аммам Ҳалим акамнинг оналари, 1889 йилда туғилган. Яrim ҳазил, яrim чин қилиб айтишларича, бувам билан бувим узоқ йиллар фарзанд кўришмабди. Ҳатто ораларидан ола мушук ўтиб, ажралишгача оз қолган экан. Йўқ, орадан ўн уч йил ўтиб, 1902 йилда дадам Абулбосит дунёга келибди. Кейинчалик журналист бўлиб, газета-журналларда меҳнат фаолиятини бошлагач, Санжар исмини таҳаллус сифатида қабул қилган экан.

Дадамнинг энг яқин дўсти, сирдоши китоб бўлган, дейишади. Вақтини худа-бехуда ўтказганини, ўйинқароқ юрган пайтларини ҳеч ким - аммаларим ҳам, амаким ҳам эслашолмайди. Рус-тузем мактабини тугаттач, рус тили билан баробар мустакил мутолаа орқали ўргангандар форс, араб, немис тилларини ҳам она тилидек билган. Бемалол сўзлашишдан ташқари ўша тиллардан илмий ва бадиий адабиётларни ўзбек тилига таржима қилган. Яна матнларни таҳрир ва талқин ҳам қилган. Кейинчалик матбуотдаги таржимонлик фаолиятлари даврида инглиз тилини ҳам пухта ўзлаштириб олибди. Хорижий тилларни тез ўрганиш, ўзлаштириш хусусияти отамдан ўтган бўлса керак, мен ҳам инглиз ва немис тилларини шахсий мутолаа орқали згаллаганман. Мактабда, кейинроқ олий ўкув юртлари-

да ўқиб юрган кезларим немис ва инглиз тилларида маърузалар қилдим. Олмонияда, Англия ва Америкада илмий ишларим чоп этилган. Бадиий адабиётга меҳрим, иҳлосим баланд. Шеърлар ҳам машқ қилиб тураман ("Хуррият" ҳафталик газетасининг 1997 йил 28 май сонида "Бир жону бир тан бўлайлик" шеъри эълон қилинди. Халқимизнинг яқин ўтмиши хусусида фикр юритувчи шеър бадиий пухталиги жиҳатидан профессионал шоирларнинг изланишларидан қолишмайди). Бу ҳам отамдан ўтган бўлса керак, деб ўйлайман...

Энди, дадамнинг томирлари тўғрисида: дадамдан сўнг Ёкутхон аммам, Зуҳра аммам, Муҳсит амаким кетма-кет дунёга келишган.

Бувам Султонхўжа Сиддиқхўжа ўғли 1921 йили Сирдарёга иш билан бориб, вабо касалига чалиниб келади; шу дард билан оламдан кўз юмади. Тўнгич фарзанди Тоҷиҳон аммам турмушга чиқиб кеттан. Адам ўшандада ўн етти-ўн саккиз ёшларида экан. Оиласининг паст-баланд, иссиқсовуқ юмушлари, тирикчилик ташвишлари дадамнинг зиммасига тушади...

30-йиллар қаҳатчилик, очарчилик пайтлари эмасми, ҳар қалай журналистларнинг қалам ҳаки ҳисобига тирикчилиги тузукроқ кечган бўлса керак. Дадам: "Ойи, қизларингизга айтинг, Тоҷиҳон опам, ёкутхон синглим болалари билан бизникига келиб яшай қолишин", деб бувимга қайта-қайта тайинлар экан

Дадам 1936-37 йиллар "Гулистан" журналининг масъул котиби вазифасида ишлаши билан баробар, Ҳалим акамини эслашига қараганда, яна Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўп нусхали газетасида ҳам эмакдошлик вазифасида фаолият кўрсатган экан. Шу боис, Ҳалим Усмонхўжаевнинг Тошкент давлат Тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўқишига киришига ҳамда олий маълумотли бўлгач, ана шу илм даргоҳида ишда қолишига йўл-йўриқ кўрсатган, ёрдам берган.

Ҳалим акамнинг ойиси Тоҷиҳон аммамнинг уч ўғил, беш қизи бўлган... Дадам 1937 йили қатағонда ноҳақ ҳибега олиниб, 1938 йили бегуноҳ жабрланганлар қаторида отилган.

Ойимни ҳам дадам билан кетма-кет қамоққа олишган. Лекин, айб қўя олишмаган, шекилли, икки йилдан кўпроқ қамоқда тутиб, ҳибсдан озод қилишган. Бу ҳақда қуйидаги ҳужжат сақланиб қолган: “Ушбу, 1903 йилда Тошкент шахрида туғилган гражданка Мавлонова Камолага берилдики, ҳақиқатдан ҳам у 1937 йил 23 октябрдан то 1939 йил 6 февралгача Ўзбекистон ССР ички ишлар халқ комиссаријатининг қамоқхонасида сақланди ва шу куни озод қилинди.” Ҳужжатга қамоқхона бошлиги Андреев билан ҳибса сақлаш бўлими бошлиги Меркульевлар имзо чекишган.

- Ота-онасиз тўрт фарзанднинг тақдири қандай кечди, - деб сўрасиз, даюм этди Баҳодир Сиддиқов. Акам Борийхон улғайиб, врач касбини эгаллади. Анча бўлди, вафот этди... Акам Борийхон, опам Машкурахонлар бувам билан яшашар эди-да, шу боис улар қамалмай қолишиди.

Мен билан синглим Маъмурахоннинг кўргуликларимиз бошқача бўлди. 1935 йили туғилган синглимга дадам Кимёхон исмини бёрган экан. Бувим ҳайрон бўлиб, тутақиб кетибди: “Кимё деганинг нимаси, қаёқдан топдинг бу исмни? Қаҳатчилик тугаб, эл-юртда маъмурчилик бошланаяпти. Яхшиси, исми Маъмурахон бўлсин”, деган экан. Туғилганлик гувоҳномасида исми Кимёхонлигича қолибди-ю, қариндош-уруғлар синглимни Маъмурахон, деб аташарди.

Ўшанда мен беш яшар, синглим Маъмурахон икки яшар эди. Бизни қамоқхонанинг маҳсус болалар бўлмасида икки йилдан кўпроқ тутишди. “Халқ душманининг фарзандлари”, деб маҳалла-кўй, узоқ-яқин, ва ҳатто, қариндош-уруғлар ҳам биз билан салом-алику борди-келдини қисқартиришди. Энг яқин кишиларинг ҳам сухбатлашиш у ёкда турсин, ўзини кўрмаганга олиб, худди танимагандек ўтиб кетишарди. Чапақай замона зайдини қаранг-ки, қозонга яқин юрсанг қораси юқади, деган гап биз норасидаларнинг пешонасига битилгандек эди, гўё.

Қариндошларимиз жуда кўп эди. Сертомир уруғлар орасидан айниқса икки киши бизга кўпроқ ёрдам қўлинни чўзганлигини, ҳайриҳолик кўрсатганлигини яхши эслайман. Ҳар гал йўқлаб келишганлиги шундокқина кўз ўнгимда суратланиб қолган. Улар катта аммамнинг фарзандла-

ри опа-ука Мұхайё опам билан Ҳалим акам эди. Кейинчалық Мұхайё опам Ўрта Осиё ва Қозогистон республикала-ри диний идорасининг раиси, муфтий Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг умр йўлдоши бўлган эдилар.

Синглим Матъмурахон билан мени НҚВДнинг болалар бўлмасида ҳибсда тутишганда, Мұхайё опам нима қилас-дилар, денг? Ўзлари Қорасаройда туришарди. НҚВДнинг болалар бўлмаси шу Қорасарой кўчасида жойлашган эди. Мұхайё опам бизни ҳолимиздан тез-тез хабар олиб турарди. Сира-сира хотирамдан чиқмайди, ўша оғир йилларда умр йўлдошли Зиёвуддинхон қори акам қувғунда бўлишига қарамай, бизни тез-тез йўқлаб турарди. Келгач, бир-икки бурда ноннинг юзига повидло суреберарди. Худо раҳматига олган бўлсин, яхшиликлари бир умр ёдимда қолган.

Энди, Ҳалим акамга келсак, ҳибсхонадан озод бўлгандан кейин ҳам уй-жой шароитимииздан, кийим-кечакдан, рўзго-римиздан, мактабимдан ҳамиша хабар олиб турарди. Етишмовчиликми, кам-кўст бўладими, бут қилиб берарди. Институтни имтиёзли диплом билан битирганимдан кейин, Ҳалим акам: “Энди, аспирантурага киришинг керак”, деб маслаҳат берди. Ўзимга қолса, ишлаб чиқаришга бориш, тоғ-тошларни, дашт биёбонларни кезиш эди.

Академик Ҳабиб Абдуллаев кафедрамиз мудири эди. У киши илмий раҳбарим бўлишга, ўзита шогирдликка олишга розилик берди. Лекин оиласи шароитим ўқишини давом эттиришни кўтармас эди. Уваланган уй-жой қадди бастини ростлашим, уйланишим ва шу тариқа, тирикчиликни бир баҳя ўнглаб олишим лозим эди. Шу боис аспирантура таҳсилида қололмас эдим. Шароитни тушунтирдим. Ҳабиб Мұхамедовичга шогирд бўламан деганлар сон мингта эди. Талабчан, қаттиққўл устознинг розилигини олиш ҳар кимга ҳам насиб этавермасди-да. Аъло ўқиганим, имтиёзли дипломим илмга йўл очган эди. Тақдир экан, илм заҳматларини Ҳабиб Мұхамедович билан бирга бошдан кечиролмадик. Ўн йил ишлаб, тоғларни, чўлларни кездим. Она ўлкамизнинг тупроқ қатламлари билан сўзлашишни, ер ости

маъданлари билан дардлашишни ўргандим. Кейин<sup>4</sup> илмга қайтдим.

Ҳалим акам кейинчалик аспирантурадаги таҳсилларимда ҳам, оила қуришимда, тирикчилик юмушларини йўлга қўйишимда моддий-маънавий ёрдамлари билан ҳамиша суяб келди. Келин ойим София опам билан кўп юмушларни ҳал қилишда бош-қош бўлишди. Одам ҳаётида кўрган бир яхшилигу бир ёмонлик кўнглидан ўчмас экан. Ҳалим акам билан Муҳайё опамларнинг олижаноблиги, катта инсоний меҳр-оқибатлари ҳамиша юрагим ардоғида.

Дадам билан ойим ноҳақ қамалишган пайтда ҳали беш ёшга ҳам тўлмаган бола эканман. Дадамни эсласам, бир воқеа кўз олдимдан кетмайди. Ўша пайтда қанд лавлагидан олинадиган, катталиги муштдек-муштдек йирик қандлар бўларди. Уни “калла қанд” ҳам дейишарди. Бир куни дўкондан рўзгор қилиб қайтаётган эдик. Дадам бир қўлида мени, иккинчисида қофозга ўроғлиқ қандни кўтариб олган. Нима бўлдию, қофоз йиртилиб, қанд тўкилди. Дадам мени ерга қўйиб, сочилган йирик-йирик қандларни териб ола бошлади. Илик узилди пайт эди-да, одамлар ҳам тирикчиликдан тортилган йиллар. Йўловчилар ерга эгилиб, қўлига илинган қанд бўлакларини олиб кетишарди. “Дада-дада, қаранг, анови кишилар, қандимизни олиб кетишаяпти”, дедим. “Ҳўявер ўғлим, ош бўлсин, соғлиғига буюрсин”, деган эдилар бамайлиҳотир.

Ойимнинг айтишига қараганда, дадам билан бирга қатоғон этилган шериклари ўн етти киши экан. Уларни Москвага олиб кетишган СССР Олий Судининг ҳарбий судида Файзулла Хўжаев, Бухаринлар билан бирга суд қилинган ва эртаси куни қатл этилган. Уларнинг кейинги кечмиши, қабрлари номаълум. Ҳеч кимга ҳеч нарса маълум эмас. Зимиston, коронулиқ.

1937 йили дадам билан ойимни ҳибсга олишгандан кейин уч-тўрт мелиса ўрис офицери билан келиб, уйда обдон тинтив ўтказишибди. Китобларни ҳовлига олиб чиқиб уйиб ташлашибди. Кейин бирма-бир кўлдан ўтказа бошлашибди. Бувим ҳайрон, курсида лол-бекол ўтириб қолган. Бувимнинг ёнида аммамнинг 8-9 ёшлар ўғли Адусамиғ

(кўрган-билгандарини кейинчалик бизга оқизмай-томизмай айтиб берган эди.) НКВД офицери китобларни биттама-битталаб қўлига олар, вараклаб, орқа-ўнгини кўздан кечи-рар, сўнгра “изять”, деб оловга ташлабди. Арабча ёзилган, қалин чарм муқовали китобларга тинни ўтмаганлиги боисми, варакламасданоқ уч-тўрттасини йиғишириб “изять” деганча ижирганиб, оловга отаверибди. Бу ҳол узоқ давом этибди. Таппи деса дўппини, салла деса каллани кўта-риб келадиган жоҳил ижрочилар кўпайиб кетган эди-да. Курсида сўлиш тортиб, эзилиб ўтирган бувим: “Вой, иззатинг бошингда қолсин”, “Вой, иззатинг қуриб кетсан”, деб диллари қаттиқ зирқирабди. “изять”ни “иззат”, деб тушунган бувим олов худди ичидаги ёнаётгандек мелиса фор-масидаги ёвуз бандаларни қарғаган экан.

Журналист Ислом Усмоновнинг мазмунли, иҳлос-эъти-бор билан ёзилган “Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари” туркумидаги “Ёш ленинчи” (хозирги “Туркистон”) газе-тасининг 1988 йил 8 сентябрь сонида эълон қилинган “Сан-жар Сиддик” мақоласида бу воқеа бошқача талқин қилинган. Хусусан, у шундай ёзади: “...Унинг кўз ўнгига ўғли бир умр мутолаа қилган китобларни ерга отилиши унутилмас бўлиб қолганди. Ўшанда жаҳл устида она “ўғлимнинг бошига етган”, деб ноёб китобларни етти кун тандирда ёқкан эди. Афсус...”.

Дадамнинг китобларини бувим эмас, НКВД зобити уч шериги билан ёқкан. Қайси она ўз фарзандининг кўзига чўп суқади, дейсиз? Ахир, китоблар дадамнинг кўраси, сўйлар сўзи эди-ку. Авлодимиз серфарзанд, серуруғ ҳамма исмлар бор. Фақат “Иззат” исми йўқ...

Санжар Сиддиқ коммунистик партия аъзоси эди. Аслида, партия сафларини “тозалаш” тадбири режали тарзда олиб борилган эди. Санжар Сиддиқ ҳужжатлари орасида 1932 йили ўтказилган “тозалаш” тадбиридаги саволжавоблар сақланган. Сўровнома бандлари орасида “мафкураси” деган саволнинг рўпарасига “чет” деб ёзиб қўйилган. Албатта, бу ўринда Санжар Сиддиқнинг дунёқараши ҳақида гап кетаётир. Бу “текшириш” никоби остида ўтка-зилган “тозалаш” тадбирлари бамисоли тегирмоннинг

тоши эди. 1932 йилдаёқ Шўро ҳукумати Санжар Сиддик шахсияти ва ижтимоий-маърифий фаолиятини шубҳа остига олганлиги аёнлашашётир. Ўшандаёқ уни қамашга чоғланган экану нимадир монелик кўрсатган кўринади. 1937 йили катта “тозалаш” ёнғинида ҳўлу қуруқ баравар ёнди. Санжар Сиддик ҳам ана шу издиҳомдан омон қолмади..

XX аср ўзбек маданиятининг кекса арбоби, Тошкент Шаҳар партия қўмитасининг собиқ котиби, ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида узоқ йиллар катта илмий ходими вазифасида фаолият кўрсатган Лазиз Азиззода Санжар Сиддикни эсларкан, қўйидагиларни (1975 йил 7 март) ёзган эди.

### **Лазиз Азиззода ҳикоясидан:**

Туркистанда Октябрь тўнтаришидан олдин Европа усулида таҳсил олган кишилар бармоқ билан санаарли эди. Мадраса ва рус-тузем мактабини битиргандардан бири Абдулбосит Султонхўжа ўғли Сиддиқовдир. У Октябрдан сўнг “Санжар” таҳаллуси билан XX аср ўзбек адабиёти тонгигда танилган уста таржимонлардан биридир.

Унинг отаси Султонхўжа ака 1876 йилда рус-тузем мактабини битирган биринчи ўзбеклардан ҳисобланади. Рус ва тоҷик тилларини яхши билган Султонхўжа ака олимлар билан суҳбатни ғоят севарди. Уларни тез-теа боғига олиб чиқиб, меҳмон қиласар, суҳбатлашиб улардан дурдоналар касб этарди. Йирик олим ва мударрислардан Шомуҳиддин, Исоҳон Аълам, Тўра домла, Алавуддин Махсум, Абдумалик ҳожи Абдунаби ўғли, Мухторхўжа эшонлар Султонхўжа аканинг яқин дўстлари эди. Бундай учрашув ва суҳбатлар Султонхўжа аканинг ҳар хил фанлар билан танишишга ва дунёқарашларига таъсир этган муҳим омиллардан бири бўлди.

Тошкент шаҳар аёnlари ва бойларининг Султонхўжа акадан маслаҳат ола бошлашлари натижасида Тошкент бойлари ичida энг олдин рус маданиятини олган Валихожи, Орифхўжабой, Сайдкаримбой, Бокижонбой, Орифжон Маллабоевга ўхшаганлар Султонхўжа ака билан дўст бўлиб қолишади. Айни пайтда ўз боғига Европа йўсинида гулзор ва ҳиёбонлар ишлаб чиқади. Уйларини ҳам стол, стул

ва бошқа европача асбоблар билан жиҳозлайди. Рус фирмаларининг Тошкентда катта бинолар солишларида прораблик ва мушовар(консультант)лик вазифасини олиб боради. Кўп вақт рус фирмаларида приказчик бўлиб ишлайди.

1917 йилнинг декабрь ойида Султонхўжа ака солдат ва ишчи депутатларининг Сирдарё область Советининг аъзоси қилиб сайланди ва Совет идораларида ишлайди (Гувоҳнома номери-76, 1917 йил 14 декабрда берилган). 1920 йилда РКП(б) Тошкент ташкилотининг 4-районида партия сафига киради (Паргия билети номери-1093, 1920 йил 4 юнида берилган).

Европа маданияти ўзбеклар учун фойдали ва ҳаётий, деган фикрни англаганлигидан, Султонхўжа ака ўзининг тўнгич ўғли Абдулбосит (Санжар)ни рус-тузэм мактабига бериб ўқитади. Айни бир вақтда ўз маҳалласидаги Тўхтабойвачча мадрасасида ҳам ўқитади. Санжар 1918 йил охирида, шу пайтларда нашр этилиб турган, "Турк РоСТА" газетасида саркотиб (секретарь) сифатида ишга киради.

Бу газеталарда тажрибали ёзувчилардан Мирмулла Шермуҳамедов, Чўлпон, Мўминжон Муҳаммаджонов, Абдулла Қодирий (Жулқунбой), Фози Юнус кабилар ишларди. Санжар тез фурсатда булардан ёзувчилик санъатини пухта ўрганди. Айни бир вақтда татарларнинг эски ёзувчи ва журналистларидан, шу пайтларда "Улутуркистон" газетасининг муҳаррири Кабир Бакр (Абдуртурғуд) билан танишиб, унинг бой тажрибасидан ҳам фойдаланди. Бироз вақт ўтгач, Санжарнинг теран мазмунли мақолалари чиқа бошлийди.

Унинг бундай муваффақиятга эришишида у тушган адабий муҳит ҳам муҳим рол ўйнайди. Чунончи, шу чоғларда Фитрат, Абдулла Қодирий, Қаюм Рамазон, Элбек, Уйфур, Зиё Сайд каби ижодкорлар ишлашарди. Булардан ташқари, ўша палладаги партия ва совет ходимларидан Усмонхон Эшонхўжаев, Миркомил Миршарофов, Бадриддин Аъзамов, Маннон Рамиз, Комилжон Алимов, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Вали Алломов (Нурмат), Қосим Сорокиндек турли соҳанинг масъул раҳбарлари Санжарнинг яқин дўстлари эди.

Мана шундай бой мұхитда Санжар ёзувчи ва кучли таржимон бўлиб етишади. Театр танқидчилигида Мирмулла Шермуҳамедовдан, ҳажвий мақола ва ҳикоялар ёзишда Жулқунбойдан унумли фойдаланади.

Санжарнинг катта хизмати, асосан, таржима соҳасидаги фаолиятидир. У рус классикларидан Пушкин, Лермонтов, Толстой асарларининг таржима комиссиясида фаол қатнашди. Аммо, Санжарнинг бир ўзи Гоголнинг, Родионов. Убайд Законий, Америка шоири Ленгстон Хьюзнинг асарларини, Версал муҳоҷадаси (договор)ни алоҳида чеварлик билан таржима қилди. Маркс, Энгельс, Ленин асарлари таржимасида ҳам қатнашди.

Санжарнинг “Калта дум”, “Газетчи”, “Тошкентлик”, “Қўзқулоқ” каби таҳаллуслари билан ёзган теран маъноли мақолалари, ҳажвлари, театр асарларига оид танқид ва тақризлари унинг истеъодли ёзувчи, санъаткор таржимон эканлигидан далиллар. “Адабий таржима санъати” номли таржима назариясига доир биринчи асар Санжарнинг қаламига мансуб.

Санжар фақат ёзувчи, таржимон бўлибина колмай, у 20-йилларда бўлган қарийиб барча сиёсий, илмий-адабий комиссияларда, қурултой ва анжуманларда ҳам қатнашиб борди. Чунончи, 1922 йили Мустафо Камолнинг жумҳурият давлатига ёрдам комиссиясида У.Эшонхўжаев, И.Тўхтабоев, Курбоналиев, Гелдеев ва Қ.Сорокинлар билан ишлашди. Бундан олдинрок 1921 йилда Бухорода Шарқ кўлёзмаларини текшириш ҳайъатида Фитрат, П.Солиев, Қ.Рамазоновлар билан ишлашди. 1924 йилда Тошкент шаҳар Ишчи-дэҳқон ва солдатлар Советининг депутати сифатида ишлаб борди.

Санжарнинг характеристи, ахлоқи, адабий диди ўзига хос эди. У ҳар бир киши билан сўзлаша бермас, кам гапириб кўп иш қилишни, кўпроқ ёлғиз ўтиришни, ижод қилишини севарди. У арабларнинг “мол-мулк ўткинчи, аммо яхшилик абадий қолади”, деган мақолини ўзига қонун қилиб олган эди. Санжарнинг энг яхши кўргани гўзал аҳлоқ, ҳокисорлик, китоб мутолааси, умумий ва шахсий ҳаётда интизом эди.

1924 йилнинг апрель ойида Санжарнинг уйида бир неча шоир ва ёзувчилар билан бўлган йигилишда Чўлпон қўлига қадаҳни олади-да, Санжарга қараб Навоийнинг:

“Соқий, карам эт жоми гездир  
Туттма қадаҳи мудом кездир”,

парчасини ўқииди. Санжар унга жавобан, Навоийнинг:

“Соқий, мадад этки дардимандам,  
Фам силсиласина пойи бандам,  
Фамдардина жоми май даводир,  
Тадбира гам айламак раводур”,

шеър парчасини ўқиди. “Мен ҳам сиз айтмоқчи бўлган фикрингизни ҳўб тушунаман; лекин, лаззатни шаробдан змас, китобдан олишга ўрганганиман”, деган жавоби хотирамда сақланиб қолган. Санжарнинг яхши хислатларидан бири одамлар билан муомалада назокат, жиддийлик, бирон эҳтиёж билан келган кишининг ҳожатини дарҳол чиқариш эди.

1923 йилда Москвада ишлардим. Шу йили Москвада бўлган Иттифоқ қишлоқ ҳўжалик кўргазмасига Ўзбекистондан борган вакиллар ичida Санжар ҳам бор эди. Санжар ва бир неча вакиллар уйимда меҳмон бўлишди. Кейин мен 13 сентябрда Луначарский ёрдами билан 5 минутта Ленинни зиёрат қилиш учун ижозат олишга муваффақ бўлдим. Шунда мен Санжар Сиддиқ ва Маннон Уйғурни олиб кириб, Ленинни кўриб чиққандик.

Санжар Сиддиқ ўзининг қарийб 20 йиллик адабий ва ижтимоий фаолиятида ҳалқка, Ватанига ҳалол ва садокат билан ишлади. Бундай қимматли инсон миллат қалбida мангу яшайди...”

Шўро мафкураси ҳалқимиз юрагидаги эрк-озодлик оловини ўчириб келди. Миллат кўнглидаги ёруғ юлдузларни сўндиришга интилди. Бу курашда асл фарзандлар умри сўнса-да, миллат юрагидаги ҳурриятта бўлган ишончи хирадлашмади. Миллий истиқлол шарофати билан Санжар Сиддиқ сингари фидоий фарзандларнинг ҳалқимиз маънавияти равнақидаги улкан хизматларини муносиб баҳолаш, ёритиш, ҳаётий ва ижодий фаолиятини акс эттириш

имкониятлари юзага келди. Санжар Сиддиқ ижодий меросининг илмий-маърифий, ижтимоий-эстетик аҳамиятини ёритиш галдаги муҳим вазифаларимиздан биридир...

Кўринадики, Ҳалим Усмонхўжаев табиатидаги ингичка бадиий дид ва фасоҳат, шахсиятидаги санъатсеварлик бежиз змас экан. Ушбу салоҳият зурриёдлари фаолиятида гўзаллик ҳодисаси бўлиб зуҳур топди.

## МАЪНВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ

Ҳалим Усмонхўжаев билан ушбу сұхбатимиз 1991 йил 24 сентябр куни бўлиб ўтган эди. У устознинг илмий-ижодий изланишлари табиатини инкишоф этиши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. Олим ижодий ғояларининг юзага келиши, илмий ҳақиқатларга айланиши ҳақида.

Н.Рахимжонов: - Ҳаётда, албатта, ҳар кимнинг ўз олдига кўйган идеали бўлади. У, ана шу мақсад йўлида меҳнат қиласи. Шу жиҳатдан Сизнинг идеалингиз? Қандай зиёлilarни ўз идеалингиздаги олим, деб биласиз?

Ҳ.Ҳ.Усмонхўжаев: - Фанинг соҳалари жуда кўп. Уларни фундаментал ва тадбиқий фанларга бўлиб гапириш одат тусига кирган. Шулар ичida олтмиш фоиздан ортигини техника фанлари ташкил этади. Олим ўзига тегишли фан соҳасида изланишлар олиб бораётган бўлса, илмидан жамиятта манфаат бўлиши лозим. Акс ҳолда, давлат ҳам, олим ҳам қаноатлана олмайди. Биз интеллектуал манбадан оқилюна фойдалана олмаяпмиз. Фан, энг катта бойлик манбаи эканлигини, бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланиши лозимлиги ҳақида кўп гапирамизу, аммо унга эришиш механизми ҳақида чукуррок ўйламадик. Фан ишлаб чиқаришдан ажралиб қолди. Фан натижалари ҳаётга кенг кўламда жорий этилмади; унинг ишлаб чиқариш кучларига айланиш шартлари бузилди.

Олим ўз илмидан ҳаётга, жамиятга манфаат келтириш ҳақида кўпроқ ўйлаши керак. У ўз фанига ёшларни торта билиши, ўз илмини кенг оммага содда тилда тушунтира бориши ва ҳамиша янгиликни изловчи ва уни турмушга тадбик эта бориши лозим. Бу менинг идеалим.

Н.Р.: - Илм-фан остонасига биринчи бор қадам қўйган пайтингизда кимлар Сизга устозлик килган эди?

Ҳ.У.: - Ўзим Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг тўқув технологияси соҳаси бўйича муҳандис технолог мутахасислиги эгасиман. Таҳсил жараёнида меҳаника илмининг турфа соҳаларига қизиқиш ўйғотган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Мухаммад Ўрзобоевнинг хизматлари катта бўлган. Институтни битириш йили. Саноат иқтисодиёти бўйича аспи-

рантурага кириш учун тайёргарлик кўриб юрган пайтларим эди. Устозим Муҳаммад Ўрзобоев билан бўлиб ўтган сухбат фикри-зикримни бутунлай ўзгартириб юборди. Устоз механиканинг “Механизм ва машиналар назарияси” йўналиши бўйича аспирантура ўқишини тавсия этди.

Мазкур соҳа машинасозликнинг илмий асоси эканлигини, барча техникавий олий ўқув юртларда шу фан ўқитилишини, республикамиизда эса шу фан соҳасида биронта ҳам илмий даражали мутахассис йўқлигини менга батафсил тушунтириб берди. Россия (собиқ СССР) Фанлар академиясининг Машинашунослик институтига, академик Иван Иванович Артоболевский раҳбарлигида аспирантура таҳсилига таклиф этди. Институтни битиргач, “Механизм ва машиналар назарияси” фанидан институт кафедрасида икки йил ассисент бўлиб ишладим.

Професор М.Ўрзобоев раҳбарлигида бир йил аспирантурани ўтагандан кейин, келгуси йили Россия ФА Машинашунослик институтидаги Машиналар динамикаси лабораторияси, академик И.И.Артоболевскийга аспирант бўлиб ўтдим.

1954 йили аспирантурани битириб, номзодлик диссертациясини ёқладим. Техника фанлари номзоди илмий даражаси билан Тошкент Тўқимачилик институтига келдим. Институтда асистент, катта ўқитувчи, декан муовини, декан бўлиб 1961 йилгacha ишладим.

Москвада номзодлик диссертацияси ҳимоясидан сўнг домлам академик И.И.Артоболевский зиммамга вазифа юклаб шундай деди: уч нарса қулоғингизда бўлсин. Биринчидан, Тошкентга бориб, механизм ва машиналар назарияси бўйича талабаларга маъruzalар ўқинг. Иккинчидан, шу фандан ўзбек тилида дарслик ёзинг. Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида шу фандан лаборатория очинг. Боиси, бу фан бўйича академия йўналишида фундаментал тадқиқотлар яратилиши кенг тармоқда ривож топиши керак.

Домланинг йўриқ-кўрсатмаларини бажариш имкониятларини излашга киришдим. Маъruzalарни ўзбек ва рус тилларida ўқий бошладим. 1954-61 йиллар мобайнида маъruzalар ўқиш билан баробар, шу соҳадаги терминология масалалари билан ҳам астойдил шуғулланишга тўғри келди. 1962 йили “Механизм ва машиналар назарияси” фанидан олий техника ўқув юртлари учун дарслигимнинг

биринчи нашри ўзбек тилида "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилди. Академик М.Т.Ўрзобоев бош муҳаррир бўлди. Катта домлам, И.И.Артоболевскийнинг икки йўриқ-топшириғи бажарилди.

1961 йилда мени Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ишга чақиришди. Академия призиденти, академик Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев "Механизм ва машиналар назарияси" лабораториясини очишни тақлиф қилди. Рози бўлдим. Бу ишда Механика институти директор мувовини, техника фанлар доктори, профессор А.А.Каримов жонкуярлик қилди. Ниҳоят 1961 йил 12 июнда лаборатория очиш ҳақида Ўз Р.Ф.А президентининг фармойиши чиқиб, мени шу лаборатория мудири этиб тайинлашди. Устоз И.И.Артоболевскийнинг учинчى йўриқ-топшириғи ҳам бажарилди.

Менинг номзодлик диссертациямда ипак газлама тўқув станокларининг автоматлаштирувчи механизми кинематикиси ва динамикаси масаласи ўрганилган эди. Бунда тўқув автоматларининг пухта ишлаши назарияси ва унумдорликни ошириш муаммолари ишлаб чиқилган эди.

Лабораторияда терим машиналарининг иш унумини ошириш илмий асослари яратилди. Янги мосламалар барпо этилди. Ишлаб чиқаришдаги мазкур янгиликлар назарий жиҳатдан умумлаштирилиб, дарсликка киритилди. 1965 йили профессор бўлдим; 1968 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига мухбир аъзолитига сайландим. Шогирдларим кўпайди. 1984 йили ЎзР ФАнинг ҳақиқий аъзолитига сайландим.

Н.Р.: - Устозлар шахсиятидаги ва илмий фаолиятидаги қайси жиҳатлар сизда ҳавас уйғотади?

Ҳ.У.: - Аввало, ҳаёт зинг буюк муаллим. Энди, илмдаги биринчи устозим М.Т.Ўрзобоев меҳрибонлиги, фикрлаш дарражасининг сермиқёслиги, ўз илмини ниҳоятда теран билишлиги, назарий изланишларда регионал соҳаларга кўпроқ эътибор бериши билан мени ўзига ром этарди. Яна, домланинг ҳақиқатчи тўғри сўзлиги, шогирдларининг илмий тадқиқотлари учун ўзи мавзу танлашни маъқул кўриши менга ёқарди. Устознинг бу хусусияти шогирдларини чуқур

фикрлашга ўргатар эди. М.Т.Ўрзбоев ўз соҳасидан ташқари фанинг фалсафий муаммолари хусусида теран мушоҳада юритиши шогирдларини маҳлиё этарди. Домлада илмий ташкилотчилик қобилияти зўр эди. У ҳақиқий педагог, олим, жамоат ва давлат арбоби эди.

Иккинчи устозим, академик И.И.Артоболевский забардаст олим, кишиларга ғамхўр, жуда ҳам юқори манавий-ахлоқий маданият соҳиби бўлган пок инсон эди. Ўз ҳаётининг ажралмас қисми бўлган аниқ фанларнигина эмас, яна адабиёт, музика, санъат, маданият, тарих, фалсафа соҳа-тармоқларини ҳам бир олим, етук академик даражасида мукаммал билган, уларнинг долзарб муаммолари хусусида баҳслар юрита олиш даражасидаги комил инсон эди. Унинг кишилар билан ўта фасоҳатли муомала маданияти менда чукур ҳайрат ва ҳавас уйғотган эди. Механизм ва машина илмининг даҳоси эди. Яна бир ҳайратланарли хусусияти, бу келажакни олдиндан кўрсатиб бера оловчи илми карам соҳиби эди. У феъли кенг, бағоят бой ҳаётий тажрибага эга олим эди. Устознинг шогирдларига дўстлиги, меҳрибонлиги ва талабчанлиги алоҳида бир сұхбат мавзуи. Ҳар икки бетакрор устоазлардан кўп нарса ўргандим.

Н.Р.: - Одатда одамлар дўст тутинганда, ўзида йўқ фазилатларни бошқа бир кимсада топғанлиги ёки ижодий маслак, эътиқод, фикрлаш ва дунёқараашдаги муштарак томонлар уларни яқинлаштиради. Сизнинг дўстларингиз кимлар, улар билан сизни бирлаштирган хусусиятларни нималарда кўрасиз?

Ҳ.У.: - Болалик йиллари орттирган дўстим, ёзувчи Аъзам Мирахмедов эди. Бир мактабда ўқиб, кейин қадрдонлашган эдик. Унинг адабиётга, бадиий таржимага қизиқиши менда ҳам рағбат уйғотган эди. Бунинг самараси натижасида талабалик йилларимда Короленконинг "Кўр музикачи" асарини ўзбек тилига таржима қилган эдим.

Кўп мулоқотда бўлган азиз дўстим драматург, профессор Турсун Собирий эди. Янги саҳна асарларини, киноларни бир кўргач, узск ва мароқли сұхбат баҳсларга берилардик. Беморларни гулларнинг ифори-атри билан, мусиқанинг ёқимли садолари билан даволаш ҳақидаги араб оли-

ми Ал Киндий фикрларини шифокор дўстларимга қайтакайта таъкидлашни яхши кўраман. Гуллар таровати билан мусиқа садолари ўргасида нақадар оҳанграболик борлиги хақида дўстим, академик Абдуманон Раҳимжонов билан баҳслашардик. Аммо бундай даволаш усулига ўтишдаги шароит билан боғлиқ масалалар уларни ўйлантириб қийнарди. Асосан, ажойиб ҳулқ-атворли, ҳам феъли, ҳам фикри кенг, ўз соҳасини яхши биладиган билимдон кишилар билан суҳбатлашишни яхши кўраман. Ўзи пок, сўзи пок, беғараз инсонлар мени қизиқтиради.

Н.Р.: – Ота-онангизнинг қайси сабоқлари яшашда ва ижодий фаолиятингизда ёрдам бераяпти?

Ҳ.У.: – Мен бувам билан бувимни кўрмаганман. Отам ўқимаган бўлса ҳам укган эди; ҳалол меҳнат билан кун кўришни яхши кўрарди. Бизни ҳам шунга даъват этарди. У кишининг суҳбатлари ҳикматли, маъноли бўларди. Шу боис ҳамиша кўнглимизни ром этиб, фикри-зикримизни жалб этиб турарди. Ҳусусан, дўст қадрига етишни, дўстга ҳиёнат қилмасликни, илм эгаллаш ҳар нарсадан улуғлигини доимо уқтиарди. “Ўзингизга бир чашма очиб олинг, – дер эдилар. – Яъни, ҳаётда ҳар ким ўз лаёқатига муносиб касб-ҳунар эгаси, илмли бўлиб, ҳалол маош билан покиза яшаш энг улуг саодатdir. Ўзингиздан ошиб кетаётган кишиларга асло ҳасад қилманг. Интилиб, ҳаракат қилинг, ўша даражага етишиш учун меҳнат қилинг, худодан астойдил тиланг”, дер эдилар.

Онам доимо: “Олим бўлиш осон, одми бўлиш қийин”, дер эди. ГШ улғайган сайин бу сўзларнинг нақадар чуқур маънога эга эканлигига ишонч ҳосил этасан. Отам, бу дунёнинг “бир мири камлиги” ҳақида кўп галирар эди. Биз, бу нима деганингиз, деб сўрасак, ҳали бошинга тушганда билиб оласан, деб қўярди. Боисини қайта-қайта сўраб, ҳоли-жонларига қўймаганларимиздан кейин охири тушунтириб берарди.

Падари бузрукворимиз ҳар гал овқатланиб бўлгач, дастурхонга фотиха ўкирди. Дуога қўл очиб, “кенг феъл, кетмас давлат, тани сиҳатлик ва хотиржамлик ато этсин” деб Қодир Эгамдан сўрап эди. Кафтларини юзларига тортар-

ди. Ана шу дуо орқали “дунё – бир мири кам икки” деган иборанинг маъносини айтарди: “ҳар ким кенг феълли, кетмас давлатли, тани сиҳат ва хотири жам бўлишини истайди. Аммо, бу тўрт нарса кишида бир вақтда мужассам бўлиши қийин. Улардан учтаси муҳайё-ю, тани соғ бўлмаслиги ёки хотири жам бўлмаслиги, ёхуд феъли тор бўлишлиги, ёки давлати кам бўлиши мумкин. Мана шу нарса дунёнинг бир мири кам, иккилитидир”.

Яна “бол ҳам тилдан, бало ҳам тилдан; бу тил оғизда жимиб ёттан илондир, ёмон тебранса, чақмоғи аёндир”, дер эдилар. “Сен ҳам, сиз ҳам бир оғиздан чиқади. Тил шундай бир нарсаки, уни эҳтиётлик билан тебратиш керак” деб насиҳат қиласарди.

Ота-она сабоқлари – бекиёс илм; улар ҳаётингда бир умр ёруғ яшашга ўргатади.

Н.Р.: - Биринчи маошингизга ва стипендияга нималар ҳарид қилгансиз?

Ҳ.У.: - биринчи стипендияга бир қоп ун билан қатик олиб келганимда раҳматли онамнинг севингланлари ҳалихануз ёдимда. Фан номзоди бўлгач, биринчи маошимга онамга атаб пальто, рўзгор учун ҳолодильник – музлатгич олиб келганман.

Н.Р.: - Студентлик йилларини эслаганда кимлар ва қандай дамлар хотирангиздан кўтарилимайди?

Ҳ.У.: - Профессор Қори Ниёзийнинг математикадан ўқиган маърузалари, Умар Ҳайём рубоийларидан ёд айтиб, талабалар дикқат-эътиборини енгилгина эвириб олишлари шундоққина кўз олдимда.

Н.Р.: - Шогирдларингиз кимлар, улар фанга қандай янгиликлар олиб киришди?

Ҳ.У.: - Фан номзодидан академиклик даражасига эришдим. Шу орада бевосита раҳбарлигимда қирқдан ортиқ фан номзоди ва фан докторлари етишиб чиқди. Анвар Жўраев, Усмонали Нишоналиев, Файрат Қўзибоев, Камолхон Каримов сингари техника фанлари докторлари, Қўркмас Иноғомов, Анвар Хўжаев, Саттор Мухиддинов, Тўлебой Омонов, Анвар Байрамов, Абдукарим Усмонов ва ҳ.к. фан номзодлари номини алохида тилга олгим келади. Шогирдлар билди.

лан биргаликда кечган изланишлар самараси ўлароқ бир қатор янгиликлар яратилди. Жумладан, импульсли механизмлар, ишқаланиш көзффицентини топиш мосламалари, ип йигириш, калава түқиши, пахта тозалаш, чарм ишлеш машиналари ва ҳ.к. Шогирдларимдан И.Файзиев, К.Иногомов мен билан биргаликда таркибий шпинделни ишлаб чиқиб ва ҳаётга жорий этганимиз учун 1989 йилда Абу Райхон Беруний номидаги Республика давлат мукофотига сазовор бўлдик. Яна шогирдларимдан А.Жўраев, К.Каримов, З.Бобоев, Р.Каримов, Ж.Муҳамедовлар Ўзбекистон ёшлири мукофотлари билан тақдирланганлар.

Н.Р.: - Бадиий асарларни яхши кўрасизми? Улар илмий фаолиятингизда қай даражада фойда беради?

Ҳ.У.: - Шеър машқ қилишни севаман. Яна битта саҳна асари ҳам ёзган эдим. Аммо саҳна юзини кўрмади. Бадиий асарлардаги одамлараро муносабатларни акс эттириш жараёни билан илмий ихтиrolарни юзага чиқариш ҳолатлари ўртасида ўхшашлик борлигини сезиб турман. Ҳазрат Алишер Навоий камтарликни дорбоз қўлидаги лангар чўпга қиёслаши механикадаги мувозанат қонунига ўхшайди. Бадиий асарлар мутолааси, шеърий машқлар янги-янти илмий-назарий изланишларга илҳомлантиради. Завқ билан олиб борилажак талқинларга ёрдам беради.

Н.Р.: - Олим учун қайси фазилатларни, айниқса, қадрлайсиз?

Ҳ.У.: - Олимнинг одиллиги-ю покдомон аҳлоқи, ташқи ва ички дунёсининг бирлиги, оиласига, фарзандларига эътибори ҳамиша ибратли бўлиши керак. Ўз фанимдан ҳаётий маънолар чиқариш, қийин муаммоларни содда тилга ўтказиб сўилаш, ҳар нарсадан, воқеа-ҳодисалардан механика қонунларига ўхшашлик борлигини пайқашга интилиш завқимни тоширади. Буларнинг ҳаммаси мени кичик бир назариядан амалий натижалар чиқаришимга илҳомлантиради.

## ЁН ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ ШУЪЛАЛАР

Ҳалим Усмонхўжаев билан бир неча сұхбат ўтказишни кўнгиллаган эдик. Бетобликлари боис ўн етти банддан иборат сўровлар жавобсиз қолди. Лекин ён дафтар ҳошиясидаги ловуллаган фикр-мушоҳадалар дилларга ҳарорат бағишлийди. Устознинг бетакрор шахслигидан, маънавий-интеллекти теран ва бойлигидан, илмий-назарий ҳофиза кўлами сертармоқ ва сермиқёслигидан далолат беради.

Агар, илм-фан кишилари томонидан халқ меҳнатини, юмушларини осонлаштирадиган, ишлаб чиқариш самара-дорлигини оширадиган принципиал янги техника яратилас экан, жамият ҳаёти бир жойда депсиниб қолади. Илм-фани камол топмаган давлат охир-оқибат таназзулга юз тутади.

\* \* \*

Орамизда шундай “олимлар” борки, номи улуг-супраси куруқ, янги ғоянинг кўчасига ҳам яқин йўламайди.

\* \* \*

Ҳар бир соҳа ва тармоқда янги механизм ва мосламалар яратиш устида ишлаш, изланиш бош аъмолинг бўлсин. Стереотиплар - жилмасдан бир жойда югуришдан бўлак нарса эмас.

\* \* \*

Таваккал – ботирнинг иши, деган гап бор. Илм-фандада жасоратли таваккал билан омад – қушнинг икки қанотидек гап. Бусиз янгиликнинг юзага чиқиши даргумон.

\* \* \*

Миллий мустақилликсиз том маънодаги ўзаро ҳамдўстлик ва ҳамкорлик юзага чиқмайди.

\* \* \*

Консолидация - жипслашшиш, устоз билан шогирдлар кучгарайти, илмий салоҳияти ва ғояларининг бирлаштирилиши ҳар қанақа тоғларни талқон қилиб ташлайди.

\* \* \*

Стагнация – шу пайтгача кўпроқ иқтисодда қўлланилар эди. Ишлаб чиқаришдаги, савдодаги касодга учраш гапириларди. Энди, илм-фандаги ғоялар тахчиллиги, касодлиги – жамиятнинг ноқобиллигидан, аслида.

\* \* \*

Илм-фан мактаблари – бамисоли қайроқ тош. Бир-бира га суйкаланиб эмас, ишқаланиб яшайди. Натижада учқунлар чатнайди, алангалар ҳосил бўлади. Бу – чинакам илмий мактабларнинг яшаш тарзи, ҳаётининг моҳияти. Шу тарзда улар бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир-бирининг умрини узайтиради.

\* \* \*

Квитетсценция – бирон-бир нарса ёки тушунчанинг моҳияти, мағзи экан. Демак, ғоялар инсонни маънан ва ақлан камол топдиришга хизмат қилиши керак. Фикри билан кўнгли гўзал одам, бу – ҳаёт гули, тириклик гултожидир.

\* \* \*

Концепция – рассом, шоир, ёзувчи, сиёsatчининг қарашлари системаси; фикр юритиш усули экан; бу аввало, Олам ва Одамни, табиат ва жамиятни англаш, тушуниш ҳамда тушунтириш билан боғлик. Бу-ҳар қандай ижодий изланишлар юраги. Концепциясиз олимни юраги йўқ одамга ўхшатиш мумкин.

\* \* \*

Олим ижоди халқ мулкига айланиши лозим.

\* \* \*

Омад келса, шиша билан темирчининг сандони синдирилибди. Омад кетса, аталадан тиш синибди.

\* \* \*

Ҳақиқат (фан) ҳеч қачон у ёки бу моделлар қолипига сифган эмас. Ва лекин, моделларсиз – фан ҳақиқатларини ўрганмок маҳол.

\* \* \*

**Хўш, диннинг ўзи нима?**

Дин-тарих, тажриба, маърифат ва донишдир; дин-илм-дир, илм-диндир. Дин-мехр ва шавқат, инсоф ва диёнат; инсоният ўзи устидан ўрнатган олий назорат.

\* \* \*

Художўйга Худо бор, худосизга Худо йўқ. Кўзи очиклар худони кўради, кўнгил кўзи юмуқлар Худони кўрмайди.

Жонли ва жонсиз табиат унинг жилвасидир. Шуъласи оламни чулғаган. Инсон ҳар гал унинг шуъласига ўзини солиб, ўзи-ўзига баҳо беради. “Худоё, - дейди у, - тирик жон ато этганига, инсон қилиб яратганига Шукр! Лекин мен ана шу ҳимматингни оқлаяпманми? Меҳру мурувватингга муносиб яшаяпманми?”. Шундай дейди-ю, яна юксакка, камолотга интилади...

\* \* \*

Фанда ёлғиз олимлар бўлмайди. Муттасил ўз-ўзини янгилақ борадиган, ўзини инкор қиласидиган, ўзлигини кашф этадиган ва ўз-ўзидан қаноат ҳосил қиласидиган том маънодаги илм-фан яшаб қолади.

## **ҲАЁТ МАЗМУНИ**

Ҳаёт нима, турмуш нима, ўйладингми сен?  
Бахтинг нима, роҳат нима, тушундингми сен?  
Роҳат деймиз ва баҳт деймиз, улар нимадир?  
Чуқур ўйлаб кўргин дўстим, улар кимгадир?

Эй дўстларим. Ўйланг буни қаримай туриб,  
Ешлик афзалликлари аримай туриб.  
Ёлғиз ўтсанг, бу хаёллар сенга бўлар пуч,  
Бу орзуга етишлиқда аёллардир куч.

Билсанг, аёллардан аёлларни фарқи бор,  
Адашмагин, пок аёлга керак эътибор.  
Ўйла дўстим, меҳр-шавқат сочилмас ерга,  
Униб ўсгай пок-бегубор диллар тўрида.

Эй, Ҳалимий, сен ўртага солган бу гаплар,  
Адашмаслик малҳами-ку, дўстлар билсалар.  
Баҳт ҳам шу-ку, роҳат ҳам шу, улар сезсалар,  
Ҳаёт ипин пухта боғлаб бардам юрсалар.

## **ИХТИРО, КАШФИЁТ, ФАН**

Биз яшаймиз тилсимлар аро,  
У тилсимлар табиат ичра.  
Ихтиро-ю кашфиёт,  
Табиатнинг зарраси эрўр.  
Бу заррани инсон ўрганиб,  
Ўзлаштириб, унга қайтарур.  
Фан олами ёшлар биландур,  
Улар топур тилсимот сирин,  
Агар ижлос этилса фанга  
Яширин сир қолмас, очилур.

## **УСТОЗ ВА ШОГИРД**

Хуш бўлса шогирд ҳаёти баркамол устоз билан,  
Қувнаса устоз кўриб, шогирдларин парвоз билан.

Дема ани шогирд дебон устозидан зўр бўлмаса,  
Дема они устоз дебон, гар шогирдга тўтон бўлса.  
Устун бўлиб, иззат қилиб юрса шогирд устозини,  
Шунда улар қолдиурлар авлодга зўр достонини.  
Эй, Ҳалимий, сен қувонгин, сенда бордур шогирдлар,  
Бу – Файрату, бу – Анвару, Камолхондек лочинлар.  
Ўтар давр, келар замон машинани бошқариш,  
Шунда қилган илмий ишга топилгайдур зўр ҳурмат.

### ТИЛСИМОТ

Бахти ҳаёт нима ва роҳат нима?  
Севги ўзи нима, муҳаббат нима?  
Умр ўзи нима ва меҳнат нима?  
Фаровон япашлик мазмуни нима?

Тўртлик заминида тилсимотли юр,  
Уни эгаллашнинг шартли сири бор.  
Аввало ўзига мос ҳунар топиш,  
Сидқидилу қунт бирла иш бошлами.

Севги-муҳаббатнинг муҳим шарти бор,  
Ўзингга мос ҳамдард танлашнинг даркор.  
Шунда бахту омад ёр бўлгай бизга,  
Мехрли фарзандлар бор бўлгай бизда.

Ҳалимий розидур, билсанг ишингдан,  
Ўйланиб қадам бос, ҳар бир изингдан.  
Кетмас давлатингдан ва роҳатингдан,  
Меҳнатингдан, келган бахту тахtingдан.

**АБДУЛҲАЛИМ ТОҒАМИЗГА САЛОМ  
(50 ёш табриги)**

Ассалом деб таъзим айтай, шуъла-афшоним, тоғам,  
Барчамизга меҳрибон ҳам шавкату шоним, тоғам.  
Дунёда шуҳрат топдингиз, топдингиз сиз яхши ном,  
Ул гўзал Московда турган – биз жиянлардан салом.  
Лутфингизга тан берурмен, танда сиз жоним, тоғам,  
Ҳулқингизга қул бўлурмен, давру давроним, тоғам.  
Аҳли-илмлар даврасида бўлдингиз соҳиб калом,  
Лайли-Мажнун ҳам қизидан – биз жиянлардан салом.  
Ифтихор-ла сўйлагайлар мадҳингиз дўстлар бари:  
Меҳру шавқат, қадру қиммат, оқибат мавзулари,  
Табрик этмак, меҳрибоним, вожибим-бурчим эзур,  
Олқишилайман тоғажоним, ушбу хат – йўлчим эзур.  
Фусса-ғам кўрмангиз асло, сизга сурур ёр бўлсин,  
Азизлар умрин кўринг-у, сизга турур-ор бўлсин.  
Маърифатпарварлигингиз айласинлар эҳтиром,  
Иззатингиз истагувчи – биз жиянлардан салом.  
Замонанинг зайли бирлан бунда биз бўлдик муқим,  
Гуллар тутиб изладик биз ассиротал – мустақим.  
Абкарият шодасида битта маржоним, тоғам,  
Сарви гуллар сақлагувчи пок посбоним, тоғам.  
Анжуман жам бўлган онда бизни зсланг, ёд этинг,  
Лирик куйлар чалдириб дилларни хандон, шод этинг.  
Олмахону Алижон ҳам Сойибжонлар куйласин.  
Мавлудаҳон чалсинлар-у, раққосалар ўйнасин.  
Элмираю Сирожия, Нурпошшалар шу дамда,  
Латофатли умр йўлдошингиз – аммам ва ҳамда,  
Лочин ўғлон – Амирсаид ва Пошшалар бор бўлсин,  
Икки дунё барчангизга бахт-саодат ёр бўлсин.  
Ёшу қари, ёру дўстга йўллаб самимий салом,  
Шамсуддин, Шоира, Ситоралар табриги тамом.

(1969 ийл ноябрь)

## СҮЗ – ХОТИРА (хотима ўрнида)

Абу Райхон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида ҳикоя қилишича, Шарқ донишмандидан: одамнинг одамлиги нима билан, деб сўрашибди. У:

Энг кичик икки аъзоси – тили ва дили билан, деб жавоб берган экан.

Тил ҳам дил ҳам сўзда аён. Фикрга йўғрилган ҳар бир ёмби сўз кўнгиллардан сув ичганлиги боис нур мақомига зришади. Шуъла сочиш салоҳиятига эга бўлади.

Сўз, бу – Нур. Нур эса, ёлғиз ёруғликдан иборат эмас. У одам билан ўн саккиз минг олам кўнглидаги жамики ранглар энагаси. Шу маънода, ёмби сўз ҳамиша нурнинг соҳир истеъодини ўзига юқтиришга, юрагига сингдиришга интилиб яшайди. Сўз – алангалар ҳосил қилиб ёнган аснолардагина илоҳий нурнинг шуъласи дилига инган, кўнгил боғларида куртаклар туттган бўлади.

Сўз, бу – кимларнидир соясига тўшаладиган кўрпача эмас. Сўз шундай бир илоҳий каломки, у карнайлар садоси-ю, сурнайлар навоси, булбуллар хониши-ю, жийда гуллар тароватини, тоглар викори-ю осмонлар салобатини, ҳётнинг иссиғи-ю соғуқларини, дунёнинг теранлиги-ю банданинг тубанликларини ўзида мужассам этади. Сўзлар тогнинг худи ўзиман, дея кеккай бошласа, қанот чиқарган қумурсқалар қошида ялтоқланиб мадху-сано ўқиса, кимларнингдир пёқларида пайтаваларига айланса, ёмби сўзнинг пешонаси шўрлангани шу. Кўзларини кум босгани шу. Қулоқларига зил қўрғошин қуйилгани шу.

Ёмби сўз шунинг учун ҳам нурки, у қозонларда қайна майди, нафси ўқонларга емиш бўлмайди. Ўчоқларда кулга айланмайди. Еўла-болишлар мисоли кимларнингдир бикинида бўғилиб, димиқиб ётмайди. Ёмби сўз ёлғиз Ҳақни билишга, Ҳақни танишга, ва Ҳақка топинишга ҳақли. Ўн саккиз минг олам сир-синоатларини, Раббимнинг шафоатию шарофатларини улуглаш жараёнида мўъжизалар яратишга, ёруғликка айланишга ҳақли. Офтоб – Оллоҳ таолонинг на зари. Қоронри ерғулалардаги, деворлар кавагидаги курт-

қумурсқалар ҳам нурни кўриш учун, ундан баҳра олиш учун пўжанак босган мағораларидан чиқиб келади. Нурга пешвуз ошиқади.

Эзгу сўзнигт ана шундай оламгир салоҳияти бор. Одам билан олам нурли сўзга бағрини очади. Илоҳий сўздан ёруғ заковат шуълаларини симиради. Зеро, бизлар бир ўткинчи сайёхлар мисол, бизлардан фақат Сўз қолгуси ёдгор.

Ана шу аснолардан бошлаб Сўзлар хотираға айланади. Ҳаётимизга ўзгача файз бахш этади. Энди, у биз билан бирга яшай бошлайди.

Академик Ҳалим Усмонхўжаевнинг тадқиқотлари, илмий-назарий гоялари, рисолалари маънавий-интеллектуал дилбандлариридир. Илм боғида ундирган тафаккур дараҳтлариридир. Дарвоҷе, фикрлар ҳам фарзандлар сингари туғилади. Кўнгилнинг исми бўлиб, зурриёдинг бўлиб қадам ташлайди. Ўзлигини эл-юртга танитади. Ва демакки, сенинг номингни мулки борликка ёяди.

Гуллар шаклию ранги билан, баргларининг тузилишию таровати билан ўзаро фарқланади; бир-бирларидан ажраблиб туради. Фикрлар ҳам шунга монанд. Сўз одамнинг юзи. Ҳар бир олимнинг фикрлаш тарзию таҳлил йўсини, тадқиқотию тафаккур маданияти бир-бирига ўхшамайди. Нафакат олимлару адиллар, санъаткорлару ижодкорлар, ва умуман, ўзлигига эга бўлган ҳар бир шахс сўзлар орқали ўзлигини аён этади. Сўзлар бағрида яшаб қолади. Академик Ҳалим Усмонхўжаевнинг ижоди бунга гувоҳ. Уларда устоз олимнинг юрак тафти, кўнгил муҳри, дил изҳори бор.

Айтиш мумкинки, сўзлар ҳам юлдузлар мисол чараклаб ёнади, шуълалар сочади, ёғдулар таратади. Осмонда юлдузлар учса, кимнингдир ҳаёт шаъми сўнди, тириклик иплари узилди, деган ўй кўнгилдан кечади. Бу, аслида, зоҳирий таассурот. Ўша юлдуз шуъласи осмонлар бўстонидаги нур боғларига, туйғулар гулзорига сингиб кетади. Ушокдек зарра юлдузлар қаҳқашонини обод этган ёруғликнинг бутунлигини ташкил этади. Йўқ, юлдузлар нурий ўқлилар юз тутмайди.

Кўнгиллардан қанот боғлаб учиб чиқкан ёмби сўзлар ўз соҳибидан кейин ҳам яшаб қолади. Унинг умрини давом эттиради. Боиси, сўзлар зэгулик, ҳақиқат, гўзаллик тимсолига айлангани учун ҳам йиллардан йилларга, асрлардан асрларга ўтади. Ўз соҳибининг саломини келажак насллар юрагига экади.

Ахир, мўйсафид мозий шоҳид-ку. Аждодларимиз ошини ошаб, ёшини яшаб, фоний дунё эшигини ёпганча боқий дунёга тушиб кетдилар. Бироқ, уларнинг маънавий ҳаёти, тафаккури офтоб нурларига айланиб, бутунги кунларимизни ёритаяпти. Келажак йўлларимизга ёғду сочиб турибди. Ҳар бир авлод ўз руҳий эҳтиёжига қараб гоҳ ҳовучлаб, гоҳ пақирлаб, гоҳ тўшини очиб баҳра оляяпти, озиқланаяпти.

Уларнинг жисми ёлғиз қолган эса-да, эзгу амаллари, қуттуғ ишлари, ҳақ сўзлари авлодлар ҳаётида давом этајапти. Биз билан бирга, ҳамкор ва ҳамнафас яшаб келаяпти. Хусусан, кунлару туилар, тонглару шомлар монанд, осмону замин мисоли ёмби сўзининг ҳам нигоҳи ёниқ. Дилларда фикр боғларини гуркиратиб яшнатаверади. Туйгулардан иборат ифори-бўйларини таратиб, баҳри-дилларни очаверади.

Туғилиш – ўлим сари қўйилган дастлабки қадам. Ва лекин, ёмби сўзлар ўлимни танимайди, билмайди ҳам. Бу ёруғ очун Гўзаллик, Ҳақиқат ва Эзгулик асосига қурилгани боисидан ҳам ҳеч ким ҳаётдан безмайди. Яшаган сайин яна яшагиси келаверади. Ёмби Сўзлар ҳам ўз соҳибининг кўнглини тарк этгач, ҳаётнинг ўзига айланади. Маънавий оламнинг бир бўлаги бўлиб қолади.

Илмий-назарий ғоялар ҳам ҳаётни, умрларни янада гўзалаштиришга йўналтирилган моҳияти билан боқийликка даҳлдор. Кўзимиз кўрган ва нигоҳимиз қамрай билмаган, шууримиз англаб етган ва илғай олмаган бару баҳрлар, ўн саккиз минг олам сўзлар беғрига сифади. Бу очунда ёвузиликдан, қабоҳатдан, риёдан бўлак ҳамма нарса униб-ўсади; гуллайди, мевалар тугади. Илмий ғояларнинг гўзаллиги-ю умразоклиги ҳам шунда.

Илмий ғоялар атроф-теварагимизни ўраган табиат ва руҳоният сирларини англашга, инсон тириклигининг моҳи-

ятини кашф этишга сафарбар этилганлиги боисдан ҳам гўзал. Гўзаллик, аслида, илмий-назарий ғояларнинг ҳам ватанидир. Янги-янги нуқтаи назарлар, муҳокама-мушоҳадалар ана шу ўлканинг саррин шабадалари, маржон кўзли булоқлари, сергулув дарёларию сокин кўлларидир.

Мўйсафид Шарқда чақалоқларнинг танглайини илоҳий сўзлар, табаррук дуолар ва ёруғ тилаклар билан кўтаришиади. Эзгу амаллар она сути билан чақалоқларнинг вужудвужудига сингади. Шу боисдан ҳам сўзнинг ватани гўзаликдир.

Академик Ҳалим Усмонхўжаевнинг илмий-ижодий фолиияти гўзаликнинг умрини узайтиришга қаратилган. Шу маънода, илмий ҳақиқатлар ҳам нурнинг жамолидир.

## МУНДАРИЖА

Академик Ҳалим Усмонхўжаев ҳаёти ва фаолиятининг асосий саналари .....	4
Муаллифдан .....	7
Фикр - кўнгил нури .....	9
Нур ёруғликнинг уруғи .....	13
Усмонхўжа отанинг шажара томирлари .....	31
Қалб қирралари – тафаккур жилолари .....	32
Санжар Сиддиқ – жияни тақдирида .....	63
Маънавият сарчашмалари .....	82
Ён дафтар ҳошиясидаги шуълалар .....	89
Сўз – хотира(хотима ўрнида) .....	95

Нўъмон Раҳимжонов

## Нур-боқийликдур эссе

Муҳаррир: Б. Эргашев  
Техник муҳаррир: И. Гончарова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Д. Раҳматуллаева  
Дизайнер: И. Гончарова

Босишига 27.08. 2004 йилда рухсат этилди. Қоғоз бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Босма табоги 6,25. Адади 500 нусха.  
45-сонли буюртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
хузуридаги «Адолат» нашриёти.  
Тошкент шаҳри, 700170, А. Мухиддинов кўчаси, 26-уй.

«OFFSET PRINT» босмахонаси.  
Чўпонота кўчаси «М» мавзеси.  
«Ўзқишлоқлойиҳа» МЧЖ.